


Сайра, дўмбираам!

Қозоқ шеърияти антологияси

Фафур Ғулом номидаги
нашириёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2005

Таржимон
Мирпўлат МИРЗО

10 31063
396



Н |

Сайра, дўмбирам: Қозоқ шеърияти антологияси
C22 /Таржимон Мирпўлат Мирзо/. — Т.:Faфур Ғулом но-
мидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.—220 б.

Ўзбек ва қозоқ халқи азал-азалдан дўст ва туғишган халқ. Улар тарих синовларини ҳамиша биргаликда бошидан кечириб, энг қийин вазиятларда ҳам бир-биридан меҳрини дариф тутмаган.

Қозоқ халқининг ўз даштларидек бағрикенглиги, қалбининг ложувард осмондек мусаффолиги унинг кўп асрлик адабиётида, хусусан, шеъриятида ёрқин акс этган.

Таниқли шоир ва таржимон, Б.Пастернак ҳамда "Алаш" мукофотлари совриндори Мирпўлат Мирзонинг қўлингиздати таржималари мажмуаси билан танишар экансиз, қардош ва қадрдан халқ ҳақида айтилган фикрларга яна бир карра амин бўласиз.

ББК 84 (5Коз)

T 4702250202 — 5
M352 (04) — 2005 қатъий буюртма — 2005
ISBN 5-635-02313-4

©Мирпўлат Мирзо,
Faфур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2005 й.
(тарж.).

ДҮМБИРАГА ЖҮР БҮЛГАН ҮЛАНЛАР

Дунёда келиб чиқиши яқин, томири бир, бир-бирига дилдан сұяңған, асрлар синовидан биргалашып ҳамнафас бўлиб ўтган қавмлар кўп. Лекин ўзбек ва қозоқ халқларичалик қўшнисига бегараз муҳаббат қўйиб, бир-бирини оға-ини деб ардоқлаган халқ камдан-камдир. Уларнинг вакиллари ўзаро учрашиб дўстликдан сўз очганда, гални “биз қондош ва жондош халқмиз, томиримиз бир”, деб бошлайдилар.

Тарихда буларга ўхшаш туғишган миллатлар йўқ эмас. Лекин ўзбеклар билан қозоқларчалик қардошликтин, меҳр-оқибатни сақлаганлар оз учрайди.

Ўзбеклар ва қозоқлар туркий тиллар оиласига мансуб тили бир, дили бир, дини бир элdir. Улар олис асрлардан бери мана шу кўхна, табаррук Туркистон тупроғида ёнма-ён дўст бўлиб, қуда-қудағай бўлиб яшаб келмоқдалар. Қозогистоннинг машҳур шоири Мағжон Жумабой жуда ўринли айтганидек:

Туркистон – икки дунё эшиги бу,
Туркистон – ҳар бир туркнинг бешиги бу.
Туркистон – тангри берган муқаддас жой,
Туркистон – ҳар бир туркка сочар ёғду.

Лекин уларнинг самимий биродарлиги, яқинлиги тарихий жараёнларни бирга бошдан кечиргандиги ва жуғрофий яқинлиги билангина эмас, балки икки элнинг қалбан яқдиллиги билан белгиланади. Азал-азалдан қозоқ ўзбекни ўз оғам деб лутф этиб келган бўлса, ўзбек қозоқни бовурим – жигарим деб алқаган. Ушбу меҳр-муҳаббат туйғулари бу икки халқ адиларининг бадиий ижодида ёрқин тажассумини топган.

Ғафур Ғулом, бу халқларни улуғлаб, уларни улкан китобнинг икки саҳифасига ўхшатади. Қозоқнинг яна бир шоири Асқар Тўқмагамбетов эса: “Бир дарахтнинг сояси то тушгача сеники, тушдан кейин меники”, деб ёзади ўз сатрларида.

Қозоқ ва ўзбек адабиётидаги руҳий яқинлик, айниқса, ўтган асрда юксак нуқтага кўтарилди. Бу даврда яшаган бирор шоир ёки оқин йўқки, ўзаро беғубор дўстликни сурур билан қаламга олмаган бўлса.

XX аср бошларida ўзбек адаби Абдулла Қодирий яратган романлар қозоқ ёзувчилари учун адабий мактаб бўлгани ҳақида Мухтор Аvezov кўп ёзган.

Қозоқ адабиётидаги эпиклик, халқ оғзаки ижодиётига мойиллик каби хислатлар асосан мұмтоз адабиёт анъаналари руҳида шаклланған ўзбек адабиётини янада ёрқин ранглар билан бойитишга муносиб ҳисса құшды. Иккі халқ адабиёти вакилларини бамисоли әгизакка үхшатиш мүмкін, зоро, Мұхтор Аvezov ва Ойбек, Faafur Fułom ва Собит Мұқонов, Абдулла Тожибоев ва Миртемир, Абдулла Орипов ва Үлжас Сулаймоновлар адабиёт майдонида бир-бирига ҳамнафас бўлиб қалам сурдилар ва сурмоқдалар.

Ўтган аср охирида жаҳонда жуда катта ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган Шўро тузуми барҳам топғач, куррамиздаги ижтимоий тушунчалар тубдан ўзгариб кетди. Бу тузум иктиёридаги “абадий дўстлик”ка, “қардошлиқ”ка қасам ичиб, соxта мұхр босган жумҳуриятлар бамисоли или узилган маржондек сочилиб кетди.

Бугунги кунда Марказий Осиёда бу жараён бир қадар ўзига хос қийинчиликлар ва мураккабликлар билан кечаетгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бу табиий ҳолдир. Иқтисодий яхлитликда, руҳан үйғунликда яшаган ҳалқларнинг бир-биридан йироқлашиши, ўртага чегаралар тортиши, албатта, кишини ташвишга солади. Аммо олдинда нур бор. Ҳозирги кунда Марказий Осиё ҳалқлари маданияти Accамблеяси бу ҳалқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида иш олиб бормоқда. Унинг фаолиятини янада жонлантириш зарур. Айни чоғда, шуни қониқиши билан айтамизки, Шўро тузуми парчаланғандан кейинги алғов-далғовлар ўзбек ва қозоқ ҳалқини бегона қилиб, улар орасига ўзининг фожиавий шарпаларини сола олмади.

Бу ўринда иккі халқ адабиётida азалдан куйлаб келинаётган дўстлик, қардошлиқ қўшиқлари мұхим роль ўйнаган бўлса, ажаб эмас.

Ўтган асрда иккі адабиётни, иккі ҳалқни яқинлаштирган бетакрор адиллар ва олижаноб шахслар фаолият кўрсатган эди, янги XXI асрда ана шундай сиймоларга эҳтиёж янада кучлироқ сезилмоқда.

Бу борада адабиётнинг, санъатнинг ва маданий алоқаларнинг ўрни катта бўлиши табиий. Қолаверса, азалий қадрдан ҳалқлар ҳам бир-бирининг турмуш тарзини, маданиятини мунтазам ўрганиб, бир-бирини руҳан бойитиб боришлари ҳеч гап эмас.

XXI аср дунёдаги барча ҳалқлар олдига янги муаммолар кўймоқда. Бу биринчи навбатда ҳаётий масалалар: иқтисодий ривожланиш, маънавий такомиллашишга боғлиқ. Бугунги кунда шу нарса аниқ бўлиб қолдики, дунёдаги ҳеч бир ҳалқ ўз равнақини ёлғиз ўзи белгилай олмайди. Агар мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан бир-бирига мададкор ва хайриҳо бўлсалар, маънавий жиҳатдан ўзаро суюнч ва илҳомчига айлансалар, бундай давлатлар ва ҳалқларнинг истиқболи порлоқ бўлади.

Мен мазкур шеърий мажмуани ўқиб чиқиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, ҳали биз бир-биримизга кўп керак бўлар эканмиз, адабиётимиз ва умуман, маданиятимизни маънавий

жиҳатдан ҳали кўп бор бойитишимиз мумкин экан. Жумладан, қозоқ шоирларининг ижодидаги бепоён далалар сурори, дўмбира ниң дилбар кўйлари, ойдинда кезган йилқи уюрларининг хуррам дупурлари ўзбек ўқувчиларида қозоқ заминига, унинг заҳматкаш ҳалқига, оддий одамларининг бегубор қалбига бўлган тансиқ меҳрларини товлантиrsa ажаб эмас.

Мажмуага кирган шоирлар ижодининг муҳим жиҳати шундаки, улар икки ҳалқ дўстлигини энг юксак оҳангларда кўйлайди. Таржимон бу борада қунт билан меҳнат қилиб, ҳар бир шоир ижодидаги энг сара шеърларни танлаб олишга муваффақ бўлган. Айни чоғда, у ҳар бир шоир ижодига хурмат билан ёндашиб, уларнинг услубига хос хусусиятларни, нозик нуқталарни зийраклик билан анлаган, улардаги оҳангларни, қочиримларни сақлаган ҳолда ўзбек ўқувчисига етказишга интилган.

Ҳали давлар ўтар, кўп нарсалар унутилар, лекин дўстлик ҳақида айтилган самимий сўзлар яшаб қолмоғи шубҳасиздир.

Имоним комилки, бу шеърий мажмуя ўзбек шеърхонлари учун ажойиб туҳфа бўлади.

*Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.*



АБАЙ

(1845 — 1904)

Абай (Иброҳим) Қунонбоев янги қозоқ адабиёти ва адабий тилининг асосчиси. У Семипалатинск (ҳозирги Семей вилоятининг Абай тумани)даги Қашқабулоқ овулида туғилган. Аввал шу ердаги "Эскитом" мактабида, ўн ёшга тўлгач, Семейдаги Аҳмад Ризо мадрасасида таҳсил олади.

Ўн ёшларидан шеър ёза бошлаган. У ўз ижоди билан қозоқ шеъриятида янги даврни бошлаб берди. Улуғ шоир, файласуф, маърифатпарвар, бастакор сифатида улкан маънавий-эстетик мерос қолдириди. Унинг насрда битилган "Қора сўзлар" номли фалсафий асари қозоқ халқининг педагогик-дидактик тафаккури тараққиётида катта ўрин тутади. Шеърларида халқ руҳи, миллий қиёфаси, бадиий тафаккур олами ўзининг тўла тажассумини топди.

Абайнинг гўзал ва дардчил лирикаси факат XIX аср қозоқ адабиётининггина змас, умумтурккий шеърият хазинасининг ҳам бой, латиф бадиий ижод намуналаридан ҳисобланади.



КУЗ

Сур булатлар қоплаб олар күкни бутун,
Куюқ туман босиб келар бамисли тун.
Түқлигидан ё совуққа йүқлигидан —
Үйир түзар, ҳар томонга чопар қулун.

Майсаю гул-күкатлар йүқ бурунгидай,
Ёш-яланг ҳам сурон солмас, ҳар ишіга шай.
Кексайған чол-кампирдайын қовжирашиш
Баргларини түкиб бўлган янтоқ, қуврай.

Вакти келиб қор кўтарар бунда қуюн,
Лекин ҳозир куз чалмоқда мунгли куйин.
Болаларин бувисига жун йигиртиб,
Ёш хотинлар ямаб-яқар ўтов-үйин.

Фоз, турналар учар кўкда жануб сари,
Кун бир тутам, завқу суур кўздан нари.
Овуллар ҳам файзи кетиб, мунғаймишдири
Эшитилмас элнинг ўйин-кулгулари.

Ел заҳридан изиллайди танлар жовраб¹,
Қора совуқ яланг қирда кезар довлаб.
Кўмик суяқ, сарқит таом тегмагандан
Ўйда ит ҳам йўқдир, кетган сичқон овлаб.

Коронғи куз гирдобида адир-тоғим,
Дил тундлашар қиши забтини туйган чоғим.
Ахир, олов ёнмас уйда — сурур қайдан,
Кўрган кунинг қуриб кетсин, ай қозогим!

¹ Совқотиб маъносида.

ҚИШ

Оқ либосда, қурч гавдали, оқ соқолли —
Сочган захри тирик жонгаға сөвғо солди.
Үст-энгили қирвода ва түркіи совуқ,
Қадамини ғарч-ғурч босиб келиб қолди.

Нафасида — аксиригу аёз дуркун,
Кекса қуданға янглиғ келиб қолди бирдан.
Заб бостириб кийиб олган пахмоқ бўркин,
Ел-изгирин унга ўтмас — тетик, бардам.

Нақ булутдай қоши тўсиб икки кўзин,
Бош силкиса юрагингга қутқу солар.
Ногоҳ бўрон туриб дўқ-дов қилса шу зум,
Кенг даштдаги оқ қасрдек уй чайқалар.

Завқи тошиб чопиб юрган бола-бақра
Кўринмайди, юз-қўлини ушук урди.
Қават-қават чопон кийса ҳам молбоқар,
Аччиқ елга дош беролмай юз ўгирди.

Писандмасди йилқига қор ёғса қат-қат!
Кўк аёзга улар қандоқ қилсин тоқат!
Кўраларга оч қашқирлар тумшуқ солди,
Хой, чорвангни ташлаб қўйма итга фақат!

Уйқусизлик ўлдирмайди, анграймагин,
Кувват бўлар — кунгайларга ҳайда молни.
Ит еганча Кўндибою Қанай есин,
Кувиб юбор қасам урган манов чолни.

* * *

Уйғотар дилда ишқни
Яхши қўшиқ, яхши куй.
Ҳаётингда қўшиқни
Суйсанг агар менча суй.

Ҳасратларинг чекинар,
Унутасан дунёни.
Юрак завққа чулғанар
Қўшиқ тинглаган онинг.

Хувиллаган саҳрода
Сув топгандек бўларсан.
Ожиз қолсанг мабодо,
Куч-кудратга тўларсан.

Юрагингда турфа хил
Хотиротлар уйғонар.
Вужудингни туйғулар
Дарёсида тўлғатар.

Гоҳ қўшиқ оғушида
Ёдга тушар ҳасрат-ғам.
Кўринур умр шунда
Армонларда мужассам.

Куй мавжи тебраб дардим,
Аламларни бўйлайман.
Алдамчи рўёларни
Тағин чин деб ўйлайман.

Туғиламан қайтадан —
Юрагим қўшиқ тинглар...
Қолдими мен тотмаган
Тағин заҳар-заққумлар?!.

* * *

Ўлсам, умрим қордаги из бўлмасми?
Ўткир тилим тортиஞ்சோ கீழ் பூலமாஸ்மி?
Муҳаббат ва ҳасратда ёниб ўтган
Менинг оташ юрагим муз бўлмасми?

Олтин деб асраганим, жез бўлмасми?
Шоҳи деб ўйлаганим, бўз бўлмасми!
Ҳаприққан бўлса бир пайт асов юрак,
Кейинча эл оғзида сўз бўлмасми?


Нажотсизман мен ғамда баҳтиқора,
Ҳасратларим адоксиз, топмам чора.
Битта қалбга зарурми шунча ёнмоқ,
Қара, ахир, бир жонман — дили пора.

Юрагингнинг тубини теран бўйла,
Мен ҳақимда сўйласанг ростин сўйла.
Мен тақир ерда ўсдим ва бир ўзим
Мингта билан олишдим, буни ўйла!

Ёшлиқда олғир эдим, ўйдан йироқ,
Лекин не-не қалбларда ёқдим чироқ.
Ҳар кимсани шод этмоқ орзум эди,
Элдаги ношудлардан куйдим бироқ.

Замондан тегмади ҳеч эрк ўзимга,
Шунданми дунё тордир гоҳ кўзимга.
Хор бўлдим ўз юртимда топмай қадр,
Сен, дўстим, мени ая, боқ сўзимга!

Сиртим нур, ичдан қанча қалтирамай,
Дунё ўтар мендан ҳеч ҳол сўрамай.
Ўлан — нақ аёл, сиринг ёяр элга,
Бас, сўзим тўхтатай, кўп алжиромай.





Маҳамбет ЎТЕМИС ўғли

(1804 — 1846)

Маҳамбет ЎТЕМИС ўғли Ички Бўкей ўрдаси, Бекетай аймоги (хозирги Ўрол вилояти, Жойбек тумани)да туғилган. 1824 — 1829 йилларда Оренбургда ўқиган.

Ёшлигидан шеър ёза бошлаган Маҳамбет маҳаллий амалдорларнинг кирдикорларини фош қилувчи асарлари учун 1829 — 1831 йилларда қамоқда ўтиради. Қамоқдан чиққандан кейин 1836 — 1837 йилларда бўлиб ўтган қўзғолонга машҳур ҳалқ ҳимоячиси Исатой Тайманов билан бирга раҳбарлик қилади.

"Жангирга", "Боймагамбет султонга", "Еравул отга эгар солмай", "Улкан армон", "Ёйиқнинг бўйи кўк яйлов", "Отадан туғилган ардоқли эр" каби шеърларида у хукмрон тўдаларнинг ҳалқа ўтказаётган жабр-зулмлари, золимликларини қаттиқ танқид қилади. У қозоқ шеъриятидаги тўлғов, қўшиқ ва терма каби лирик жанрларни ҳалқчиллик, ҳикмат ҳамда фалсафий оҳанглар билан бойитди.

Маҳамбет шеърлари оғиздан-оғизга ўтиб, ҳалқ орасида кенг тарқалди. Улар XX асрга келиб махсус ёзиб олинди ва алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Маҳамбет шеърлари қозоқ шеъриятига жанговарлик, ижтимоий-сиёсий мавзу ва фалсафий йўналиш олиб кирди. Улар сиёсий лириканинг ноёб намуналариридир.



ЁЛГОН ДУНЁ

Құғали күллар, қум, сувлар
Кимларга манзил бўлмаган?
Қирғоқдаги гужум тол
Кимларга соя бермаган?
Шойи рўмол ўраган
Гўзаллар кимдан қолмаган?
Энг сара, учкур тулпорлар
Кимни йўлга яёв солмаган?
Кулонлар ичмас балчиқ сув
Кимларга шарбат бўлмаган?
Садогини сариқ тўт босиб,
Ёв излаган мард эрнинг
Кайда боши қолмаган?
Ичайлик-да, кияйлик,
Минайлик-да, тушайлик,
Ўйнайлик-да, кулайлик,
Ўласанг, ҳей йигитлар,
Ушбу ёлғон, шум дунё¹
Кимлардан ҳам қолмаган?!

АРҒУМОҚҚА ЎҚ ТЕГДИ

Арғумоққа ўқ тегди —
Курагининг тагидан.
Эр йигитга ўқ тегди —
Бехос нақ кўкрагидан.
Мункайиб ётиб кўп ичдим
Ёзнинг кўлмак сувидан,
Нетай, дунё экан бу!
Чорасиз кетиб бораман
Ёнимда аскар камидан.
Мен юртимнинг ориман,
Бир гўзалнинг ёриман.


Сағримга қамчи текканда,
Чолмай қандоқ чидайин!
Илдизи кесилған тик терак
Мисоли мен қуларман!

ЁЙИҚНИНГ БҮЙИ КҮК МАЙСА

Ёйиқнинг бүйи күк майса,
Уни ўриб, жойлармиз.
Мағрұр ўмров оттарни
Унга кунда бойлармиз.
Худо ишни ўнгласа,
Омад кулиб боққанда
Босиб келган ёвларни
Күйдай қилиб ҳайдармиз.

ҚИЗФИШ ҚУШ

О, қизғиши қуш, қизғиши қуш!
Қанотинг қызил, бүйнинг түс.
Исатойдан айрилиб,
Ёлғизлик-ла бўлдим дўст.
О, қизғиши қуш, қизғиши қуш!
Эл қўриган мен эдим,
Мен-да айрилдим элимдан.
Кўл қўриган сен эдинг,
Сен-да айрилдинг кўлингдан.
Осмонда учган қизғиши қуш!
Сени кўлдан айирган —
Лочин қушнинг тепкини.
Мени элдан айирган —
Хон Жангирнинг эпкини.
Кимга дардим айтайн?..
АЗобларда ўтди-ку
Маҳамбетнинг кўп куни!!!





Жамбул ЖАБАЕВ

(1846 — 1945)

Халқнинг севимли шоири, моҳир сўз устаси, улуғ оқин Жамбул Авлиёта вилоятидаги Қоратов этакларида дунёга келган. У халқ оғзаки ижодиёти намуналарини болалигидан севиб ўрганди ва қозоқ халқи орасида айтишув санъатининг етакчиси сифатида шуҳрат қозонди.

Шоирнинг ижоди муносиб тақдирланди. У кўплаб мукофотлар ва нишонлар, совринлар олишга сазовор бўлди.

Оқин Жамбулнинг шоирлик қурдати, салоҳияти халқона оҳангларда айтилган ўйноқи мисраларда, сўз санъатининг нозик товланишлари акс этиб турган қўйма терма ва тўлғовларда ёрқин ифодаланган. Халқининг эзгу умид-орзулари, кувонч ва ташвишлари санъаткорона тасвирланган Жамбул асарлари ҳамиша севиб ўқилади.



ОЛАТОВ

Тизилган тоғлари бор Жеттисувнинг,
Дов-даражат ўсар унда турфа, минг-минг.
Шу юксак қоялардан қайнаб-тошар,
Кўрасан томошасин оққан сувнинг.

Бу гўзал тоғлар кимни мафтун этмас?
Куйлашга бийрон тил ҳам кучи етмас.
Ўригу олма, олмурут, мевалар кўп,
Бир totсанг оғзингдан ҳеч таъми кетмас.

Сузади оқ булатлар — осмон мулки,
Ўрганар оқ чўққилар осмонликни.
Турли жон-жониворлар яшар бунда,
Тилайди бир-бирига омонликни.

Арслон, айиқ, қашқир, тулки ва бўрсиқ,
Силовсину йўлбарслар юрап йўртиб.
Қайнаган оқ булоқлар мавжларида
Ўйнайди кумуш балиқ сакраб-шўрчиб.

Бу ернинг кенгликлари кафтдек эмиш,
Деҳқонлар адирларга буғдой экмиш;
Бу юртда макон тутиб заҳмат чеккан
Эл учун етказарлар ризқ-рўз, эмиш.

Олатов Жеттисув-ла қучоқлашган
Элига дур-гавҳарли қўйнин очган.
Бағрингда Олматадай зўр шаҳрим бор,
Бовурдош — ўрис, қозоқ ўртоқлашган.

Яйлов бор бу ерларда — ётар чалқиб,
Күк майса адир-қири — турар балқиб,
Қизигин күк яйловниң күрай десанг,
Майсага ётиб олиб, унда қалқи.

БОЛАЛАРГА

Болалар, омонмисиз, чироқларим,
Күлдаги қамиш каби ўйноқларим!
Ошса гар бир ҳафтадан, туролмайман —
Забтига олар соғинч қийноқлари.

Бобонгиз келди сизга меҳмон бўлиб,
Қадди дол, боқманг унга ҳайрон бўлиб.
Унинг хўб бу дунёга меҳри қонган,
Ёшлиқдан айтган ўлан ўйнаб-кулиб.

Биламан, ўсажаксиз сиз ҳам яйраб,
Чаману боғчаларда қушдек сайраб.
Фақат сиз бир нарсани унутмангиз,
Улфайнинг — юртингизни машҳур айлаб!

САРИБОЙГА

Сариаке, сўзим изҳор қилдим сизга,
Сиз айтган гап олий мезон бўлган бизга.
Кўлга олиб дўмбирамни — талаб қилдим,
Берасиз қандай баҳо улингизга?


Ёмоннинг кўнгли кўкда, баланд саси,
Учириб юборгудай шабадаси.
Яхшининг ўзи кичик, ўйи бийик,
Бирдайми иккисининг мартабаси?

Бировлар текин ошга бўкмоқ истар,
Инсофга чақирганни сўкмоқ истар.
Қўтариб бу дунёнинг гўнг-қўкирин,
Обориб қай чуқурга тўкмоқ истар?

Биревлар қаршисида пайдо тоғлар,
Ҳар лаҳза хушомадга ўзин чоғлар.
Биревлар орзусига етолмас ҳеч,
Билмайди — оёқ-қўлин нима боғлар?

Қай бирев оқ булатда қаср қуар,
Кўкдаги ой менга деб довлаб юар.
Биревлар қуруқ сўздан қамчи ясаб,
Оқкув миниб, қулонни овлаб юар.

Мени шулар қай бирига эп кўрасиз?
Ўзимга ўзим десам ўпкаларсиз.
Суйекем¹ суйганини ўйласангиз,
Ўлан бўлсин шеригинг, деб берасиз.



¹ Суюнбой оқин — Жамбулнинг устози.



Шокарим ХУДОЙБЕРДИЕВ

(1858 — 1931)

Қозоқ адабиётининг йирик арбоби Шокарим Худойбердиев Семипалатинск вилоятининг Чингизтов туманида туғилган. Етти ёшида етим қолиб, тоғаси Абай Қунанбоев оиласида тарбияланган. Мустақил равишда билим олиб, араб, форс, қадимги турк ва рус тилларини ўрганган.

Унинг шеърлари фалсафий тимсоллар, гўзал ташбехларга бой. У ажойиб шеърий асарлар билан бирга ахлоқий-маърифий, тарихий рисолалар ҳам ёзган. "Қозоқ онаси" шеърлар тўплами, "Қалмақан ва Мамир", "Энлик ва Кўбек" каби асарлари, "Қозоқ шажараси" рисоласи ҳалқ орасида машҳур бўлган.

Шокарим шарқ мумтоз адабиёти намуналарини ва А. Пушкин, Л. Толстой асарларини қозоқ тилига таржима қилган. Унинг ижоди қозоқ адабиёти ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.



БЕЗАВОЛ АСКАР

Шоҳлар ўйида қирғин-дов,
Жанг учун шайлар аскарин.
Бир-бирин қириб беаёв,
Нақ ўқقا йўллар ёшларин.

Дунё чарх уриб толмаган,
Ютмади не инсон бошларин.
Эл тугул ер ҳам қолмаган,
Айтмасанг қабр тошларин.

Менмасми асли чин подшоҳ,
Аскарим — ўлану сўзларим.
Улар-чи мудом кўр, гумроҳ,
Кўрмас узоқни кўзлари.

Зеро, бизнинг аскар ўларми,
Қофозга муҳр этилгач.
Зўр аскар бўлмай нима у,
Тўрт томон ишғол этилгач.

Ёвлар ҳар қанча урса-да,
Аскарим енгиб бўлмайди.
Дунё чарх уриб турса-да,
У қаримас ва ўлмайди.

Зеро сўзимга ажал йўқ,
Борган ерини қирмас ҳам.
Дунёда собит амал йўқ,
Борлари мангу турмас ҳам.

Олмам шоҳликни берсанг-да,
Ўлим-чи тортиб олади.
Мен бир кун кўзим юмсам-да,
Қалбим қоғозда қолади.

Үқир насллар сўзимни,
Гоҳ завқланиб, гоҳ куларлар.
Кўрмаса-да нам кўзимни,
Зорланиб ўтганим биларлар.

* * *

Дўст сенга зор,
Душманинг хор,
Сен тилакка етган он.
Беадад бахт,
Олтиндан тахт —
Аямаса ўзни жон.

Чекинар ғам,
Қолмас алам —
Дил муродга етса гар.
Бироқ не наф —
Барин ташлаб
Кўлинг очиқ кетса гар.

Бу дунё қув,
Бир оқин сув,
Тушдик унга чўп бўлиб.
Кундан-кунга
Дил тўлар мунтга
Ташвишимиз кўп бўлиб.

Гоҳи тошга,
Гоҳ оғочга
Тўқинамиз уриниб.
Сувидан-да
Оғусидан-да
Кутуламиз суриниб.

Дунё — тошқин
Мавждек шошқин
Сингар ерга дам-бадам.
Тин билмай ҳеч
Эрта ё кеч
Бари шунда бўлар жам.

Ҳар кас бари
Фано сари
Йўл олгайдир бегумон.
Тунга иниб,
Мангу тиниб,
Шундагина тинчир жон.

* * *

Сўйдим мен азалдан турк тилин,
Жамулжамдир унда бор билим.
Ўзлаштирдим сеҳрин ихлос-ла,
Мазмунга тўлди ҳар куним.

Ўрганишдан сира толдимми,
Шундан оқин бўлиб қолдимми!
Мехр қўйдим ўрис тилига,
Бойитар энди у қалбимни.

Шогирдман Толстойга, тоңмайман,
Ўқийман уни — ҳеч қонмайман.
Уни кофир деб атадинг сен,
Нафрат ўтида мен ёнмайман.

Толстой кофирмас, кофир — ўзинг,
Ёлғондир ваъзинг, ёлғон сўзинг.
Кўнгли сўқир нодонсан, феълинг каж,
Қандоқ пайқасин нурни кўзинг?

Кўнмам динни терс бурмоғига,
Тушмам ҳеч унинг қармоғига.
Рости, ундоқ минг касни
Олмайман Толстой тирноғига.

Ақлли-ла гап талашмагин,
Муноғиқ сўғига ёндашмагин.
Доно, оқ ният одамларнинг
Измин тут доим, адашмагин.





Султонмаҳмуд ТЎРАЙФИРОВ

(1886 — 1920)

Қозоқ романчилигининг асосчиларидан бири, демократ шоир Султонмаҳмуд Тўрайфиров Павлодар вилоятининг Баяновул туманида туғилган. Мадрасада таълим олган. 1913 йилдан бошлаб биринчи қозоқ журнали "Айқоп"да масъул котиб бўлиб ишлаган.

Илк шеърлари, публицистик мақолалари ва очерклари ана шу журналда эълон қилинган.

Шоир ҳалқ турмуши манзараларини, овул ҳаётини ҳакқоний кўрсатишга интилди. Шунинг учун ҳам шеърларида гражданик рухи кучли. "Адашган умр", "Гадой" достонлари фалсафий умумлашмаларга бой, уларда ижтимоий адолатсизлик ва тенгсизликлар қаттиқ қораланди. Адид қаламига мансуб "Қамар сулув" романи қозоқ реалистик насрининг ilk гўзал намуналаридан биридир.



ҚИМИЗ

Азалдан ҳар ён донғи кетган, қимиз,
Сени тотган муродга етган, қимиз.
Табарруксан, ҳаттоки бир томчинг ҳам
Ҳар қандай дардга шифо этган, қимиз.

Чиққанда адир узра ой чарақлаб,
Құясан атрофингга ипсиз боғлаб.
Томоққа “қулт-қулт” этиб қуиласан,
Ташналар таскин топар күнглин чоғлаб.

Кувининг овозлари бирам ёқар,
Күзини узмас ундан бола-чақа.
Дунёда турли-турли неъматлар кўп,
Неъматсан — таърифи йўқ сен шунаقا.

Кўпирсанг — жаннат бўйи анқиб кетар,
Мавжларинг ҳар вужудни сармаст этар.
Айқириб оққан дарё садосидек
Етти қирдан нарига исинг этар!

Сехринг бор — сени тотган тиришмайди,
Ёвига дўст тутинар, уришмайди.
Лабимга бир-икки кун тегмай қолсанг,
Кўнгил курғур буришиб, қуруқшайди.

Кувининг саси чоллар эсин олиб,
Чиқиб келар улар уйдан “ҳай-ҳай” солиб.
Майли, сўк, майли, ҳайқир, майли, жекир,
Кек сақламас ҳеч ким сенга, кўнгли қолиб.

Меҳмон исинг олисдан билаверар,
Бир салом-чун қошингга елаверар.
Бою гадой, яхши-ёмон, тўра, фақир
Сен томон ёпирилиб келаверар.

Айниқса, ҳожи, сүфи, хўжа-мулла
Тасбехларин ошиғич олиб қўлга,
Оқ фотиҳа берарлар келганданоқ;
“О худойим, арвоҳлар, ҳар вақт қўлла!”

Зиёрат қилар шу тарз юртнинг бари,
Кўнгиллар бирам чоғ, дил ғамдан нари.
“Ёпирай!..” дея сенга бош иргашса,
Эҳтиром билдиарлар ичган сари.

Шопирсанг чўмич билан қулоч кериб,
Йифилган меҳмонингга қўйиб бериб.
Уйини, ўтовини ташлаб буткул
Ҳар гапида кетмасми сенга эриб.

Ҳар ён кўзи жавдираган шўрлик гадой
Қўярми исинг андиг, тентирамай.
Бояқиш обрўйингни ёяр юртга.
Бир қултум берсанг агар “кет, чик” демай.

Киши йўқ — қимиз билан кечган онни —
Хуш демас, майли, кезгин кенг жаҳонни.
Қимизсиз, менга деса, Афлотун бўл,
Кўрмассан сўзинг тинглар ҳеч бир жонни.

Олдингдан қимиз кетса, қизиқ кетар,
Қитмир гап савлатингни бузиб кетар.
Кечагина бийик бўп ўтирган юрт
Бугун сендан умидин узиб кетар.

Сен ортиқ тувақмагин ҳар ён чолиб,
Бос аввал ташналигинг қимиз топиб.
Қимизга етишгач, сўнг ҳовлиқ, ҳайқир,
Ўзингни султондек сез, гапнинг лофи.

Ай, қимиз, изза қилдинг қўлга тушмай,
Юрайин токайгача куви пишмай.
Юракнинг ғамларини аритгунг сен,
Топсам гар элга берай, ўзим ичмай.

КҮЧИШ

Лайлакқорлар розин айтар енгил елга,
Дашт түйинар сойдек жүшиб оққан селга.
Соат сайин күн гуркираб, күк гулдираб,
“Күч”, — деб сурон солар қишлиб ётган элга.

Тараддуңда тушиб қолар барча дарров,
“Керак, — дея, — янги йилда янги яйлов”.
Түзгән ашқол-дашқолини йиғса кимдир.
Мункиб ётган аравасин созлар бирөв.

Ночорлар ҳам тадоригин күриб қўйган,
Камайтириб йўл ҳақини бир-бир қўйдан.
Юртнинг бари бўлди бирдан алғов-далғов,
Чунки қишида кўчиш чиққан эди ўйдан.

Кимдир эски лаш-лушларин гўнг-ла ёпди,
Юкин енгил қилмоқликнинг звин топди.
Узангию юган, эгар эскирган хўб.
Аравада эса қуруқ савлат қопти.

Қий ва тезак бўй тарайди бад, ачқимтил,
Түзгән ерда тўзғиганча қолди сабил.
“Кўч дегани ростлар ўзин йўлда”, дея
Кўрасидан кўчди қозоқ апил-тапил.

Аравага от ўрнига сигир кирап,
Бузоқчалар ҳайрон бўлиб ортда юрап.
Дам туртиниб кетар ҳамма бир-бирига,
Сўна чақиб сигирни зир югуртирап.

Дим ҳавода бўка қўниб сўрганда қон,
Мол ўқалоқ отар, унда қоларми жон!

Бола-бакра “она” деб ув солиб борар,
Нақ талатўп гирдобида қолиб борар.
Тутиб кетар аёлларнинг шанғиллаши,
Хар биттаси ношуд эрдан нолиб борар.

Силжир карвон вақт-соати, жойи билан,
Бүз йигитлар елар ҳар ён тойи билан.
Аравада борар кимдир, кимдир — яёв,
Камбағал кас оворадир бойи билан.


Құзғалғанда катта йүлда күчү күрон,
Күтарилар ўрам-ўрам чангу түзон.
Итлар улиб, сигир маъраб, бўта бўзлар,
Аравалар суронига тўлар ҳар ён.

ТУҚҚАН ЭЛИМГА

Умид-ла менга қарайсан,
Ўзингга ҳамдард санайсан.
Мен дастёрликка ярасам,
Сен роҳбонликка ярайсан.

Ҳар ишга, элим, мен шайман,
Жонимни сендан қиймайман.
Корингга бакор келмасам,
Эзилгум, ўзни қийнайман.
Олти қир ошиб кетсам-да,
Сўзларинг сенинг сийлайман.

Сендан, элим, бор ўтинчим,
Изн эт дилимни очай мен.
Тўплаган илму билимим —
Қошингга келтириб сочай мен.





Аҳмет БОЙТУРСУНОВ

(1873 — 1938)

Құстанай вилоятининг Жанкелдин туманидаги Саритубек овулида туғилиб ўсған Аҳмет Бойтурсунов қозоқ халқининг XX аср бошларидаги миллий-озодлик ҳаракати йүлбошчиларидан бири, давлат арбоби, шоир ва публицист сифатида танилган.

У қозоқ тили ва адабиётининг тадқиқотчиси, қозоқ импосининг ислоҳотчиси, шунингдек, маърифатпарвар шоир ҳамдир. Уни ҳақлы равишда қозоқ адабиётшунослиги фанининг асосчиси, деб аташади.

У қолдирған “Үқув қуроли” дарслік китоби қозоқ тилида ёзилған тұнғич алифбе үқув-құлланмаларидан ҳисобланади. У ёзған күплаб шеърлар халқ құшикларига айланиб кетған.



ОҚИН ИНИМГА

Сўзимга қулоғинг сол, оқин иним!
Ўй-фикр ва руҳимиз яқин, иним.
Оғалик ҳуқуқим бор, шундан сенга
Келдим мен ўргатай деб ақл, иним.
Ўзимни оғангдайин тутсам агар,
Бу ишим кўрармисан маъқул, иним?
Оғангнинг гар адашган ери бўлса,
Сўрайман эта қол деб афу, иним.
Жой юрсанг қоқилмайсан, йиқилмайсан,
Йўқса ким бўлар бунга кафил, иним.
От кўйган олд-ортига қарамайди,
Доимо бўлгин биздек фақир, иним.
Тўнғиздай ҳар нени еб семирганлар
Саналиб ақдлига ётири, иним.
Миллатнинг арзандаси бўлай десанг,
Ночорнинг кўпроқ егин ҳақин, иним.
Сийласин десанг юртинг қадринг билиб,
Айғирдай мўминларга айқир, иним.
Билимли бўлай десанг эл ичинда,
Тўхтамай сўйлаб, ҳаргиз лоф ур, иним.
Кўлингдан булар бири келмас бўлса,
Кимгадир шотир бўлиб чарх ур, иним.
Сўзингни тинглатайин десанг юртга,
Эт тортиб товоқ-товоқ, чақир, иним.
Оғзи-ла ўроқ ўриб берар ҳар ким,
Қимизни коса-коса шопир, иним.
Эт билан қимиз бериб сўйлаб кўрсанг,
Айтганинг юртга болдай татир, иним.
Илминг гар Афлотундай бўлса ҳамки,
Билки, эт-қимизсиз — бир пақир, иним.

ҚОЗОҚ УДУМИ

Фоз эдик қатор учиб қанқиллаган,
Саҳрода күлга қўниб салқинлаган.
Бир ўртга¹ — қайдан чиққан — дучор бўлиб,
Не қолди танамиизда черпилмаган?!

Алашнинг одамининг бари маълум:
Ким қолди тарозига тортилмаган?
“Мен яхши” деганлар кўп, тўлиб ётар,
Яхшилик ўзи бошидан ортилмаган.

Қақиллаб, бийрон-бийрон сўйловчи кўп,
Эпкинлаб, учқур отдай қарқинлаган.
Бўш белбоғ, бўшанг ва суст бўз бола кўп,
Кигиздай чала босиб, қарпилмаган.

Эмгаклаб эт андиган чоллар ҳам кўп,
Термилиб, бир тўйишдан ор қилмаган.
Оқкўнгил, аланг-жаланг одамлар бор,
Хисоблаб озин кўпга, анқиллаган.

Қурумсоқ, неча саранг бойлар-да бор,
Қайиқдай тўлқиндаги қалтиллаган.
Баридан тинч уйкуда ётганлар кўп,
Унутиб мақсадини, талпинмаган.

Шуларнинг қаторида биз юрибмиз,
Маст бўлиб мис тутмага — ярқиллаган.
Не нафдир хунаринг ва билимингдан,
Энг керак ўринларда сарф қилмаган?

Бу сўз бир ҳасрат эрур, хатта ёзган,
Қолмали ҳеч хосият, қозоқ озган.
Бой — бойир, ўқиганга — шаън-обрў йўқ,
Юрт ғамин ўйлайдиган одам оздан.

¹ Енғин, олов маъносида.

ЕЗУВЧИ ТАСКИННИ

Бу сўзни бирор олмас, бирор олар,
Бирори қарамаса, бирор қарап.
Ҳаммага бирдек ёқиш осон эмас,
Кимгадир ярамаса, кимга ярап.

Қайсиси ихлос билан қулоқ солар,
Қайсиси ёқтирмайин кўзин олар.
Дунёда суйганим бор, куйганим бор,
Улардан оз бўлса-да, улги қолар.

ҚОЗОҚ ОДАТИ


Қалтиллаб қайиқ миниб, эшкаги йўқ,
Денгизда кетмоқдамиз кечмаги йўқ.
Ел эssa, бўрон турса бу муҳитнинг
Товонни тирамоққа тираги йўқ.

Бу кўйга бугун эмас, кўпдан кирдик,
Олд-ортин англамаган бет-ман кирдик.
Чиқармай бир енгдан қўл, бир ердан сўз,
Олалик олти баған дард-ман кирдик.

Мисоли бир қудратни синағандай
“Сақлайди, сақлар бўлса” — шарт-ман юрдик.
Ёт ёқни яратганга кўзгу қилиб,
Яқин-ла аразлашдик, итдай урдик.

Билдиридик элнинг сирин, эрнинг хунин
Берилиб низоларга икки кунлик.
Кирали тентак эси тушдан кейин,
Мушкулин халқимизнинг кейин билдик.

Ҳали ҳам лоқайд, мудроқ элга боқиб,
Айтурга бирон иш йўқ — фалон дерлик.
“Бу тўйни кўп-ла кўрган ёлғиз меними? —
Дейди у, — не бўлса-да юрт-ла кўрдик”.





Мағжан ЖУМАБОЙ

(1893 — 1937)

Қозоқ шеъриятининг буюк намояндаси, оташнафас шоир Мағжан Жумабойнинг номи ҳалқ орасида афсонага айланиб, қалблардан ўчмас жой олган. У 1893 йилнинг май ойидагунёга келган. Ўн тўрт ёшидан шеър ёза бошлаган.

Шоир асарлари ўша пайтларда қозоқ, татар тилларида нашр қилинувчи газета-журналларда чоп қилинган. "Чўлпон" номли илк шеърлар тўплами 1912 йилда Қозон шаҳрида босилган. Улуғ шоирнинг "Баян ботир" номли достони 1922 йилда Тошкентда ёзилган ва шу ерда нашр қилинувчи "Сана" ("Тафаккур") журналининг 3-5 сонларида эълон қилинган.

Мағжан Жумабой ижодиёти – тутқун қалб фарёдларининг, озодлик нашидасини қўмсаб оҳ урган дил дардларининг ифодасидир. Шоир бутун умри бўйи мустамлака кишсанларини парчалаб ташлашга даъват қилувчи шеърлар ёзди, озод ва эркин ҳаётни эҳтирос билан ёниб кўйлади. Исёнкор руҳдаги шеърлари учун мустабид ҳукумат зинданларида ўтириб, охир-оқибатда сталинчи ёвузлар қўлида ҳалок бўлди.

Мағжанинг оловли шеърлари узоқ йиллар мобайнида ҳалқдан яшириб келинган эди. Фақат мустақиллик туфайлигина бу исёнкор шеърлар яна ўз ҳалқининг маънавий хазинасига айланди.



ТУРКИСТОН

Туркистон — икки дунё эшиги бу.
Туркистон — ҳар бир туркнинг бешиги бу.
Туркистон — Тангри берган муқаддас жой,
Туркистон — ҳар бир туркка сочар ёғду.

Мозийда Туркистонни Турон демиш,
Туранда турк улуси топган емиш.
Тураннинг тақдири ўн долғалидир,
Бошидан оғир кунлар кечган эмиш.

Тураннинг тарихи бор мисли ялов,
Теранроқ боқсанг ўтдай ёнар лов-лов.
Тураннинг ери билан суви қадим,
Денгиздай ғамига дил бермайди дов.

Тураннинг икки чексиз чўли гўзал!
Денгиздай қирғоғи йўқ кўли гўзал!
Тураннинг тўлиб оққан дарёлари,
Яна бир тўлиб оқса — сели гўзал!

Тураннинг тоғлари бор осмон ошган,
Пурвиқор чўққиларин қорлар босган.
Бағрида кўк булоқлар жимиirlайди,
Яралиб тоғдан оққан томчи ёшдан.

Саҳролар юзин босмиш қат-қат ажин,
Сассиздир олган каби мангуга тин.
Кўринмас__ жон-жонивор сарғиш уфқда,
Қумларда рақс этади парию жин.

Тураннинг сувлари бор мовий, зилол,
Чайқалиб ётар яшнаб улкан Орол.
Бир томон — ярқираган Иссиққўлнинг
Бағрида дунё кўрган туркий кўкёл.

Ўртада Жайхун, Сайхун оқар сарин,
Икки наҳр боқиб келган туркнинг барин.
Бешак бу икки дарё орасинда
Топгайсан улуғ бобонг ҳикматларин.

Туроннинг Тиёншондай тоғи қалай,
Тенг келмас Тиёншонга тоғлар талай!
Туркнинг чўнг фурурин сен ёдга солгин,
Виқорли Хонтенгрига қарай-қарай.

Йўқса, у буюк юрга ўшармиди?
Улуғлар бу заминни йўқлармиди?
Қазифурт хосиятли тоғ бўлмаса,
Тўфонда Нуҳ кемаси тўхтармиди?

Бу тупроқ эзгу — гарчи оддийдайин,
Уқарсан тарих кўрсанг буни тайин.
Туронга бежиз хумор бўлган эмас,
Қачондир Кайхисраву Зулқарнайн.

Бу шундай хуш ўлкаки — тонглари соф,
Ботирлар этди уни шан, файзиёб.
Туроннинг довруфини кўтарган илк
Шавкатли, афсонавий Афросиёб.

Туронга ер юзида ер етганми?
Башарда турк элига эл етганми?
Бемисл матонатда, заковатда
Туроннинг эрларига эр етганми?

Туроннинг беклари бор Тарагайдай,
Туғилган ундан Темур ўт бўп ўйнай.
Танилган ер юзига Соҳибқирон,
Чақмоқдай қиличини қўлдан қўймай.

Туронни мақтамайман манманликка,
Довруғин билар унинг олис-чекка.
Англамоқ борасида юлдуз сирин
Ким бордир — тенг келолса Улуғбекка!

Аслдир хосиятли турк қони,
Туғди шу қон Беруний ва Синони.
Келдими бу заминга улардай зот —
Забт этган ақли билан кенг дунёни?

Камситган ким қадим турк мусиқасин?
Биларми у дўмбира ё уд сасин?
Форобий илк бор ясад чалганида,
Диллардан қувмаганми ғам шарпасин?

Турк азал олов номин олмаганми?
Дунёнинг бағрига ўт солмаганми?
Талай турк бўлакланиб таралганда,
Қозоқда қора ўтов қолмаганми?

Арслондек элга Ватан бўлган Турон,
Тиклаган қозогим ҳам унда қўрғон.
Қозоқнинг танти, доно Қосимхони,
Туроннинг фахри бўлган қозониб шон.

Одил хон кам учрайди Назардайин,
Улусга Есимхоннинг йўли тайин.
Таукедай донишманд хон қурган экан
Култепа деган жойда Курултойин.

Бу Турон азал-азал эзгу макон,
Дардига юпанч топган ҳар битта жон.
Тураннинг тупроғида ором олар
Танти эр, арслон юрак Абилаҳон...

Ғам чеккан ўз юртида топар қоим,
Тулпор ҳам туқсан ерин қўмсар доим.
Ботишу сўлга тарқаб кетган улус,
Турандир, билсанг, сенинг туқсан жойинг.

Ўртада Жайҳун, Сайҳун оқар сарин,
Икки наҳр боқиб келган юртнинг барин.
Бешак, бу икки дарё орасинда
Топгайсан улуғ бобонг ҳикматларин.





Сакен СЕЙФУЛЛИН

(1894 — 1938)

Сакен Сейфуллин 1894 йыл 15 октябрда Жезқазған вилояттарыннан Оқадир тұманидаги "Қарашилик" қишлоғида туғилған. У қозоқ адабиётининг ривожланишига улкан ҳисса құшган шоир. Уннан "Күкчатор", "Қизил от" достонлари ва шеърлари қозоқ шеъриятининг 30-йиллардаги әңг яхши асарларидан хисобланади. "Баҳт йўлида", "Қизил шунқорлар" каби драмалари адебияттың қозоқ сақна саньатыда ёрқин из қолдирганини исботлайды.

20—30-йиллар қозоқ шеърияттың ўзига хос мактаб яратылған шоир мустабид тузум мұхитидә үз истеъодиди, салоҳияттің тұла намоён қила олмаган бүлса-да, шеърлари, иирик достонлари халқ дилидан жой олиб, қозоқ адабиётининг нодир намуналарига айланған.



МУНГ

Қолганда тор лаҳадда ёлғиз ўзим,
Жон чиқиб юмилганда икки кўзим,
Танимдан айро жондай қоларсан сен,
Юракдан чиққан оташ мунгли сўзим!

Қайғулар ичра қисқа умрим ўтиб,
Жон билан тан айрилар дамлар етиб,
Қандай сир, қандай куй-ла айтганимни
Ким англар, қолганда сен — ўзим кетиб?

Шодлансам, оҳлар тортсам, ҳорсам беҳол,
Чиқардинг кўкрагимдан бир оҳ мисол.
Табиат, ўзгалардан ўзгача бўп
Куйлаган бу куйчингни бағрингга ол.

Бирорнинг давлатию моли кўпдир,
Бирорнинг турмушидан кўнгли тўқдир.
Менинг-чи, ахтарганим: ҳасратлашар —
Бир жонкаш, афсус, у ҳам менда йўқдир.

Митти жон оғир дардга йўлиққанда,
Кўнгил бир нажот истаб зориққанда,
Қошингда бўлармикин бир меҳрибон,
Танангдан қувват кетиб, толиққанда?!

Йигитнинг бўлмаса гар жон йўлдоши,
Тўлмасми мунг-ҳасратга азиз боши?
Қайғуси; гуссасини ким аритар.
Оққанда кўзларидан сел бўп ёши?

Кимса йўқ сир айтурга кўнгил очар,
Юракнинг куйиб-ёнган дардин босар.
Мунгимни юрга айтмай, сенга тўқдим,
Юрак — ўт, кўнгил — дарё, ҳолим абгор!

ФАМЗАДА КҮНГИЛГА

Күнглим-ей, ёнган ўтдай чалқир эдинг,
Лочиндей юксакларга қалқир эдинг.
Зулматга қаҳринг сочиб, лаънат айтиб,
Болдайин муҳаббатда балқир эдинг.

Эркингни фам-ҳасратга берма, күнглим!
Ўзингга ўқинчларни терма күнглим!
Мунгланиб қайғуландинг нега бундок,
Талпиниб кўкда қулоч серма, күнглим!

Бир кезда фаминг тўлиб-тошгани рост,
Кўп ёвлар сиртдан тегиб қочгани рост.
Ярқираб ерга қўнган қизил кунни
Ушбу дам қора зулмат босгани рост.

Фанимлар қўли баланд келгани рост,
Зулмат тун ёғдуларни енгани рост.
Юракни жароҳатлаб мисли ўқдай,
Қайғулар кўкрагимга энгани рост.

Бу кунда ёв ёқадан олгани рост,
Кўп душман оёқлардан чалгани рост.
Жонсиздай бўлиб ётган илон бирдан
Заҳрини нақ елкадан соггани рост.

Мунгайма сира, күнглим, бари ўтар,
Азоблар бир зумлиқдай — изсиз кетар.
Қора тун чулғаса ҳам орқа-олдинг,
Ярқираб тонг отувчи дамлар етар.

ҚИРДА

Ўлтирас эдим қирда кўксим тўлиб,
Тўкилди дўмбирамдан куйнинг сели.
Ўланим қанотида олиб кетди —
Дафъатан эстган сарин еллар келиб.

Ел учди дилда фамин йиққанларга.
Сариорқа томонларга чиққанларга.
Мен қирда тўлиб-тўлиб ўлан айтдим,
Куйладим ел сирини уққанларга.



Илөс ЖОНСУФУРОВ

(1894 — 1938)

Илөс Жонсуфуров Толдиқүрғон вилоятигининг Оқсув туманида дунёга келган. Унинг ижоди қозоқ адабиётида күп қирралилиги, бадий бакувватлиги билан эътиборни тортади. Айниқса, шоирнинг достонлари қозоқ шеъриятида катта ўрин эгаллади. Улар кўпдан бери адабиётшунослар ва ўкувчилар дикқатини жалб қилиб келади.

Шоир ўн бешга яқин достон яратган бўлиб, улар ичида "Кампеске", "Тухум," "Куй", "Куйчи", "Дала", "Қулагер" каби достонлари ҳақли равишда халқ орасида машхур бўлиб кетган.



БЎРОНДА

Қор зўрайиб қаттиқ бўрон ҳарсиллайди,
Еру кўкда изғирин чарсиллайди.
Кўй йигилиб, тўдаланиб пана истар,
Бошини қорга тиқиб қалтиллайди.
Суяниб қўй қошида таёғига,
Тоймасни қиров босиб — ялтиллайди.
Шўрликнинг оёғида тўзган чориқ,
Пайтаваси осилиб, ҳалпиллайди.
Аёзга ўмровини очиб турар,
Бамисли қовурғаси қарсиллайди.
Вужудин совуқ ямлаб-ютаман дер,
Ҳар ёқдан аччиқ шамол анқиллайди.
Бўйнига ёпишган қор қотар зумда,
Иягига сумалак шалпиллайди...
Иссиқ ичик, тулки тумоқ, кўнжли этик —
Дуйсекбой дўнг бошида салқинлайди.
“Нарига қўйни қўзғаб қўйсанг-чи” деб,
Тоймасга зуғум қилиб шангиллайди.
“Еганинг ош бўлмасин, баччағар!” деб,
Қарғадек қор ичидаги қарқиллайди.

ЯЙЛОВ

Гиламин ёйиб ташлар бунда баҳор.
Уфқда тўкиб турар тоғлар виқор.
Яйловнинг ёз лавҳасин таърифида
Менинг бир дилдан айтар ўланим бор.

Туни — олтин, кунода — кумуш ранглар.
Булоклари маржон сочиб, куйдек янграп.
Ел эсиб гул-гиёҳлар мавжланади,
Базмда яйрагандек ёш-яланглар.

Кишнайди қулун, тойлар ахён-ахён,
Бўзтўргай бўзлаб қолар куидириб жон.
Қўйларнинг бир четида — кўкаlamда
Ўтиrap қатиқ ичиб беғам чўпон.

Ям-яшил қарағайзор ялов олди.
Қалиман ва Бейсенбек қайда қолди?
О, улар ҳов ана-ку — ҳалинчакда,
Ҳавода тебранишиб қий-чув солди.

Адирда еллар кезар даврон суриб,
Хотинлар куви пишар яйраб юриб.
Осмонни булат қоплар онда-сонда,
Яловни чўмилтириб — ёшартириб.

Бойбича ҳалак бойга қимиз тутиб,
Бойнинг-чи, жойидадир ранги-қути.
Димонни ёргудайин сархуш қилар
Тонг пайти анқиб келган оғиз сути.

Тикилиб бўй етган қиз бўйларига,
Эрк бериб бебош кўнгил ўйларига —
Қўзини уринтирган шу Жаъфар тоз,
Эловсиз бўп ишига — қўйларига.

Қамиш чий устида қурт йилтиллайди,
Бия соғган ёш келин қилтиллайди.
Эпкиннинг забтидан шипшийдам ўтов
Гадойнинг кулбасидек қирсиллайди.

Йилқичи дил тўйғусин завққа йўяр,
Қўшиқнинг сафосига қирлар тўяр.
Ва уни эшитган ҳар навраста ёш
Оҳ тортиб, сочин кўздан суриб кўяр.

Мол-йилқи кетиб қолмас дайдиб ҳар ён,
Уларни бир манзилга йиғмоқ осон.
Ҳовридан тушмай қозон — тонг ёришса.
Суғур тош узра чиқиб ўқир аzon.

Шириндир тун уйқуси бу пайт ташда,
Қимизлар сипқорилар наҳор-нашта.
Гулларнинг ифорига тўлиб кўнгли,
Оқ сулув бир чеккада тикар кашта.

ДЎМБИРА

Сайрагин бир, дўмбира!
Тўкил, тўкил, наволар,
Тоғ сувидай шилдира,
Куйга тўлсин ҳаволар!
Булут соя солмасин
Яшил адир, қир узра!
Тингламаган қолмасин
Кўшиғинг, куйинг сира,
Сайра, сайра, дўмбира!

Кўш ичак ип, уч қулоқ,
Тўққиз парда дўмбира,
Үйнар сенда ўн бармоқ
Қулундай чоп, гулдира.
Бўзла-бўзла, бўз оҳанг,
Дилдан ғамни сидира,
Сайра, сайра, дўмбира!

Меҳнаткаш эл куйчиси,
Қулоғимни бир яйрат,
Кўнглимга шавқ қондира,
Тотли-тотли куй тарат,
Завқларингни дўндира,
Сайра, сайра, дўмбира!

Хоксор диллар малҳами,
Соч нурларнинг жарангин,
Кўкайимни қондира,
Сен кўшиқлар айт янги,
Юракларни ёндира,
Эски ғамни сўндира,
Сайра, сайра, дўмбира!

ЁМФИРДА

Ёмғир, ёмғир
Шиваламас — шүрғалар.
Оувул селдан
Мол-жонини құрғалар.


Уй исимас,
Чунки ўтинг яна йўқ.
Тўқлар тўқдир,
Йўқларда бошпана йўқ.

Ибройимнинг
Овули анави уйлар.
“Худойим ҳам
Фақат Ибройимни ўйлар”.

Кўрасининг
Четидаги кулбада
Болаларнинг
Ўлтирганин ғамзада —

Ким кўради?
Қайгурувчи жон борми?
Кўк гумбурлар...
Ёмғир ёғмай қўярми?

Яна ёмғир
О, чеңаклаб қуиди-ку!
Йўқ ёмғирмас —
Оч, юпунлар ёши бу!





Қосим ОМОНЖҮЛОВ

(1911 — 1955)

Оқин Қарағанда вилояттарынинг Қарқарали туманида дунёга келди. Шоирнинг “Абдулла”, “Оқиннинг ўлими” номли эпик достонлари халқ орасида шұхрат қозониб, шеърият майдонига ўзига хос овозли, ёрқин истеъдод кириб келганини исботлади.

Қосимнинг номи қозоқ шеъриятини янги наzmий оқангалар, шакллар билан бойитиб, бадиий кашфиётлар яратып олган шоир сифатида мангу қолди.



* * *

Ошиқ эдим, нетайин,
Бу кун сен олис-йироқ.
Қандоқ чора этайин,
Қийин бўлди кўришмоқ.

Нетай, орзум кулмади,
Армон бу кун висолинг.
Орзум рўёб бўлмади,
Нигун эрур иқболим.

Қайда юрсанг омон бўл,
Сенга толе тилайман.
Юрагимда аҳдим шул,
Мен ўзгани суймайман.

Хафа қилган бўлсам гар,
Мени афв этгин сен.
Ўпкалома, ранжима,
Гуноҳимдан ўтгин сен.

Ошиқ эдим, нетайин,
Мени англар қалб борми?
Майли, қисмат этайин
Мен ғамнию озорни.

Ёлгизгина умидим:
Хотирдан бари ўчса;
Сўнг бор қалбим илисин,
Сўнгги бора бер бўса.

УСТИМДА СУР ШИНЕЛИМ

Устимда сур шинелим,
Оқсоқланиб келаман.
Ажал комидан омон
Чиқмоқ қийин, биламан.

Устимда сур шинелим,
Оқсоқланиб келаман.
Қирқ йил қирғин бұлса ҳам,
Ажал етса, ўламан.

Устимда сур шинелим,
Оқсоқланиб келаман.
Үша-үша Қосимман,
Тилда күшиқ-ұланим.

Устимда сур шинелим,
Оқсоқланиб келаман.
Дүст унутса үлмайман,
Эл унутса үламан.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Үртандан бир уй үрнида,
Үстган ёлғиз қызғалдоқ,
Учраб қолдинг сен йүлимда,
Тұхтаб үтдім мен озроқ.

Вайрона ва кул заминда
Елда алвон ҳилпираб,
Қандоқ қилиб үсдинг бунда?
Қандоқ сир бу, қандоқ гап?

Ё оққан қон томчисан бир,
Айбсиз мурғак юракдан?..
Ёки сенсан — ёш бир умр.
Эскисини кузаттан?...

СЕНИНГ ОЛМА БОФИНГДА

Сенинг олма бофингга
Чивиқ санчиб кеттандим,
Толеим — ардоғимга
Шуни белги эттандим.

Қайтдим мен жанг майдондан,
Зафарлардан чөхрам ол:
Үша чивиқ новдадан
Үсибди бир навниҳол.

Чорлар у ишва билан
Айни ширин висолдай;
Эдинг бу чоғ ўзинг ҳам
Худди ўша ниҳолдай.

О, ёғар кўқдан ёғду,
Теварак — жаннат мисол!
Бир сўз айтгим келар-у,
Айтолмайин тилим лол!

ТУҚҚАН ЕР

Тоққа чиққин, қарагин кенг далага;
Хурсандликдан ўхшаб худди болага —
У четидан бу четига югурсанг,
Юрагингнинг хумори бир қонар-а?

Туққан ерим менинг учун олтин, зар,
Туққан ерим менга илҳом, руҳ берар.
Тупроғингда тебранмай тинч ётардим,
Оқин бўлмай, бир тош бўлсам мен агар!

Сен азалдан поён билмас ер эдинг,
Зарра ҳисси борга улуғ шеър эдинг.
Сенда ўслим, ўлар бўлсам сенда гар, —
Армоним йўқ бу дунёда дер эдим.

Мен ҳам сенек дуркун эдим, кенг эдим.
Саховатда мен ҳам сенга тенг эдим.
Сен аямай бердинг менга борингни,
Беражакман бор меҳримни мен, дедим.

Юрагимда бутун мудом чин аҳдим,
Сен — қувончим, сен — таскиним, сен — бахтим!
Кучоғингда топар дилим фароғат,
Сен бешигим, сенсан менинг зар тахтим!





Абдулла ТОЖИБОЕВ

(1909 — 1998)

Кизил Ўрда шахрида дунёга келган. Интернатда ўқиб тарбияланган. 1948 йилда Қозоғистон Давлат университетининг филология факультетини битирган. Шундан кейин ёшлар газетасида Баш мұхаррир ўринбоссари, Қозоғистон Ѓазувчилар уюшмаси бошқармасининг Раиси, котиби, "Қозоқ адабиёті" газетасининг Баш мұхаррiri, М.Аvezov номидаги Адабиёт ва санъат институтида бўлим мудири вазифаларида ишлаган.

Илк шеърлари 1927 йилдан чоп этилган. Қозоғистон Олий кенгашининг Фахрий Ёрлиги, Давлат мукофоти билан тақдирланган. 1985 йилда "Қозоғистон халқ шоири" фахрий унвонига сазовор бўлган.

"Чин юрақдан" (1949), "Севган юраклар" (1951), "Хаёт ва шеърият" (1962), "Таниш овозлар" (1984) каби кўплаб тўпламлари нашр этилган.

Абдулла Тошибоев — XX аср қозоқ шеъриятида ёрқин из қолдирган шоир. Унинг лирик шеърларини ёд билмайдиган қозоқ йўқ деса бўлади.



ШОИРЛИК

Шоирлик оғир меҳнат тушунғанга,
Кон қазувчи, тош йўнувчи ишиндан-да.
Ёлғизсан, ёрдам тилаб ололмайсан
Энг яқин, энг суюкли кишиңдан-да.

Ажибdir илк севгига дучор кезинг,
Фойибдан дунёларни қучар кезинг.
Ўйингда уя курган полапонинг
Юксакка қанотланиб учар кезинг.

Ажибdir туғилиши туйгуларнинг,
Кўзингдан қочар пайти уйқуларнинг;
Ҳисларинг юрагингда мавжланганда
Ажибdir товланиши ёғдуларнинг.

Осонмас руҳинг ерга ҳеч қўнмаса,
Таскину тасаллига ҳеч қўнмаса;
Яъниким шеър қийноғи юрагингда
Ховурин чиқармаса, ҳеч сўнмаса.

Билмайсан шунда кимга не дерингни,
Бер, дейсан, ширин дамлар, кўмагингни,
Қолқофин ёнартоғнинг очиб юбор,
Осмонга рўпара қил юрагимни!

БЕТКЕНБОЙГА

Ёш эдинг, айландинг-ов қартимиизга¹,
Ётибди талай йиллар ортимизда.
Бир кезлар олов-оташ қалблар эдик,
Қолмапти бугун шундан ёртимииз-да.

¹ Кари, кекса маъносида.

Ортмайин отимиз-да, донгимиз-да,
Шунда ҳам керак эдик халқимизга.
Бугунга айнимасдан етдик омон
Бурунги букилмаган қалпимизда.

Юрдик биз кечикиб, гоҳ эрта кетиб,
Қўймади ҳеч ким бизни эркалатиб.
Умримиз ардоқлаган ушбу юртдир,
Ўстириди ўтдан қўрқмас эркак этиб.

Бировлар ўз наздида ўлмас гўё,
Умрининг чўғи сўниш билмас гўё.
Тўйгач сўнг кекиради, ҳаприқали,
Сир суви тиззасидан келмас гўё.

У жуда улуғ, оддий эрмас гўё,
Ҳар кимдек ўз ризқини термас гўё.
Уяту андишани қайдан билсин,
Ундейга худо жазо бермас гўё.

Беткенбой, айландинг-ку қартимиизга,
Қолибди талай йиллар ортимизда.
Етайлик хуш айёмга қўл ушлашиб,
Бурунги сутдек тоза қалпимизда.

ТИЛАК

Мен бугун сочи оқ-оппоқ
Абдулла деган отаман.
Кун сайин сенга, Ватаним,
Оқ тилак тилаб ётаман.

Оқ тилак тилаб ётаман,
Оқ феъли шундок өтанинг.
Такрорлаб сўзин тилагим,
Сенга баҳш этгум, Ватаним.

Тоғларим турсин силкинмай,
Денгизим тинсин хўрсинмай,
Қўёшим ёнсин ярқираб,
Ойдиним турсин ялтираб.

Тиниқсин яқин, олислар,
Тиниқсин тегра-атрофлар.
Қон түкар оғат урушдан
Титрамасин ҳеч япроқлар.

Охлар тортмасин сибизғам,
Қайғуланмасин күй сира.
Ингранмасин ҳеч құбизим,
Фуссаланмасин дүмбирам.

Неварам ўйнаб-кулсинг-ей,
Капалак қувиб юрсинг-ей.
Куз пайти кетган оққувим
Күкламда қайтиб келсинг-ей.

Оққувим қайтиб келсинг-ей,
Мовий күлига құнсинг-ей,
Оқ булатларни күрсинг-ей,
Сұнг шүх сайраб берсинг-ей.

Мен бугун сочи оқ-оппоқ
Абдулла деган отаман.
Янги йил келди — йүлларинг
Оқ бүлсинг доим, Ватаним!

* * *

Тун — мудраган қора бароқ мисоли,
Мудрайди у жунбушлардан тинч, холи.
Бу чөң кимдир тебратади ғойибдан
Қалбимдаги ұланга эш хаёлим.

Құнглым тинчдир кундуз ёңтан яловдай,
Аллалайман түйғуларим ҳуркитмай.
Тек қотмишдир рұпарамда ўйларим
Бурчакдаги тұмағали¹ бургутдай.

* * *

Күкни күрдим, күкламга яна етдим,
Чечаклари товланди чекка-четнинг.

¹ Бургутлар бошига кийдириб қўйиладиган халта-каллапүш.

Қоратүргай чақирди деразамдан
Еп-енгилдай турдим-да, юриб кетдим.
Ва шу зум бу күкламга етмаган күп
Дүйстларим номини жим зикр этдим.

* * *


Мен ҳам шу юрт күркининг бир хумори,
Мен ҳам уни севаман эл қатори.
Сохта ўлан ҳеч қалбни титратмайди,
Асл шеърнинг бўлмайди ҳеч губори.
Наҳот менинг қалбимда ёлғон жарчи?
Ханжар билан қоқ ёриб қаранглар-чи.

* * *

Ўй-хаёллар эргаштиrsa изидан бот,
Етолмайди унга агар чопса-да от.
Адоғи йўқ ўқинчларга кўмилгайдир
Виждони-ла баҳсга тушса ҳар қандай зот.
Шу аснода тунги уйқу бузилади,
Шундайларга ажал кўзи сузилади.

* * *

Туққан юртга ўтади эркалигим,
Абекем, — деб сийлайди элим бугун.
Тиришса ҳам номимдан не бир каслар,
Босолмас асло улар қалбим унин.
Қозоққа етса бас-да сўзим, ахир,
Эмасми бу мен учун буюк фахр?!





Жумағали САИН

(1912 — 1961)

Жумағали Сайн Кўкчатор вилояти (ҳозирги Оқмўла)нинг Ариқбалиқ туманида туғилган. Педагогика институтини битириб, ўқитувчилик қилган. Журналистлик фаолияти билан шуғулланган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушдан кейин "Қозоқ адабиёти" газетасига мухаррирлик қилган.

Биринчи шеърлар тўплами — "Бахт қўшиғи" 1936 йилда чоп этилган. Қозоқ қизининг ҳаёт йўлига бағишлиланган "Куланда" достони (1939 — 1940) йирик адабий ҳодиса сифатида баҳоланган. Шеърлари ўзининг майин лиризми, самимийлиги билан дилга яқин.

"Айғоқ", "Олтой", "Тонгги шабнам" достонларининг муаллифи. "Йўл устида" қиссаси 1961 йилда чоп этилган. Жаҳон адабиёти намуналарини қозоқ тилига таржима қилган.



* * *

Қарама-чи, қадама-чи күзингни!
(Ахир, юрак темир эмас түзимли!)
Мен оловман, ҳар учқуни күйдирар,
Ая, мени, ая, гулим, ўзингни!

Үйла, ахир, ўйла, ахир, ақллим!
Унсизгина мени қайга чақирдинг?
Теран сирли күзларингнинг тубига
Аста-аста чўкиб бормоқдадирман...

Еттисаларга йўғирмагин сўзингни!
Ая, мени, ая, гулим, ўзингни!
Ўйғотмагин қалбимдаги туғённи,
Жавдиратиб чақноқ қора күзингни!

Үйла, ахир, ўйла, ахир, ақллим!
Унсизгина мени қайга чақирдинг?
Сокин эдим, нега солдинг туғёнлар,
Нега ғамлар уммонига ботирдинг?!

* * *

Мен уйқуга айни чўмган дам эди.
Бир пайт ўлан туртди мени,
тур, леди!
Учиб турдим,
чарх урарди сатрлар,
Олди мени ўй-хаёллар сеҳрлаб...
Гоҳи хира,
гоҳи нурли товланиб,
Кўз олдимда турди ҳислар мавжланиб.
Шунда бирдан,
“эвоҳ!” дея ўқиндим,
Илҳомимга “сабр қил!” деб ўтиндим.

Ўз жойида кўринмасди тўрт қалам,
Кундуз уни олган, албат, тўрт болам.
Улан кетди...

Ўлтиридим мен жим, хомуш.
Яrim кеча,

Эшитилмас сас-тovуш.

Қайда экан тарашланган тўрт қалам?

Ётар ширин уйқу ичра тўрт болам.

Қарайман-да, қувонаман, тошаман.

Оёғимни мен авайлаб босаман.

Кўрпаларни,

ёстиқларни тузатгум,

Уйғоқман-у,

уйқуларни кузатгум.

Киприк, қоши,

лабларига боқгум жим,

(Бари менинг қуйиб қўйган ёшлигим!)

Ўйлар чулғаб,

чорлар мени шу они —

Иқболимнинг ёзилмаган достони!

Уйқусида

ана бири кулмоқда,

Балки ҳозир ширин бир туш кўрмоқда.

Балки қайта кўрар кечган байрамни.

Дейман,

нурли юзлар.

кўрманг ҳеч ғамни!

Зурёдларим,

менинг пойдор умримсиз,

Қалбда ёлқин,

жонимдаги қумримсиз!

Турфа,

ажиб хаёлларга тўлдим мен,

Сизга боқиб,

қайта гўдак бўлдим мен!

Ва қалбимда ажиб илҳом чалди соз,

Битилмаган мисраларда айтиб роз.

Мен шеърларни гарчи шошиб тўқирдим,

Тўрт боламнинг юзларидан ўқирдим.

Ёзилганми шундоқ китоб — ярқироқ!

Насиб этмас ҳеч оқинга у бироқ!

Айтинглар-чи, бу дунёда нима бор,

Шу тўрт юрак уришидан азиэроқ!



Тойир ЖАРОКОВ

(1908 — 1965)

Үрол виляятининг Ўрда тумани, Жетибай овулида дунёга келган. Дастребаки маълумотни рус-қозоқ бошланғич мактабида олган.

Илк шеърлари 1927 йилда "Оқинлар" адабий тўпламида "Олтин кун" номи билан чоп этилган. 1931 йилда Олмаотадаги Абай номидаги Педагогика институтини томомлаган. 1934—1936 йилларда Ленинград Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олган. Илк шеърлар тўплами "Юлдузлар ёғдуси" 1932 йили нашр этилган.

Т.Жароков кўплаб орден ва нишонлар билан мукофотланган.

"Гулхан атрофига" (1949), "Тошқин" (1949), "Кўшиқ қаноти" (1956), 2 жилдлик "Танланган асарлар" (1958—59) ва бошқа тўпламлари эълон қилинган.



ДҮТОР БИЛАН ДҮМБИРА

Ўзгамас, ўз элимсан, Ўзбекистон,
Кўрингунг кўзга кўркам сен олисдан.
Кўзингда нур ёнганда жонга яқин,
Шеъримиз етиб борди сенга шу дам.

Қай оқин ўзбек элин зўр ҳурмати,
Қадрдонлик ҳаққи-чун барқ урмади?!
Юрагин ўти билан битиб байтлар,
Қай оқин бу дўстлик деб чарх урмади?!

Биз элдан, эл ҳам биздан олар илҳом,
Икки эл зафарларда қозонар ном.
Она сути янглиғ эгиз фарзандларга
Ойдинда мавжланар Сир ажиб оқшом.

Чирчиқ ва тўлқин отган Буқтарма¹ нинг
Нурлари ушалтириди эл армонин.
Пахтаорол оқ пахта гулин сочса,
Қозоқнинг дашти тўкли олтин донин.

Шеърга солиб узуму анорларин,
Мақтаган чоғ сиз ўзбек паловларин.
Faфур ака, кўрингиз, Собит оға
Бўз қирда тикди инжу яловларин!

Суямиз олманию анорни биз,
Тўлдирди ширин болга қанорни куз.
Бир боғда ўсган нақшин мевадайин
Эртанги оқ тонгларга хуморлимиз.

О, кўркам қозоқ йигит бармоқлари
Дўмбира чертиб турса сайронлатиб,
Ойдин бир кўлда сузган оққувдайин
Қиз рақси қўяр элни ҳайронлатиб.

¹ Чирчиқ дарёсига курилган Буқтарма ГЭСи.

Оққувнинг боласидай бўйинларин
Нозлатиб, бошлаб латиф ўйинларин,
Эврилса тўқсон бураб хипча белин,
Ўзига мафтун айлар элнинг барин.

Қалбимга ошно қилиб меҳримни чин,
Талпиниб юрагим-ла дуркун-дуркун,
Тошкентга ажиб шеърим айтиб келдим —
Қабул эт, қучоғинг оч, қардош юртим!

Кўркланиб отса уфқдан ажойиб тонг,
Елвагай кийиб дўппи, ола чопон,
Боғига ўзбек оғам сув оқизса,
Ан солар қир бошида қозоқ чўпон.

Ҳангома чопондамас, чўпондамас,
Олқишу ҳамду сано, хандондамас,
Жазм этиб парвоз сари элни мудом,
Чорласак, мудроқ диллар уйғонса, бас!

Кўшнимиз — битта эрур тақдиrimiz,
Меҳр ва муруватдир қалб сиримиз.
Севгимиз қўрига қўр кўшмоқлика
Маҳшаргача бурчлимиз ҳар биримиз.

Ортда қолсин мозийнинг фарёдлари,
Толе қучсин эгиз халқ зурёдлари.
Не ажаб, зафарларга эш икки эл
Биргаликда учса гар само сари!

ҚАНТАР

Қантар ойи сулувдир, ҳаво очик,
Теварак жим, сукутда, қорлар босиб.
Қўринади ярқираб қир-адирлар,
Қўйгандайин тонгдан нақ шакар сочиб.

Эл сергир¹ қалъадаги, даладаги,
Фичирлар оёқ боссанг дала қори!
Қизариб қўш бетингда ўйнайди қон,
Бу сенга изғирииннинг меҳр изҳори.

¹ Камаяди,тарқайди маъносида.

Биллурдек мусаффодир қантар ойи,
Туш күриб ётар юртнинг қири-жойи.
Қарасанг тоқقا — қўзинг қамаштирас,
Кор руҳинг аллалайди заб киройи.

Мол боқсан Айдарлида — отардаги
Чўпонлар шод-мамнундир қатордаги —
Қийналмай қиши қўноғин қаршилашга,
Келувчи аёз билан қантардаги.

Турибди тўзғимайин қамиш қўра,
Илиқдир ичи, чунки молга тўла.
Оқ тўнли чўпон бобо қоровулдир,
Тўламиш ўзимизнинг таниш бола.

Тўламиш ўзи шу кеч қор олдига
Чиқиб бориб молларга қаради-да,
Чақириб чўпонларни кулбасига
Даладан кирди қайтиб шом олдида.

У дарҳол исинаркан уйга кириб,
Қўранинг атрофида зир югуриб,
Қор сочар қашқир қулоқ сур теватлар.
Узокдан қора кўрса бирдан хуриб.

Осмон — кўк, дала — оқ қор, тун мудрайди,
Юлдузлар мисли чўғдек милтирайди.
Чўпоннинг отардаги кулбасига
Янги йил кирмоқ учун изн сўрайди...

Чўпонлар Янги йилга ялт қарашиб,
Бир-бирин табриклашар заб яйрашиб:
— “Сочув!” — деб учқунларни сочди ҳар ён,
Улардан бири шампань оғзин очиб.

Ҳай, шундоқ қилиб, Янги йил бошланди,
Янги руҳ чулғаб олди ер-осмонни.
Мен эса шеърлар билан қаршилайман
Мадҳ этиб кенгликларни, мард чўпонни!

ҮЛАН

Үлан сулув — уятчан баъзан қиздай,
Баъзан қўймас юракдан куй оқизмай.
Жонсиз ўлан туйғунгни совутгандай,
Босилади юракка баъзан муздай.

Ўлан — гоҳи нозланган гўзал ёрдай,
Гоҳ ловуллаб, гоҳ тафтинг босилгандай!
Гоҳ осмонни ёргандай ялт-юлт этиб,
Ўт-чақмоқнинг қувватин оширгандай!

Ўлан — баъзан боладай талпинади,
Баъзан она қалбидай балқимали.
Баъзида шўх денгизнинг тўлқинидай,
Феъли бордир “тентакнинг“ шалқимали!

Гоҳи кибру ҳавода керилган кас
Ўлан қадру қимматин ҳеч бир билмас.
Менсимаслик мумкинми ўланни, айт,
Асл ўлан боқийдир, ҳеч ҳам ўлмас!





Фали ЎРМОНОВ

(1907 — 1978)

Толдиқўрғон вилоятининг Қапал туманидаги "Эчки ўлмас" манзилида дунёга келган. Эски мактабда савод чиқарган. 20-йилларда газеталарда мухбир бўлиб ишлаган. Дастлабки шеърлари 1928 йилдан матбуотда эълон қилина бошлаган. Унинг қозоқ шеъриятини янги образлар ва услубий изланишлар билан бойитган кўплаб шеър ва достонлари босилиб чиқиб, халқ орасида шуҳрат қозонган.

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун кўплаб орден ва нишонлар, фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

"Умр достони" (1948), "Гўдак юраги" (1949), "Сафарда" (1957), "Йиллар қўшиғи" (1976) китобларида унинг асосий асрлари жамланган.

XX аср қозоқ шеъриятида ўзига хос овозга эга бўлган лирик шоир сифатида шуҳрат қозонган Фали Ўрмоновнинг кўплаб шеърлари халқ қўшиқларига айланиб кетган.



ЯНГИЕР ГУЛЛАРИ

Бизга ёшлар гул тутди,
Бу лаҳзалар яйрар жон.
Ажиб гул эди улар —
Кирларда урган жавлон.

Мактабиу боғи ҳам
Бир кунда яралгандай.
Бу ерда хуш садолар
Жаннатдан таралгандай.

Дилдан тошли ҳисларим
Боқиб жажжи сафларга.
Вақти келиб бирма-бир
Туширгайман дафтарга.

Нақ қўшиқдир Янгиер —
Узоқ яшар қалбимда.
Гул сингари болалар
Турибди кўз олдимда.

ДЎСТ МАДҲИЯСИ

Томирдош, биз азалий дўст эканмиз,
Бу боқقا нени эксак, қўш экканмиз.
Шу туйфуни улугламай, куйга солмай,
Дейман, нега шўнча маҳал бўш ўтганмиз?

Жонимиз бир-бирига жондош экан,
Элимиз бир-бирига ёндош экан.
Толею қисматимиз бирлигини
Жаҳонга уқтирумаймиз бизлар недан?

Кўрмадик нега бурун Самарқандни?
Келмадик Зарафшонга нега қамти?
Ўзбекча соз-ла Уйғун, Faфур Fулом
Куйламаган нега менинг Сариорқамни?


Нима кўрар уйидан чиқмас инсон?
Унга дунё туюлар тор бир макон.
Олатовнинг адирин чўққи дейди,
Ўз ёғига қоврилиб ётар гирён.

Кўп экан бу борада менда айб,
Кўяман ўз-ўзимни гоҳо койиб.
Ўзбекнинг кўп китобин ўқигандай
Юртимга қайтдим ўлан-шеърга бойиб.

Тоғлари тоғларимдай — боқмай қаён,
Булоқлар дил сўзимни айлар баён.
Тош қопқа ёнбошида улуғ Темур
Уфққа термулганин түйдим аён.

Кўркамдир Омонқўтон, Етимтов ҳам,
Ўрамиш оппоқ салла булатлардан.
Кўрдим мен чўлга шошган каналларни,
Ўйноқи суви эди мисли зардан.

Шундоқдир, элларимиз чўнг ўлкаси —
Бамисли бир дарахтнинг кўланкаси.
Биз унинг соясида созлар чертсак,
Ким бўлар — биз бўлмайин юрт эркаси?





Дихан АБИЛОВ

(1907 — 2003)

Дихан Абилов 1907 йилда Павлодар вилоятининг Баяновул тумани, Баянтов қўлтиғидаги Мойлибулоқ қишлоғида дунёга келган. Баян шаҳридаги ўрта мактабда, Семейдаги Қишлоқ хўжалиги техникумидаги ўқиган. 1937 йилда Олмаотадаги Журналистлар институтини, 1948 йилда Қозоқ Академияси аспирантурасини тамомлади. 1942 — 1946 йилларда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб қайтгач, турли газета-журналларда ишлади, "Ўқитувчи" нашриётида бош муҳаррир бўлиб хизмат қилган.

Шу кунгача муаллифнинг элликдан ортиқ китоби, шеърий тўпламлари, қисса ва романлари нашр қилинган. Ёзувчининг шоир Султонмаҳмуд Тўрайғиров ҳаётига бағишлиланган "Султонмаҳмуднинг армони" (1980) номли роман-трилогияси, шунингдек, "Елкадош дўстлар" (1948), "Майра" (1954), "Биржон сол билан оқин Сара" (1939) каби драмалари машҳур.

Адаб рус, украин, турк, арман мумтоз шоирларининг достонларини қозоқ тилига таржима қилган.



ҚОРАҚАЛПОҚ БОВУРЛАРГА

Овулингни соғиндим мен овулимдай,
Олмаотадан йўлга чиқдим сен деб атай.
Олиб келдим Олатовнинг саломини,
Кучоқ очиб кутиб олдинг бовуримдай.

Кимлигингни азал-азал билган ўзим,
Юрагимда бисёр эрур яхши сўзим.
Осмонингдан ерга аста қўнган замон,
Яйраб кетди дийдорингни кўриб кўзим.

Дилимга мен ҳаяжонлар уйдим яна,
Тақдим этган гулларингни суйдим яна.
Мусаффою мовий Нукус уфқаридаи
Тоза қўнглинг осмонини туйдим яна.

Толеимиз яшнар ҳали алвон қирдек,
Дўстлигимиз абадийдир ажиб сирдек.
Эртаклару ҳангомаю ҳазилларга
Азал-азал ишқибозмиз, ўчмиз бирдек.

Қорақалпоқ, сен қозоқнинг ўз жонидай,
Дил түфёнинг юртимнинг дил түфёнидай.
Вужуддаги соғ шу юрак ўртамиизда —
Ўртадаги мовий Орол уммонидай.

Илтифотлар кўрдим ҳар кун ҳар касингдан,
Истиқболнинг шавқин туйдим нафасингдан.
Офтоб каби юрагингнинг тафтин сездим —
Кафtingдаги ҳароратдан, қалб сасингдан.

Бирга бўлса элларимиз шунқорлари.
Қолмагайдир юртнинг ғаму ғуборлари.
Ташриф пайти қизларингдан гуллар олдим
Ва бағримга тўлди чаман ифорлари.

Тоабаддир омон бўлсин юртнинг бари,
Қозоқдадир содда меҳр талқинлари.
Олислардан туққаним деб излаб келдим,
Ўчмасин ҳеч дилда ишқнинг ёлқинлари.

ТҮҚТАҒУЛГА

Юрагимнинг қатига
Қанот боғлаб довулдан,
Қирғиз оқин ўғлига
Олис қозоқ овулдан
Муҳаббатим келтирдим,
Не бор азиз бовурдан?!

Йиғласам чин йиғлайман,
Кувонсам чин қувонгум.
Ишқ-садоқат ўтида
Ёнсам — баралла ёнгум.
Абайни ўқиб тунлар,
Тўқтағул деб уйғонгум.

Лолалар тўлқин отган
Даласини бир суюб,
Олмосдай ўғил топган
Онасини минг суюб,
Кездим қирғиз элини,
Юрагимдан шеър қуйиб...

* * *

Саодат ҚОБУЛОВАга

Келтириб яқин, бироқ .
Тутқазмаган болдайин —
Тамшантирдинг мени хўб,
Тақиллайди танглайим.

Уздинг авжда қўшиқни,
Оловга сепгандай сув.
Булбулим, барибир сен
Дилимда қолдинг мангу.

КУЗ БҮЛСА-ДА...

Куз бүлса-да, осмон очиқ, ложувард,
Ажойибdir Амударё элати.
Одамлари доим унинг танти, мард,
Козоқларга жуда уйқаш келади.

Дунёда ҳар иккисин ўз ўрни бор,
Ботирлари билан машхур ҳар бири.
Сир, Амудай бир уммонда мужассам
Қорақалпоқ ва қозоқнинг тақдири.





Қалижон БЕКХОЖИН

(1913 — 1990)

Қалижон Бекхожин 1913 йил 15 декабрда Павлодар шаҳрида дунёга келган. 1938 йилда Абай номидаги Қозоғистон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Қ.Бекхожин кўплаб лирик шеърлар, достонлар муаллифи. "Ўрмон қизи" (1939) достонида халқ орасидан чиқсан истеъдодли ёшлар образи меҳр билан чизилади. Шоир Қозоғистон Давлат мукофотининг совриндори. "Қозоғистон халқ ёзувчиси" унвони ва бошқа кўплаб мукофотлар билан тақдирланган.

Унинг "Шеру" (1944), "Кўклам" (1948), "Қаҳрамонлик қўшиғи" (1949), "Дўстлик овози" (1954), "Марям Егор қизи" (1956), "Олти чўққи" (1973) ва бошқа китоблари чоп этилган.



СОФИНДИМ

Софиндим мен Таттимбет¹ нинг куйларин,
Шуъласидай майин ёзниң кунларин.
Еллар чалди кўл қамишин сурнайдек,
Ўсдим шунда тинглаб оқкув унларин.

Нафасидай эрка гўдак чоғимнинг
Таттимбетнинг тотли сасин соғиндим.
Ел-ла ўйнаб, югурадим ушлашга
Шуълаларин ифорли гулбоғимнинг.

Кўк майсада капалакдай ўйнадим,
Ўйласам мен бахт ҳақида ўйладим.
Ўша бахтим — сенда ўтган хуш дамлар,
Шу дамларнинг сурурига тўймадим.

Чалғитмасди мени эрмак, на сас-да,
Бор вужудим туйғуларга пайваста.
Ўзимда йўқ, ўзгалардан қизғаниб
Қарап эдим қулен, тойга ҳавасда.

Юрар экан қўй-қўзилар маърашиб,
Ёш бузоқлар — қир-адирда яйрашиб,
Шодланардим мен чақнаса чақмоқлар,
Жилға чопса қирлардан, йўл талашиб.

Менга иссиқ чеккадаги тор кулбам,
Лекин мен-чун ҳамма уйдан у кўркам.
Жимиirlайди кўкда милт-милт юлдузлар,
Термулсам мен кечалари дарчамдан.

Тегмаса-да менга ўрин тўридан,
Шу бир кулба кенг маъводай кўринган.
Энди сифмам олтин нақшли қасрга,
Бу нимаси — борми мендек керилган?

¹ XIX асрда яшаб ўтган таниқли бастакор.

Жаҳон кезган ярим аср ёшимнинг
Таттимбетда ўтказдим энг асилин.
Унда ғамсиз, шўх-шан эди юрагим,
Олчи эди доим менинг ошиғим.


Унда бундай хўрсиниқни ким билган,
Болалик-ла юргум дердим минг Йил ман.
Дали эдим ва чапани у пайтлар,
Узр айтарди менга ортиқ сўз қилган.


Кетдим сендан, ўтди учкур Йиллар кўп,
Тоққа чиқдим, мевалари тотли деб.
Оқ соч шоир номин олдим, не нафдир,
Болалигим қолди сенда, Таттимбет!

Қирлар кезиб, баҳт қушини овладим,
Ўлан айтиб, тоғларга ҳам довладим.
Бироқ ҳамон ўша бола чоғимдай
Кўк майсага келар бирам ағнагим.

Болаликдай бўлиб эрка ва хушхон,
Шуълалайн майинмисан сен ҳамон?
Балки қайта ёшараарман, боладай
Майсазорда чопсам уриб мен жавлон.

Бари садқа, сенинг эрка болангман,
Даштларингга жоним яйраб борарман.
“Тентагим” деб, еллар суйса манглайдан,
Чўпонинг бўп қирларингда қоларман...





Ҳамид ЭРҒАЛИЕВ

(1916 — 1997)

Гурьев вилюятининг Новобогат туманида дунёга келган. Қозоғистон Давлат университетида ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. Илк шеърлари матбуотда 1936 йилдан эълон қилина бошлигандан.

1981 йилда "Олтин заранг" шеърлар тўплами учун Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти билан тақдирланган. "Қозоғистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлган.

Шоирнинг "Икки достон"(1949), "Бизнинг овулнинг қизи"(1950), "Сенинг ўзагинг"(1953), "Ёйик кўшиқлари"(1955), "Курманғози" (1958), "Давр овози"(1963), "Хаётнинг ўз кўзиман"(1965), "Куй достон"(1970), "Қутлуғ қўниш" (1974), "Кўзларимда думалоқ замин" (1978), "Олтин заранг" (1981) каби тўпламлари нашр этилган.



ЗАРАФШОН БҮЙИДА

Муқадлас бу замин, қадим тупроқда
Гуллар қайси замон қовжираб сүлган?..
Бу чашиа қайси ошёндан?
Бободеңқон билан чин сирдош бўлган
Зарафшондан, ахир, Зарафшондан!

Қорли чўққилардан ошса беҳадик,
Кўпчиб оқ булутлар навбаҳор фасли —
Яйрап ер абри найсондан.
Ушбу дур томчилар қаердан асли?
Зарафшондан, ахир, Зарафшондан!

Ойдин кўлга кўнса сайрон оққувлар,
Қолмас юрагингда ғамнинг ғубори,
Бу дамлар азиздир жондан.
Қайдан бу кўхликнинг, кўркнинг ифори?
Зарафшондан, ахир, Зарафшондан!

ТАФИН КЕЛДИМ ТОШКЕНТГА

Тағин келдим Тошкентга — керагимга,
Етдим тағин ардоқли тилагимга.
Ўзбекнинг муҳаббати — менга деган,
Тугамас, оқаверар юрагимга.

Жўр бўлгандা хуш айём созинг — унинг,
Чин роҳатдир ўзбек-ла кечган кунинг.
Дили оқдир нақ кумуш пахтасидай,
Ипагидай майнидир феъли унинг.

Энтиқтирас кўнглимни доим висол,
Ошиқаман нақ Амударё мисол.
Ўзбек дўстим мени хуш кутиб олар,
Мирзачўлнинг тонгидай юzlари ол.


Дил ёлқини ортар йил ўтган сайин,
Хар қозоқнинг ўзбек-чун меҳри тайин —
Олмаотадаги уйимга иссиқ берган
Бухородан келувчи оловдайин.

Хуш этмоққа ҳар қадам дўстларим шай,
Дилим равшан Тошкентнинг осмонидай.
Қозоқнинг кўкси баланд ҳамишалик,
Викторлидир Навоий достонидай.

Жаҳонда не эзгулик — бизда бари,
Туғишган эл гинадан тургай нари.
Дўстлигим салобати қурч ва буюк,
Мисли Темур саройин гумбазлари.

Шеърларимиз нақ баҳор лоласидай,
Қовжирас забунлар ноласидай.
Ўланимни эшиит-да, суюб қўй-чи,
Бизга берган қизингнинг боласидай.

Мулозамат қилма сен, айт чинингни,
Сина нозик даврада ўз инингни.
— Олинг, олинг, десанг гар эриб кетиб,
Ётиб олиб емасман узумингни.





Жубан МҮЛДАГАЛИЕВ

(1920 — 1989)

Ўрол вилоятининг Тайнақ туманидаги "Жиланди" манзилида туғилган. 1940 йилда Ўрол Қишлоқ хўжалиги техникумини битирган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Жубан Мўлдағалиев "Есир аёл тақдири", "Мен — қозоқман", "Кишан очган", "Сел", "Бойқўнир бош бармоқлари" ва бошқа ўнлаб шеърий китобларнинг муаллифи. Кўплаб орден ва нишонлар билан тақдирланган. "Қозогистон халқ шоири" фахрий унвонига сазовор бўлган.

У XX аср қозек шеъриятининг йирик вакилларидан бири ҳисобланади.



ТОШКЕНТ БИЛАН КҮРИНГАНДА

Йўл бўлиб ётса осмон ердагидай,
Нега мен ажабланмай, ҳайратланмай?
Қозоқнинг оқинлари бамисоли
Тошкентта кўнар кўқдан фариштадай.

Айланиб оқ булутлар теграсидан,
Пастликка тайёрада юз бураман.
Тошкентнинг зар дўппидай зеболанган
Кўркига термулишни хуш кўраман.

Келганим йўқ мен асло ёт маконга,
Ўзимни бегонага менгзамасман.
Дўстимнинг, йўлдошимнинг, жигаримнинг
Муборак дийдорига етдим, ростдан.

Бу ўлка чамани соз, кўшиғи соз,
Юракка ажиб илҳом берар, бешак.
Юрганда ўзбек билан қўл ушлашиб,
Шукуҳли руҳинг ўсар тағин юксак.

Илк тонгнинг нурларига сайқалланган
Айёмни қаршилаб дил масрур жуда.
Шафақнинг зар ёлқини бамисоли
Тилла ранг уча ўзбек дўпписида.

Оқинлар ерга кўнар фариштадай,
Боқарлар теваракка, маъволарга.
Тошкент ҳам ушбу дамлар ерда эмас,
Юксалиб кетгандайин ҳаволарга.

НОН

Сира вазъ ўқимайман нон ҳақда мен,
Қадрини улуғларман бироқ-да мен.

Едимда,
унинг зарра ушоғини
Оппоқ тонг баҳосига күргандим тенг.

Не хасис замоналар кечмади, ҳа,
Кечмади не савдолар нон устида.
Күрганман,
донга қаҳат далаларни
Хам очлик зада қилган шаҳарни-да.

Үтди-ку очлик, уруш қийнаб жонни,
Бу кун нон түлдирмишdir дастурхонни.
Ҳар қозоқ олиб чиқар меҳмонига
Бамисли қуёш нусха ширмой нонни.

Қозоғим азалдан-да қизиқ халқидир,
Уни мағв этолмаган аянч тақдир.
Зеро у оллоҳ дея топингани
Ҳамиша бахт келтирган меҳнатгадир.

Үландир бор бисотим, симу зарим,
Мард дәхқон наслига йўқ ҳеч аярим.
Юрагин шеърларимга ўрасин у,
Бахш этай унга үтли сатрларим.

К У З

Кунлари бор – тафти буткул сўнмаган,
Гуллари бор – ҳали тўйиб кулмаган,
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Ёзи ўтиб, қиши етиб келмаган.

Сўнган ёздан ёдгор унинг ёлқини,
Жунжиктирап тонглар шудринт салқини.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
“Эрта” эмас, “кеча” бўлган кўп куни.

Ялт-юлт этиб чақин ўйнар Йироқда,
Чўмалайлар¹ ўртанимайди бироқ-да.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Дилдирайди боқиб ойна булоқقا.

¹ Пичан ғарамлари.

Гоҳо очиқ, гоҳо кунлар беёғду,
Гоҳо ёмғир, гоҳ қор босар — оқ, паркү.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Ез ва қишини туташтириб турар у.

Хазон тўла боғлар боқар паришон,
Энди унда яшилликдан йўқ нишон.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Нигоҳида алланечук дард ниҳон.

Далаларда жилваланган сароб-да
Кумуш тонгдан энди мужда эмас, ҳа.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Зоҳиридан на қария, йигит на.

Рангпар офтоб сўйлар кўкда сўнгги роз,
Зеро, унинг тафти-қўри қолмиш оз.
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Билар — йилда икки марта келмас ёз.

Бироқ куздан мўл-кўл неъмат эҳсондир
Ҳамда куз чўнг сарҳисобга имкондир.
У ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,
Кўпни кўрган, теран ўйли деҳқондир.

ЧЎПОН

“Қозоқнинг қозоқлигин, одамлигин,
Яйловин, жўмардлигин, омонлигин
Бедаҳл сақлаб келган бир найзамас,
Таёғим, мўмин касбим — омонлигим”.

О, Чўпон, шундоқ дея оласан сен,
Борлиқдай боқий яшаб қоласан сен.
Карвондек кўз ўнгингдан ўтказасан
Ҳайвоннингу инсоннинг оқ-қорасин.

Ўтмади дов-да қўйсиз, ёв-да қўйсиз.
Битмади битим қўйсиз, савдо қўйсиз.
Ҳамроҳи бўлиб юрдинг юрт ва қутнинг,
Неча тож-тахт алмашди ўйли-ўйсиз.

Хонликни, подшоликни ажал олди,
Қўй қолди, чўпон қолди, таёқ қолди.
Ўзингиз тақдирнинг-да тақдиди йўқ.
Айтмоқчи, сени қандай асраб қолди?

Қуёш сенга қараб соат тўғрилар,
Қирга чиқсанг, сўнгра шуъласин тарар.
Ётар вақтим бўлди, дер ой, сен ётсанг,
Сен ухлагач тун оромга йўғрилар.

Сен – нақ чўлда саксовул куйиб ўстган,
Сен – нақ қоя чинори уфқни тўстган.
Аёз ялаб кўксингни, офтоб ўраб,
Тоғу тошда тешилди сенинг ўқчанг.


Чўққиларга сурурдан сўйлагайман,
Буғдойзорлар мавжини бўйлагайман.
Кўзим яшнар ёш шаҳар, навниҳолдан,
Эзгуликни бир умр куйлагайман.

Сенга боқсам юрагим ғамдан холи,
Сен бўлмасант куларми чўл иқболи.
Биласан – сен ёшардинг, навқиронсан,
Фотиҳа берди даштнинг доно чоли.

Туққан ерга кимнинг қалб кўри сингса,
Қадру зъоз топгайдир эл ичинда.
Чўпондан академик чиқмоқдадир
(Ва лекин бунинг акси бўлмасин, ҳа).

Илму ҳунар камолотга интилажак,
Бир куни, балки робот қўй боқажак.
Лек уларда бўлмас-ку чўпон қалби,
Ер-сув, дала ишқида ким ёнажак?

Ойга-да олиб борар кема у он,
Ошиқар Чўпон сари гуллар хандон.
Таёғинг етмас уфқ йўқ бўлса-да.
Ерда юр, Чўпон, сенга дала гирён.





Сирбай МАВЛЕНОВ

(1922 — 1993)

Сирбай Мавленов 1922 йил 17 сентябрда Түргай вилояти Жонгелдин туманида таваллуд топган. Авал ўзи туғилиб ўсган қишлоқда, сүнгроқ Қизил Ўрда шаҳрида ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Шоирнинг дастлабки шеърлари 1937 — 1938 йилларда эълон қилина бошлаган. Илк тўплами 1948 йилда нашр қилинган. Сирбай Мавленов Қозоғистон Давлат мукофоти совриндори.

Унинг "Яшил ўрмон"(1950), "Мажиттовнинг отлари" (1951), "Ёз эркаси" (1952), "Жондўст" (1953), "Йўл устидаги гулханлар"(1954), "Тортишувнинг бошланиши"(1955), "Чағалай"(1962), "Қоқ туш маҳали"(1963), "Япроқлар ёнади"(1964), "Бўз қиров" (1976), "Сен икковимиз" (1977), "Юрак ғалабаси" (1985) каби ўнлаб китоблари чоп этилган.



ФАФУР ФУЛОМ

Арпапся кўчаси дилга яқин,
Туар унда ўзбекдаги энг зўр оқин.
Олтмиш ёшга сёғидан чалдирмай,
Ёшлигининг саклаган куч-куватин.

Май гуллари айни хандон чогида
Бўлдик бизлар шоирнинг ардоғида.
Паловию кўк чойи-ла сийлади,
Чақ-чақлашдик ҳовлида — тут тагида.

Кексайса ҳам кексаликдан у йироқ,
Ёшлигидек ҳазилкаш ва кўнгли оқ.
Ялтиаркан оқ қировлар бошида,
У Асқартов чўққисига ўхшар нақ.

Илҳомтанар юрт ишқида эрта-кеч,
Ташвиши йўқ шеър ёзишдан бошқа ҳеч.
Шунчакимас, у ҳайқирган чин оқин,
Қалами шеър, достон битар пешма-пеш.

Донг таратди, унга зафар бўлди ёр,
Юрагида нақ арслоннинг шаҳди бор.
Ўтиб борар кўчасидан Тошкентнинг,
Ўзбеклиги билан қилиб ифтихор.

* * *

Ёлқинланиб кун ботар,
Ой таратар нур инжа.
Бирор кўрса сўз қотар,
Сен уйдан чик ўғринча.

Манов майин ел — ўйноқ,
Манов мовий шұх булоқ.
Дала куз оҳангида
Чалар сокин құнғироқ.

Чиқ уйингдан ошиқа,
Кел булоқнинг қошига.
Посбон бўлар қарағай,
Барглари-ла яширас.

* * *

Қизил гулдек қулф уриб,
Яшнаб турган кезинг бул.
Юрганлар кўп интиқ бўп,
Нима дейин, ўзинг бил.
Яшнаб турган кезинг бул.

Шуъласидай жаҳоннинг
Мунаввардир тоза дил.
Қўлин чўзмас сенга ким,
Ўйлаб кўргин, ўзинг бил.
Яшнаб турган кезинг бул.

Оққув бўйин, оқ билак,
Кулгинг ёғду, сўзинг нур.
Бола кўнгил, соф юрак,
Ҳар юракда сезим бир.
Яшнаб турган кезинг бул,
Нима дердим, ўзинг бил.

* * *

Япроқлар ила ёз учиб,
Кезгандада кузак юрт бўйлаб,
Кетгандада кўлдан ғоз учиб,
Энтикдим сени мен ўйлаб.

Кўтариб келди қиши ялов,
Совутан сувдек мен тиндим.
Шохларга қўнди қор-қиров,
Қишида ҳам сени соғиндим.

Эслаб севгимиз армонин,
Тұлди бу ўксук дил ғашга.
Күкламнинг яқин қолганин
Түйдиму чиқдим излашга.

Гул тутиб келди бир кун ёз,
Шу гулда сени күрмадим.
Күлга қайтди яна сулув ғоз,
Фақат сен қайтиб келмадинг.

ҚОЗОҚЛАРНИНГ ВАКИЛИ

Носир ФОЗИЛОВГА

Қозоқларнинг вакили,
Мәхмөнларга үздекдир.
Құш дарёга у күпrik
Қуриб берган ўзбекдир.

Кирган она сути-ла,
Кенгdir доим қучоги.
Муқим яшар Тошкентда,
Туркистаннинг қозоги.

Пешвоз чиқиб чой қуяр,
Айирмайды ўзидан.
Ўзбеклиги билинар,
“Хўш” деган бир сўзидан.

Алишеру Абайни,
Қўйиб юксак ўринга,
Икки тилда сўзлаб у,
Файз киритар гурунгга.

Дўстлигимиз тарихин,
Таърифлар ошиб-тошиб.
Носир билан камина
Зерикмас суҳбатлашиб.

Яна қанча сир-асрор,
Үртада — зеҳнимизда.
Келмоқдамиз шу асно,
Тўймасдан меҳримизга.



Faфу ҚАЙИРБЕКОВ

(1928 — 1994)

Faфу Қайирбеков 1928 йил 15 августда ҳозирги Түргай вилоятининг Түргай шаҳрида дунёга келган. 1952 йилда Абай номидаги Қозоғистон Давлат педагогика институтини битирган. Илк шеъри 1948 йилда Түргай туман газетасида босилган. Биринчи шеърий тўплами "Тенгдош" 1954 йилда нашр қилинган. 1980 йилда "Юлдузли тақдирлар" поэмаси учун Қозоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Унинг "Балиқчи Иван" (1955), "Дала қўнғироги" (1956), "Тоғлар гапиради" (1960), "Қуёш ўғли" (1964), "Қанотли йиллар" (1973) каби шеърий тўпламлари чоп этилган.



САМАРҚАНД

Самарқанд афсонавий олтин қаср,
Бор унинг ҳар бурчидаги мўъжиза, сир.
Ўзбекнинг пок хаёлин гултожи у,
Ўзбекнинг жони билан жони-да бир.

Бетакрордир саройлар шинамлиги,
Йўқ унинг эртаклардан ҳеч камлиги.
Ундалир заррин гумбаз, миноралар.
Ундалир жаҳон хусни, кўркамлиги.

Ким бор — унинг тошларин силамаган,
Ким бор — уни кўрмоқни тиламаган.
Ундалир улуғ меъмор соҳир қўли —
Асрлар шамолини эламаган.

Буюклик ўлмас мозий гирдобида,
Каромат бор боболар хитобида.
Темурнинг улуғлигин таърифи кўп,
Ҳаммаси Али Яздий китобида.

Гўри Мир, Бибихоним, Регистон бу,
Ҳар бири олтиналаниб сочар ёғду.
Қасрлар тураверди унниқмай ҳеч,
Гирдида кечаверди турфа қайғу.

Йўқликтан шиддат эсар замонга заб,
Мангалик мухрин олиб бўлмас зўрлаб.
Асрлар довонидан оша мағрур
Туроннинг салобати келар ўрлаб.

УЛУҒБЕК

Тахтлар доим бебақо — у билганди,
Илм бўлди доим унинг дилбанди.
Жанглар гардин киприги-ла тозалаб,
У юлдузлар оламига юзланди.

Коинотга боқиб асло тўймали,
Қават-қават хилқатларни бўйлади.
Фалак сирин англамоқча бир умр
Фидо бўлди унинг теран ўйлари.

Ғаним чиқди не-не пешво аъёнлар,
Ҳаётида кўрди қуюн-тўфонлар.
Хурофотнинг бузиб зулмат қалъасин,
Тиклади у илм бобида қўрғонлар.

Пайт пойлади мудом жирканч қабоҳат,
Салтанатта илдиз ёйди жаҳолат.
“Худо билан сўйлашмоқчи бўлдинг” деб,
Олтин бошга ёғдирдилар маломат.

Сўқир қилич шундоқ бошни кесибди,
Тилсимларга очганди у эшикни.
У илмга кечикмади, йўқ, асло,
Лекин унинг замонаси кечикди.

Ҳур тафаккур каж замонга ёқмади,
Бадбинларга қайрилиб у боқмади.
Шундан номи ярқираган юлдуздек
Буюк Турон осмонида чақнади.

Не-не аср қўймас асло порловин,
Тинглар гўё сирли кўкнинг чорловин.
У эди илк қўлин чўзган фалакка,
У эди илк “тутган само жиловин”.

Буюк Турон кўкига кўз солганда,
Сен ҳам уни бир зум ёдга олгин-да.
Нақ тепангдан боқиб турап Улуғбек,
Ажиб ҳислар мавжлантириб қалбингда.





Муқағали МАҚАТОЕВ

(1931 — 1976)

Олмаота вилояти Норинкүл туманидаги "Корасоз" манзилида таваллуд топган.

М.Мақатоев қисқа ижодий фаолияти даврида қозоқ шеъриятида инқилоб қылган новатор шоир саналади.

У бадиий таржима соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Жумладан, Дантенинг "Илохий комедия"сини, В. Шекспирнинг сонетларини, Уолт Уитменнинг шеърларини қозоқ тилига таржима қилган.

Унинг "Хорманг, дўстларим"(1966), "Қалдирғочим, келдингми?" (1968), "Мавр"(1969), "Водариғ, юрак"(1972), "Оқ қушлар ухлаганда" (1974), "Шуълам менинг"(1975), "Умр достони"(1976), "Умр ўзани" (1978), "Басира"(1981), "Юрак зарблари" (1982), "Чўлпон" (1984) каби шеърий тўпламлари чоп этилган.



ДАСТУРХОН УСТИДА

(Ўзбек йигитига)

Тегрангда турфа неъмат ҳамда қимиз.
Ўйда — шеър, кўнгилда — куй, жонда — тамиз.
Жаннатнинг дуркун файзи шу заминда,
О, дўстим, кўп гўзал-а Олмаотамиз?

Айниқса ажиб бунда манзаралар,
Олатов бағридан бир сас таралар.
Оҳудай бир-бирининг изин қувиб,
Отилар қоялардан шаршаралар.

Юракла шаҳримга бор чин садоқат,
Ҳаво ҳам ҳаво эмас — истироҳат.
Томошага келгин бир,
Ўзбек дўстим,
Сояларда ўйнаб-кул, айла роҳат.

Қимиз ич, қазидан ол, тортинмагин,
Тоқقا чиқ, дарёга туш, салқинлагин.
Ўзингнинг халқинг каби бағри очиқ,
Унутма, қозоқ деган халқнинг борин.

Эсингга солиб қўяй мен яна бир,
Албатта, Олмаотанинг боғига кир.
Кийикдай шўх ва маъсум қизларимиз
Жонига жонинг билан ўт ёқа бил.

Тегрангда турфа неъмат ҳамда қимиз,
Ўйда—шеър, кўнгилда—куй, жонда—тамиз.
Тошкентдек чўнг шаҳардан ташриф этган,
О, дўстим, кўп гўзал-а Олмаотамиз?!

ХАЙР, ОҚҚУВЛАР!

Кўлни ташлаб кетиб борар оқкув-ғозлар,
Хайр энди, яхши боринг, сулув нозлар!
Юрагимда маҳзун-мунгли достон қолди,
Оққордайин қаноти-ла оқкув ёзган.

Оққувлар сизга боқиб дилда доғлар,
Термулар ортингиздан ҳазин төглар.
Адашиб сиз-ла бирга кетди балким,
Бокира туйғуларим, маъсум чоғлар!

Ҳавони қанотингиз тебраттган он,
Туйғулар оғушыда титрайдир жон.
Уфқа сингаркансиз, күнглим оқиб —
Күзимни тикиб қолдим мен нигорон.

Оқ күлни ойдин мавжлар чулғаб олди,
Сизлардан далам кўзи қиймай, толди.
Нега мен яралмадим оққув бўлиб,
Одам бўп ўз-ўзимга сигмай қолдим.

Оққувлар, армонларим дилда бисёр,
Учмоққа менинг на бир қанотим бор!
Қирларим унсиз ўкраб қолди менинг,
Қўлларим етимдайин қолди зор-зор!

ЭЙ, ЎЛАН!

Эй ўлан, менга теккан энчим эдинг,
Юксалайин, қонимга кел-чи менинг.
Менинг сенда азалдан кўнглим бордир,
Сен ҳам мени хуш кўриб, кўнглим, дединг.

Қошимга кел, қалбимни уққин — тушун,
Тез кела қол, бобом Абай руҳи учун.
Беҳиштдаги уянгни қўйиб тургин,
Сен умримга кераксан, ардоқ қушим.

Эй ўлан, жон берайин сенга қандоқ,
Жонсиз ўлан жонимни сўрар ҳар чоқ.
Бир ўйим — юрагимда қазо топиб,
Бир ўйим — бўғизимда турибди нақ.
Эй ўлан, жон берайин сенга қандоқ?

УМР ЎЗИ НЕ ДЕСАМ

Умр ўзи не десам,
Умр учқур тулпор, ҳа.
Чўчиб кетдинг нега сен?
Кўйгил, жоним, чўчима.

Ўз-ўзингни аямай,
Умр деган — чин ёнмоқ.
Бир нарсага хумордай,
Бир нарсадан жирканмоқ.

Биревларни алдаш — у,
Биревларни алдамоқ.
Кимдадир кўрсанг қайғу,
Кўлдан келса кўлламоқ.


Дил тўла ҳасрат ва ғам,
О, дўстим, берсин тўзим!
Умр ўзи не десам,
Ўзим экан, ҳа, ўзим...

КУЙЛА, ЖОНИМ

Қарши олмаган
Қарши олмасин ҳеч қачон.
Сен куйлаб бер,
Куйинг ила бахш айлагин жон!
Янгрогинг етсин яшил тоғларга,
Акс садо берсин унга қирлар қадрдон.

Куйла, жоним, бобонг қўшиғин куйла.
“Кўкжendet” таралсин уфқлар бўйлаб.
Ажиб эртакларнинг дунёси сари
Етакласин мени туйғулар, ўйлар.

Куйла, жоним,
Дардларни кўкракдаги!
Тинсин бир зум ҳаёт
Ер-кўкдаги!
Қир тингласин,
Акс садо таратсин тоғлар,
Мангулик қўйнида — йўргакдаги.





Турсунхон АБДУРАҲМОНОВА

(1921 — 2003)

Семей вилоятининг Жарма туманига қарашли "Бўка" овулида туғилган. Мехнат фаолияти 1941 йилдан бошланган. Уруш йилларида ўрта мактабда ўқитувчи, мактаб директори бўлиб ишлади.

1950-1954 йилларда "Қозоғистон аёллари" журналида бўлим мудири, 1954-1959 йилларда Қозоғистон Давлат университетида, 1959-1963 йилларда аспирантурада ўқиган. Кейинчалик Қозоғистон Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси Давлат қўмитасида катта муҳаррир, 1967-1969 йилларда Қозоғистон ФАда илмий котиб вазифаларида ишлаган.



ХАЛҚИМ ДЕСАМ

Халқим десам, ўзни ҳар ён ташлайсан.
Ногоҳ шубҳа-гумон қила бошлайсан.
Қайтиб олиб кеча айтган сўзингни,
Тиколмайсан кўзларимга кўзингни.

Боболардан мерос бу ер, фикр қил,
Ҳаммамизга у Ватандир, шуни бил.
Айт, бу элни тағин ҳасрат қучмасин,
Юрт бошига қора замон тушмасин.

Аъло билдик биз ҳамиша имонни,
Босиб келдик юракдаги туғённи.
Келгиндига бериб қўйиб диёрни,
Иллат дедик биз ғуурни ва орни.

Улар қачон ёвга қарши турганди?
Чоригини зўрға судраб юрганди!
Сен деб қачон тушди қора терларга?
Юксак шаъним урди улар ерларга!

Жоним Ватан!
Сени дея зорладим,
Қай юракка етиб борди зорларим?
Эшитганлар эшитмасдек турдилар,
Ҳадикларда мендан юзин бурдилар.

Ўз юртимда ўз болам нақ бегона,
Ҳар ишга у жаҳд қилолмас мардана.
Агар занжир юрт бўйнига тортиқдир,
Менинг бундан ўлганим минг ортиқдир!

* * *

Эссиз кўнгил — емаса гар ўз ғамин,
Этолмаса ўз бахтин ўзи таъмин.
Хар ким кўкни кўзлар турна мисоли,
Тўлиб кетди ундаイラрга бу замин.

Кунлар шу тарз тўхтамай ўтаётир,
Чин умрнинг йўлин ким тутар, ахир?!
“Адашганнинг олди йўл, орти сўқмоқ”,
Умр эссиз — бўлса қалб яйдоқ, тақир.

* * *

Қанча молни йиққан билан эвин билиб,
Бой-бадавлат бўлиб қолмас асло йигит;
Эл кўнгли — оқ сандиқ, топиб қалишини,
Юксалмаса — кўкка ҳунар туғин тикиб.

Ўз соҳасин машқин олган кўпдир, бироқ
Ундаイラрдан чин санъатнинг сехри йироқ.
Жон куйдириб, ўзин фидо айламаган
Санъати-ла ҳеч бир жонга солмас титроқ.

* * *

Сўз сўзласанг, ўзагига боқиб айт,
Маъносини уқиб, мағзин чақиб айт.
Бойларгина сўз айттар деб ўйлама,
Сен сўзинг-ла ўзга дилни ёқиб айт.

Тахтли дер эл доно қалбни — сўз билган,
У ҳамиша эзгуликка интилган.
Тахтлимикин кўпни тўнаб бойиган —
Курумсоқлик, хасисликни касб қилган.

* * *

Сўзчанликни фазилатга биз йўйдик,
Сийقا сўзнинг суруридан кўп тўйдик.
Одамийлик фазилати — энг асл,
Қани ўша ишчанлик ва ҳақгўйлик.

Савдо-сотиқ, дур сехрига бойланиб.
Қалбимиизга нафс борар жойланиб.
Шу кетишида қолмасак бас — бир куни,
Нопокликнинг қўрғонига айланиб.



Музаффар АЛИМБОЕВ

(1923)

Павлодар вилоятининг Шарбақти туманидаги Маралди овулида туғилган. Қозоғистон Давлат университетини битирган.

Истеъдодли шоир ўз мавзуси, чукур тафаккури, ўзига хос оҳанглари билан қозоқ шеъриятини бойитди. "Қозоғистон халқ шоири" фахрий унвонининг соҳиби.

У халқчил шеърияти, дидактика ва ҳажвга мойил ижодиёти билан XX аср қозоқ адабиётига муносиб ҳисса қўшган шоирлардан бири саналади.



ОҚИН

Түғилмас улашгали оқин қайғы,
Бергай у юракларга фақат ёғду.
Үланин дастрўмол ҳам қиласи эл,
Одамлар кўз ёшини қуритгай у.

Олмайди ўз ҳасратин у тилига,
Солмайди гина-кудрат ҳеч дилига.
Юрагин кўприк қилиб тўшар оқин:
“Етсин, — деб, — юртим толе соҳилига”.

Суур-ла самоларга чиқмоқ бўлар,
Икки бор туғилар у, бир бор ўлар.
Олдинда ташна қалби ҳар авлоднинг
Оқиннинг шукуҳи-ла лим-лим тўлар.

* * *

Хозирги бу чоғимда
Кетмон соқол эркакман.
Янгаларнинг олдида
Бояги бир “Тентакман”.

Ўттиздан ўтганимда
Ўзимча бир дономан.
Оталарнинг олдида
“Куюлмаган бола”ман.

Шундоқ туриб... қара-чи...
Мен бирорнинг боласи,
Мен бирорнинг оғаси,
Мен бирорнинг тоғаси.


Мен бир кичик болача,
Эркаликтан қоларман.
Кичиクリкка ярасам,
Кишиликка ярман.

* * *

Күра олганин тун ичра
Күэсизлар қандоқ қиёлгай?!
Айланиб ёшим ёмғирга,
Чүмаман теран хаёлга.

Иссиқ қалб билан қучтайман,
Қайтмагай энди ёшлик дам.
Унудим, суймай сени ман,
Сен ҳам кеч энди гинангдан.

Чўзаман тагин қўлимни,
Ёлдадир ёнган ҳислар илк.
Сарғайиб тўсдим йўлингни,
Кўрсатма қайта етимлик.





Үлжас СУЛАЙМОНОВ

(1936)

Олмаота шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, Қозогистон Давлат университети геология факультетида, сўнг Москвадаги Олий Адабиёт институтида таҳсил олди. 1983—1991 йилларда Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси бошқармасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. У Қозогистон Давлат мукофоти (1972) совриндори. Кўплаб орден ва низомнолар билан тақдирланган.

Унинг "Аргумоклар"(1961), "Замин, инсонга таъзим қил!"(1961), "Нурли тунлар"(1962), "Илик тун"(1963), "Шафоатли чоғ"(1964), "Маймун йили"(1967), "Аз и Я" (1975), "Минг бир сўз"(1984) каби китоблари ўкувчилар орасида кенг шухрат қозонган.

У рус тилида ижод қиласи. Үлжас Сулаймонов XX аср қозоқ шеъриягини жаҳонга танига олган ёрқин ижодкордир.



АРГУМОҚ

Тулпори билан машхур,
Эй, поёни йўқ диёр!
Қара, кезар ҳов уюр,
Яшнар чўлда майсазор.
Бергин
Қоратўриғин,
Шамолларга келур бас.
Устида эгиг бўйин,
Парвоз этай бир нафас.
Сезсин ел алангасин
Аргумоқ ҳам ўзида;
Қизғалдоқлар порласин
Унинг қора кўзида.
Майли, кураш нелигин
Билиб қўйисин аргумоқ.
Олға йўл бору доим,
Ортга йўл йўқдир бироқ...

ҚУВИБ ЕТ

Кувиб ет қани, йигит,
Аяма отни, йигит,
Севсангу бўлсанг ўқтам,
От етажак ўлса ҳам.
Севаман сени, йигит,
Етгину тез,
Үп маҳкам.
Бўсага интиқ юзим
Қизиб кетди уятдан.
Еллар мени қувмоқда,
Кўкрагимга тўшалиб
Қучмоқда, эҳ, қучмоқда...
Сен эса ортда, йигит!
Кўкда ой ҳам кулар жим,

Мен ёлғиз, .
Хамон ёлғиз.
Тизгин тутган құлларим
Қаҳрдан бўлди қонсиз.
Одамлар,
Эҳ, ношуд одамлар,
Ер бўлди-ку чавандоз донғи.
Тутқазибсиз жасур йигитга,
Тутқазибсиз ёвқур йигитга
Ва келишган, мағрур йигитга
Учқур тулпор эмас
Кирчани!..

* * *

Ёзда бир қиз келди
Жануб шаҳарга,
Бир жуфт кокилида
Бир жуфт оқ бантик.
Кўҳликкина қиз,
Исми унинг — Белла,
Ерлик болаларнинг кўнглида ғулу.
Ювиниб-тарангтан, оёқда шиппак,
Дераза тагида ўралишарди,

гап отишарди.

Фаррошлар, негадир,
Жеркиб беришди:
Бундай шўхликларга йўл қўйилмайди.
Лек қизча, барибир
Биттаси билан дўстлашиб олди —
Дераза тагига келар ҳар тонгда
Кичкина бир бола
Ва бўйин чўзиб,
Кизчани чақирар чўчиб, аланглаб:
— Бел-ла...
Кизча олмахондай тушар зинадан,
Сўнгра қўл ушлашиб
Сойга чопишар.
Онаси ҳам дилдан ўзича хурсанд:
Зўр қуёш, соф ҳаво, сув
Ва қизчаси.
Бир куни келди-ю телеграмма,
Тунги самолётда учиб кетишиди.
Ёз-ку тугамовди.
Тонг пайти эса

Бола овоз берар одатдагидек:
— Бел-ла...
Балконга чиқаман
Ва кузатаман.
Бола чақиради секин, хотиржам:
— Бел-ла...
Ясаниб кийинган —
Тунги шиппакда,
Озода калта шим тиззасигача:
— Бел-ла...
Уришиб бердим мен:
— Учиб кетди у.
Гўдак шахт қаради
Йигитларга хос
Тўнғиллади (балки “Сенга дахли йўқ”),
Сўнгра давом этди ўз қўшигини.
Ҳар куни эрталаб,
Сиз ишонмайсиз,
Бевадек бўзлар у ойна остида.

БОЛАЛИК, БОГЛАР, САРАТОН...

Йўқ, мен тўлмагандим ўн иккига ҳам.
Болалик. Ёз. Олис фронт орқаси.
Уйча. Арава йўлларида сузиб юрар чанг,
Саратон,
Боғлар, сийнасида ғубор қўрпаси.

Ва шўхчан бир аёл бизнинг ҳовлида.
Ижарачи аёл,
Уни шундай атарди бобом,
Ёноқларим ловулларди эрталабданок,
Йўқ, ўн учда эдим ўша чоқ.

Жилмаяр эдим мен у кулган онда,
Лақмалик қилардим сўз тополмасам.
Гоҳ, у ювенишга сойга тушганда,
Ҳайдардим болаларни пана-панадан.
Булар бари — ўтмиш,
Ҳозир эса келар ёдимга:
Тун,
мўъжаз деразали пахса иморат.
Мен ўша торгина дарча остида

Оқланган деворга суюнганимча,
Туар эдим дилгир, бетоқат.
Урушдан қайтганди у –
Буни англардим,
Үша йигит билан қучоқлашарди...
У ношуд, ярамас күчди-күтарди
Ва у ҳам йигитни
Тинмай ўпарди...

Билмасдим,
Күлларим титрар нимага,
Дераза ортида қоронғи, жимлик
Ва енгил шивир-шивир...
Э-э, қандоқ чидайсан бундай таънага –
Тош билан ойнани синдиридим чил-чил.

Югуриб чиқди кимдир:
– Сенми?
Унинг кўзларига боқардим карахт,
Худди тушдагидек, келмай хушимга,
Шунда мен, бир гўдак,
Дедим илк бора:
– Бўлди, бас, нари бор, эҳ онанг шунга...

У эса йигитни итарди нари:
– Тегма!
Сўнг мени юпатиб, деди, жимгина,
Юмшоқ кўкрагига босганча маҳкам:
– Оҳ, менинг кўнгли бўш ақлсизгинам.

Отилиб чиқдим мен унинг бағридан,
Томга кўтарилиб,
Ёйиб қўйилган
Эски гилам узра тушдим узала.
О, катта бўлсайдим шу бир кечада!
О, агар ҳозироқ етсайди кучим,
Бу қаттиқ хўрликнинг қасоси учун!
...Болалик унутилди,
Йиллар учар, ха.
Бироқ менга қийин бўлар сен билан,
Қўшнининг боласи
Суқланиб бизга
Кечирилмас соғинч-ла термулса баъзан.

Тикилиб турар у, оппоқ деворга
Суянганича,
Коракүз, тунд, бир изтироб ёқар қонини.
Үзининг илк меҳрин бағишилар сенга,
Болалиги,
Боғлар,
Саратонини.

ТУНГИ ТАҚҚОСЛАР

Сен болсан гүё,
эсладимми — лабим тамшанар,
Сен — бир кулгу,
шиддатидан кўз ҳам ёшланар,
Мен ғарибман, ким ҳам хафа қиласарди!
Дўзах кўрдим, энди жаннат истар дил.
Эҳ, бошқалар нечун сени севадир,
Севма сен, одаммас улар, ахир...
Уларда дард ва изтироб не қиласар,
Улар фақат кишинаб юрган йилқилар!
Айт, қачон тилларим сўйласин бийрон!
Қай лаҳзада кўзларим сочсин аланга?
Ношудликни кўриб беисён,
Итоатда чидашни ҳам ўргатгин менга
Ва тунлар қурбақадек бўзламасликнинг
айт чорасини!..

Мен сени севаман,
Бева — оҳ уришни,
Балиқ — тез сузишни
Севса қанчалик;
Мен сени севаман
Оқиз — шуҳрат-шонни,
Қуёш — кенг осмонни
Севгани каби.
Сен зиқнасан, сенга яшаш осон,
Менга ризқин тутди ҳатто гадо ҳам
Мурғак чақалоқни эмизган каби.
О, мен Хайём бўлсайдим агар,
О, мен Ҳофиз бўлсайдим агар,
О, Маҳамбет бўлсайдим агар,

Муродимга етардим балки!..
Асл шеърлар эса ёзиб битилган.
Шундоқ севишарлар тоғу даштда ҳам –
Юракларга солиб орзу ва алам.
Үзгача севиб ҳам бўлурми ёки?..
Мен сени севаман,
шундай севаманки...

ХАЙРЛАШУВ

Зал жим, сукунатда.
Айтдим барин, неки бўлса юракда.
Сукутда мўйсафид, қиринган, пахмоқ сочлилар.
Қани, қўзғал, эй зал, юмшоқ ўриндиқлардан,
Бўронга пешвоз чиқ.
Оқ йўл бўлсин сенга!
Оғу эмас, хушбўй тамаки
Сизнинг узун трубкаларингизга,
капитанлар.
Истиқболингизга гўзал коинот,
Ҳозирча
Яхши тушлар, яхши таомлар,
Яхши хонадону
кўркам жиҳозлар.
Маҳалла-қўшнида – ишончи дўстлар.
Мана бир ёш жувон.
Насиб этсин сизга яхши фарзандлар,
Муносиб эрни эса
топурсиз, албат!
Ҳов ўлтирган – шофёр,
Хаёлида резина ғами;
Чўпон ҳам оғир ўйда –
Қўзилатиш мавсуми яқин.
Ўйлайман:
Сизга фақат яхши юмушлар!
Сизга яхши Америка,
Яхши Россия!
Эй, пойтахт ва олис овул болалари!
Сизларга яхши шоир,
Оқил арбоблар!
Севинг,
тушунинг дилдан

Бир-бириңизни,
Бұлғуси ҳукumatлар йүлбошчилари!
Шу ҳақда — орзу қилинг,
Үйланг — шу ҳақда,
Яшанды
лоақал бир оз әхтиёткор!
Яшанды шоирлар васияти-ла:
Улар сизга тилар
Фақат әзгулик!

САХРО ТУНИ

Шабнам йўқ,
Воажаб, қўлимга тегмас сира нам,
Туннинг бағридаги совуқ қумда ҳам,
Юзда ҳам, ўтовнинг сирти — наматда
Йўқ зарра шабнам.
Тўғралган тошларнинг
Қотган мавжлари
Жилоланар ойнинг нурида бирам;
Изғийди қашқирлар ҳар ён сарсари,
Йўқ зарра шабнам.
Туннинг оғушида
Оппоқ шуълага
Беланди сахронинг қўкси — сийм тан,
Лекин гезарар дил
Чиқмайди саси —
Бир томчи шабнамга ташна, зорлиқдан.
Ой совур ниҳоят,
Куёш нуридан
Бир чети ярқираб кетар оламнинг...
Нега?
Кўнган эди юзига шабнам
Сахрова тунаган танҳо одамнинг.

ЖАВЗО

Оҳ, бирам сулув аёл!
Ўзини қўйиб эркин,
Ухлар олма тагида,
Ариқ жилдирад секин.

Теварак бедазорда эриниб күйлар ари,
Үйнар аёл күксіда офтобнинг шуълалари.
Үтиб борар эдим мен шошмай –
арық ёқалаб,
Бунча сулув бўлмаса! Кўяман зимдан қараб.
Қари отим қимтиниб,
Кўзларин четга олар.
Офтобнинг шуълалари
Кафтга ўхшаб сирғалар.





Туманбай МҮЛДАҒАЛИЕВ

(1935)

Олмаота вилояти, "Мәхнаткаш қозоқ" туманида дунёга келганды. 1958 йили Қозғалыстон Давлат университетининг филология факультетини битирған.

Шоирнинг илк шеъри ("Украин қизига") 1954 йили босилған. 1957 йили "Талабанинг дафтари" номли илк түплеми нашр этилди. Шундан кейин унинг "Комила" (1960), "Кўклам тонги" (1951), "Олатов қизи" (1963), "Феруза ҳақида кўшиқ" (1964), "Кунлар чорлайди" (1965), "Юрагим менинг йўлларда" (1966) ва бошқа кўплаб китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди.

У моҳир таржимон ҳамдир. Қозоқ ўқувчилари унинг таржимасида Ж. Байрон, М. Лермонтов, Т. Шевченко, О. Туманян, С. Капутикян, Р. Ҳамзатов ва қатор ўзбек шоирларининг шеърларидан баҳраманд бўлганлар.



ЎЗБЕГИМ – ЎЗ ОФАМ...

Қозоғу ўзбек қадим қондош тайин,
Бу түйғу дилга сурур берар майин.
Тошкентда юрганим кез дўстлар билан
Бўламан Олмаотада юргандайин.

Тошкентнинг гулбоғлари ўз боғимдай,
Кўчалари кўнглимнинг чарогиндай.
Дунёда оҳу кўз кўп, бўта кўз кўп,
Кўз борми ўзбек қизин қарогиндай!

Жон Тошкент қалбимни гар банди этса,
Нечун мен ёшармайин, бўлай кекса?
Йигитда армон қолмас бир сулувнинг
Ўтида парвонадек куйиб кетса.

Ёш бу йил қоралади элликларни,
Бу дегани — нари борса, умр ярми.
Дали ишқ түғёнимни туймадингми,
Киройи ром этардим бир дилбарни...

Биламан, о ўзбегим, кўпдан сени,
Хуш кўрмайсан қозоқнинг сергапини.
Тошкентда қолиб бир оз,
 бозор кезсам,
Фарқлай олар эди сендан ким ҳам мени?

Дилимда ҳавас сўнмай, ғайрат ўлмай,
Нечук кўрк-зийнатингга мафтун бўлмай?
Бир кирсам бозорингга,
 то кечтагача
Гиргиттон чарх ураман чиққим келмай.

Мен гоҳ шеър суурига лим түламан,
Илҳомсиз кунларимда жим — сүламан.
Боримни бозоринга бериб кетган
Жайдари,
содда қозоқ мен бўламан.

Ҳа, қозоқ йўқ Ҳамзани ўқимаган,
У машъалдир — бир давр ярқираган.
Ойбек-ку, Авезов-ла туар қатор,
Собит-ла елкадошdir Faфур оғам.

Ҳар шоир сўз очади ўз юртидан,
Яхши шеър дўст кўнглини этади шан.
Абдулла ўз инимдир,
мен, ҳар қалай,
Ярайман айтишувга Эркин билан.

Ўз кўнглим уфқида мен бир чақинман,
Бахт-омад қайда бўлса, мен яқинман.
Тошкентда устоз Faфур Fулом билан
Бир бора чўқиштирган ёш оқинман.

Қалбимни далам каби кенг қиламан,
Улуғларни тоғимга тенг биламан.
Мусо оғам¹ қўлига
Олмаотада
Сув қуйган ўспирин ҳам мен бўламан.

Навоий, Абай назм ой-қуёши,
Талпинамиз уларга қайнаб-тошиб.
Бир ажиб дам кечганди Олмаотада
Миртемир оғамиз-ла қаймоклашиб.

Ўзбегим, ўз оғамсан, чин бу сўзим.
Эргашиб кам бўлмадим, топдим тўзим.
Үйғуннинг бир том шеърин қозоқчага
Ағдарган азамат ҳам менинг ўзим.

Мехрим бу — ҳеч миннат қилмаганман.
Топилмас Шарқда уни билмаганлар, —
Зулфия опамиз ҳам тўлиб-тўлиб,
Қозоқча сўйлаганди бир маҳаллар.

¹ Ойбек пазарда тутиляпти.

Ўзбегим, яша доим дориломон,
Кўрмасам, бот-бот қўмсаб-соғинаман.
Ёшми у ё кексами — толиштирап
Тошкентда омон бўлса Носир оғам.

Ўртада тўйларимиз, ўйларимиз,
Қаторда муносибдир бўйларимиз.
Ўзбекнинг паловига тот берай деб,
Ўрлайди Тошкент томон қўйларимиз.

Йигитнинг кўзи қизда, кўнгли қизда,
Гап ташлардик биз ҳатто қирқимизда.
Мисоли қалин молдек чегарадан
Ўтади ўзбек ёқقا йилқимиз-да.

Ўртада баҳам орзу, қувонч, азоб,
Сен борсан, ҳеч ким мени этмас мазоқ.
Ўзбекнинг осмонида тонг балқиса,
Ҳаммадан бурун уни кўрар қозоқ.

Гинам йўқ,
сен оғамсан — туғишгансан,
Тилагим — эзгуликка юрак қонсин.
Ҳазиллар файз берсин умримизга,
Саодат юлдузимиз мангу ёнсин!





Қодир МИРЗАЛИЕВ

(1935)

Ўрол вилоятининг Жимпити шаҳарчасида туғилган. Қозоғистон Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Унинг илк асарлари 1954 йилда зълон қилингандан.

1966 йили унга "Хаёл армони" тўплами учун Қозоғистон Ёшлар мукофоти берилди. 1980 йили "Жеруйик" шеърлар китоби учун Давлат мукофоти совриндори бўлди. "Қозоғистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлган.

Унинг "Кўклам"(1959), "Жангалақлар"(1960), "Кичкина афандилар"(1963), "Дала дийдори"(1966), "Кумуш қўнғироқ"(1970), "Жеруйик"(1976), "Сўз сехри"(1982), "Эх, кунлар..." (1984) сингари бир қатор шеърий мажмуалари чоп этилган, шунингдек, ўнга яқин китоблари рус тилида зълон қилингандан.



БУХОРО БОЗОРИ

Хаёлларим сузиб юксак-юксакда,
Достон сеҳри мавжланади юракда.
Ихтиёриң — сайр эт қадим қалъани,
Бозорининг гашти лекин бўлакча.

Санчмиш кўкка кўхна кент минорасин,
Кезар сувлар чаману гул орасин.
Бухоронинг бозорига кирганингда.
Бу асрни ёдингдан чиқарасан.

Тумонатни кўриб ҳеч бўлма ҳайрон,
Савдогари бир ёнда, мижоз бир ён.
Дунё асли шунаقا — разм солсанг,
Бирор молин мақтару бирор гирён.

Халқ бозорни севди не-не аср,
Борми бунда бир ҳикмат, борми ё сир?
Қаҳ-қаҳ урган тўдадан сенга боқиб,
Гўё пешвоз чиқади Хўжа Носир¹.

Дуч келиб ҳар кун мозий асрорига,
Кўз солиб Сомонийлар мозорига.
Эрта бўлсин, кеч бўлсин — бухоролик
Бир бош суқмай ўтмайди бозорига.

Япроқларга сачрап ёз шуълалари,
Шаҳар гавжум бўлар тонг отган сари.
Кўланкада ўтириб — бу шаҳарнинг
“Бозор-бозор” ўйнайди болалари.

Жой йўқдир бунда мени алқамаган,
Қайтмоқдаман — нарсам кўп орқалаган.
Мозийнинг кўп қизиги тарқаб кетган,
Бухоро бозори ҳеч тарқамаган.

¹ Насриддин Афанди.

ҲУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ ВАЗИРЛАРИГА ДЕГАНИ

Юзлашгандай ҳақиқатнинг ўзи-ла
Кўнглим англар эдим унинг кўзи-ла.
Фурбатларга тўла юрак
Ҳар маҳал
Поклар эдим улуғ шоир сўзи-ла.

Гоҳ руҳимда келса виждон жунбушга,
Курбим етмас эди событ туришга.
Ёлғонларни сўйлай-сўйлай,
Ахийри
Қулоғимни тўлдирдилар миш-мишга.

Ўкинчдаман, сизлар боис янгишдим,
Кўрсатдингиз уни менга сиз, ғаним.
Астробод тунларида
Мунғайиб,
Ўлтиргандир қайғу-алам чекиб жим.

Аён эди менга ёвлар дастури,
Юрагимда қай кудурат сурури?!
Кўланкамни туширибман
Мен унга,
Тушарди-ку менга унинг дил нури!

Номус заҳри қўйди мени қизартиб,
Бормоқладир юраккинам зил тортиб.
Шакар, новвот —
Лутфингизда сизларнинг,
Навоий нордон сўзи менга ортиқ!

Бу не ёвуз, тахтга минган чоғингда
Куяр шоҳлар надоматлар доғинда.
Нодонларни менсимаймиз
Нодон деб,
Хуш кўрмаймиз доноларни тағин-да!

Курашса гар диёнатни ким суюб,
Гувранамиз дилда унга кин туюб.
Кечирмаймиз,
Кечирмаймиз биз нечун
Бўлса агар ўзимиздан сал буюк?!

Бирортамиз Навоийнинг тенгимас!
Сизлар тугул ўзим унга тенг эмас!
О, Яратган,
Шундайинмиз нега биз?
О, Яратган, шундайинмиз нега биз?

Адолатга пеш эдим бир замонлар,
Бугун эса дилда аччиқ армонлар.
Қани энди
Улуғ қалбга садоқат,
Қани энди қилинган аҳд-паймонлар?

Бўлсам мен гар шу тахтнинг чин эгаси,
Қолмагайсиз сизлар асло жазосиз.
Мен сизларни
Маҳв этмасман. эҳтимол,
Лекин ийқар сизни имон қасоси!

Салтанатни мудом риё емиргай,
Улуғликнинг нури керак Амирга.
Бу умрда
Навоийга қийиндир,
Қийин кўпроқ Навоийсиз умрга!

ТАНТИ ЮРАК

*Шоаҳмад ота
Шомуҳамедовга бағишилайман*

Юртлар ғамнок. Жанглар борар беомон.
Оташ ичра қолурми гул бехазон?!

Ўн тўрт гўдак — ўн тўрт сагир изиллар,
Ўн тўрт гўдак — ўн тўрт юрак нотавон.

Қалб бофини босган эди қиров-қор.
Қайларгадир чекинганди гулбаҳор.
Ўн тўрт гўдак — ўн тўрт нола бетаскин.
Ўн тўрт гўдак — ўн тўрт мурғак нонга зор.

Теваракда қаҳатчилик қутқуси,
Уфқларда кулфат иси, ғам иси.
Ўн тўрт гўдак — ўн тўрт шўрлик етимни
Ўз бағрига олар ўзбек ҳовлиси.

Қирғин тугаб юрт гирдиdan кетди зоғ,
Кетармикин лекин қалбдан алам-доғ?!
Үн түрт гүдак — үн түрт ниҳол бўй чўзиб,
Кутли уйни этди гулшан, этди боғ.

Даврон кулди, йиллар кечиб пайдар-пай.
Танти қалбни толе кутар экан шай.
Үн түрт гүдак, ҳа, Шоаҳмад отадан —
Мерос қолди худди үн түрт машъалдай.

ҚУСАМ ИБН АББОС ҲАҚИДА РИВОЯТ


Минг ўтиниб Жабборга, минг ўтиниб Оллога,
Кўлга олиб бошини, айланибди рўёга.

У ўлмабди — шунчаки форга кириб кетибди...
Ушбу ажиг афсона бизгачайин етибди.

Бир куни у муқаррар яна элга қайтармиш,
Юрагида неки бор, дадил боқиб айтармиш...

Ибн Аббос ҳақида яшар шундоқ ривоят,
Маънисини англасанг, тўлқинлангай дил ғоят.

Халқда эзгу умид бу — бўлмас дема ҳеч содир,
Керак бўлса авлиёни яратмоққа у қодир.





Жумакен НАЖИМЕДДИНОВ

(1935 — 1983)

Гурьев вилоятининг Денгиз туманидаги Қўшалоқ қишлоғида дунёга келган. Олмаетада Курмонғози номидаги консерваторияда миллий чолғу асбоблари факультетини тамомланган. 1959—1965 йилларда "Жазушы" нашриётида, 1965—1971 йилларда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида, 1971—1983 йилларда "Мактаб" нашриётида ишлаган.

Илк шеърлар тўплами 1961 йилда чоп қилинган.

Кейинчалик эса "Сивизға сози"(1962), "Ўз кўзим билан"(1964), "Йўқ, унутиб бўлмайди"(1965), "Ёруғлик"(1966), "Куй"(1967), "Манзил оҳанглари"(1970) каби шеърий китоблари нашр этилган.



ДАЛА МАНЗАРАСИ

Үркач-үркач қирларнинг тўши турфа гиёҳли,
Ола булатли осмон айрон-чалоп сиёқли.
Бурқираган кумли дашт — ёйилгандек донлар ник,
Жилға-ирмоқ югурап эгри йўллар ип-илик.
Пурмаъноли ўландек топар зийнат муқаррар
Кўз етгусиз уфқлар — поёни йўқ кенгликлар.
Кум-шагаллар уюлган олтин хирмон мисоли,
Тик қир-жарлар елларда қотган туфён мисоли.
Кенг далани тўзғитар шамолларнинг ҳамласи.
Нортуя каби чайир кўк ёвшан шох-шаббаси.
Қинғир қоқшол буталар — бармоғидай кампирнинг,
Савр келиб қулунлар саси тутар адирни.
Ялт-юлт этган қамроқлар — зилол сувлар каби нақ.
Сувсинингни босмоққа топилмас бунда булоқ...
О, тангри, бу шукуҳсиз манзарани кўрган он,
Тўлмасми қалб кадарга, ғам-ғуссага ногаҳон!
Чўкиртак — кемшик тишдай, ҳар ёндан қочган нуфуз.
Капалак учар ҳорғин, файзсиздир дала-туз.
Юксалар тепаликка гоҳ чираниб, гоҳ тиниб,
Бир машина сўқмоқда “жонин судраб” пишқиниб,
Сўқмоқлар қир ёқалаб пастликка қуйилгудай,
Кўтарилилар оқ тўзон — комета қўйруғидай.
Очгандек илон изи йўлларнинг ажиб сирин,
Уфқлар ҳам қир оша кенгаяр бирин-бирин.

* * *


Оқ бармоқ ўйнайди, ўйнайди
Қадимги оқ мато устида.
Ва игна кўк ипни сургайди,
Матога рангин нақш тушди-да,
Каштада чаманлар тирилди.
Унда уфқ чаманни қучди-да,
Устига осмон ҳам сурилди.

Кўл мудраб кўкалам четида,
Манглайн осмонга тирамиши.
Баҳорий заминнинг бетида
Майса ҳам, тошлар ҳам титрамиши.
Кашта нақ кўкламнинг аксидай,
Мен ундан ифорлар изладим.
Тепамда учгандай чағалай,
Ёйиқнинг соҳилин эсладим.
Ёримнинг қўлига тикилдим,
Мўъжиза яратмиш нақшинкор.
Эҳтимол каштадан олгандир
Бетакрор ўз ҳуснин навбаҳор.

* * *

Анов келган ким экан, билиб кел-чи, ким экан?
Ботирликми? — Жой бергум ардоқлаб уй тўридан.
Бойлик бўлса шум бўлар, тикилгин-чи кўзига,
Бировларни хўб алдаб, алданмасин ўзи-да.
Қайғу бўлса ортида қувончи ҳам бор чиқар,
Бири кўнглим гумуртиб, бири хандон қаршилар.
Имон бўлиб келса гар, бағрим очиқ эрта-кеч,
Тушир, отда бўлса у, қировин қоқ, тўнин еч.
Чинлик бўлса гилам сол, дастурхон ҳам ёз тағин,
Ёлғонликми — латта қўй, артиб чиқсин оёғин.





Түлөген АЙБЕРГЕНОВ

(1937 — 1967)

Корақалпогистоннинг Кўнғирот туманидаги "Кўнғирот" совхозида таваллуд топган. 1954 — 1959 йилларда Тошкентда Низомий номидаги Педагогика институтида қозоқ тили ва адабиёти факультетида ўқиган. Илк шеърларини болаликда ёза бошлаган. Илк туркум шеърлари "Ёш даврон" номли тўпламда чоп этилган.

1974 йилда "Кумдаги миноралар" тўплами учун Қозогистон Ёшлари уюшмасининг мукофоти берилди (вафотидан кейин).

Тириклигига унинг "Хаётга саёҳат" (1955), "Мен сенга ошиқ эдим" (1970), "Омонат" (1975) сингари китоблари чоп этилган.

Тўлөген Айбергенов 60-йиллар шеъриятига ярақлаб кириб келган ёрқин истеъдод эди. Унинг лирик, фалсафий шеърлари қозоқ ёшлари орасида кенг шухрат қозониб, уларнинг сўнмас муҳаббатига сазовор бўлган.



* * *

Қирингдан отам йўрғада
Йўртиб бир ўтди, Кегайли.
Мен отам изин кўрғалаб,
Манзилга етдим, Кегайли.

Даштингда онам қиз кунин
Қиздириб ўтган, Кегайли.
Келгум деб қайтиб, қир гулин
Уздириб кетган, Кегайли.

Сув олган жойда бувимнинг
Сирғаси қолган, Кегайли,
Сирдоши қолган, Кегайли,
Мунгдоши қолган, Кегайли.

Аму нариги бетидан
Орқалаб келдим кўп ўйни.
Юрагинг иссиқ ўти-ла
Қарши ол мени, Кегайли!

ЮРАК СЎЗИ

Юраман йўл билан мен эзгу,
Бераман жило кўлларга.
Гувиллаб ётган денгизни
Ағдариб қўйгум чўлларга.

Эргашиб кўпнинг кўчига,
Яйловга чиққум қўй ҳайдаб.
Шодумон дала тўшида
Чалқанча ётгум мен яйраб.

Гоҳи заминни сел чаюр,
Тұлади борлиқ файз-қутга.
Ёмғирли кун нақ мүрча-ю,
Ювингум мен оқ булутга.

КҮЛ

Сулув бўп кетасан қуш, ғозинг келса,
Мен сузгум ойдинингда ёзинг келса,
Ётгандай бўласан бир яйраб кулиб,
Сувингни жимиirlатиб еллар елса.

Биргина қайноқ ёз-чун сен бордайсан,
Кушларга қизиғи кўп бозордайсан.
...Кушнимас, ёруғ кунни суюсан-ов,
Бежиз сен кўк осмондан кўз олмайсан.

ҚЎКЛАМДА

Қўкламни қўмсаб диллар эзилади,
Унда гуллар қизлар-чун узилади.
Осмонда эзгуликнинг номин ёзиб,
Турналар қатор-қатор тизилади.

* * *

Шодликка тўла чоғим энг
Ўтказдим сенда, қир ошдим.
Толега очиб бағрим кенг,
Шивирлаб туриб сирлашдим.

Кўнгли қўкламдек қурч гавда —
Оғам-ла фикр алишдим.
Ёз келбат ёрқин женгейга
Ҳазилим айтиб танишдим...

Юракда кадар-нолиш йўқ,
Илк севги дилни жазб этган.
Кўринди менга олис бўп
Қошимда турган бўй етган.

Не тонгки, дили пок дўстлар,
Бўз бола кунлар ўтди-ку.
Хандон-ла кулган кўп қизлар
Армон бўп қолиб кетди-ку...

ҚИЗИМ МЕНИНГ

Уйландим. Болалигим бироқ қочди,
Олдимда янги ҳаёт кулган чоги.
Умримга сен келдинг-да гулин очди —
Менинг ёш оиласмининг қизғалдоғи.

Күнглимга сеҳрин қуйиб дала, күлнинг,
Сен менга ота номин ола келдинг.
Ётгандай гулғунчаси орзуимнинг,
Айланиб бешигингга боравердим.

Кўп тортган азобимдан онагинам
Кучогин очди сенга кўпроқ бу дам.
Ким билсин,
Йиллар бўйи интиқ кутган,
Сени, о, ширингинам, ой юзгинам.

Сен туғилиб — нуқул у кулаверди,
Қалбига қаердандир қувват келди.
Хиртойи бошлаб ҳар кун тонг-саҳардан
Вужуди куйга тўлиб юраверди...





Фариза ЎНГАРСИНОВА

(1939)

Фариза Ўнгарсина (адабий тахаллуси – Сандувоч) Гурьев вилоятининг Новобогат туманига қарашли Манаш қишлоғида туғилган. Гурьев Давлат Педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини битирган.

Илк шеърлари республика газета-журналларида босилган.

Ф. Ўнгарсинованинг хизматлари қатор орден-нишонлар, фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими. "Ватаним – уйим менинг" ва "Мангиштов монологлари" шеърий тўпламлари учун 1984 йили Қозоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Унинг "Қизғалдоқ ҳақида баллада"(1971), "Мен туғилган кун"(1972), "Кичкинтой"(1975), "Камалак"(1979), "Офтобшувоқ"(1980), "Очиқ осмон"(1981), "Темирқозик юлдузи"(1982), "Қиронқия" (1984), "Менинг тупроғим"(1985) каби тўпламлари чоп этилган.



ЙҮЛ

Уфқларга қора йүл қадалади,
Адирлардан ошиб илдам.
Қизғалдоқлар чеккасида жим қолади,
Юзларыда биллур шабнам.

Ёрилмасин қоқ белидан деб ер бехос,
Үраб турар йүллар бу чоқ.
Қолиб кетган денгиз ортда элас-элас,
Осмонида булут оппоқ.

Турфа гуллар нозланади елда бу дам,
Севинчлари билмайди чек.
Одамларнинг шодмон-шодмон одимидан
Үйғоқ ётар далалар тек.

Мен келаман. Тинглаб қалбим оҳангларин,
Шавқин тууб ажид сирнинг.
Кўрмоқ учун бугун унинг ўт рангларин
Бир кездаги “ола қирнинг”.

* * *

Софинч хатин йўлладим
Сизга, овулдошларим.
Мен сени ҳам қўмсадим,
Дўл-довулли осмоним.

Хуш ерларда юрсам-да
Ёдда файзу кутларинг;
Ерўчоқда ловиллаб
Ёниб турган ўтларинг.

Қарагайсиз ҳар доим —
Ўзгача фаҳр этиб-ла,
Борми дея шеърларим
Газет-журнал бетида.

Мақтайдындар мени, ҳа,
Болаларга дүндириб,
Юрибди леб пойтахтда
Улуғ ишлар тиндириб.

Хар йил сенга, овулим,
Канда қымай боргайман.
Күнгиллар тубидаги
Сирларни ахтаргайман.

Бораман, қайтадан чин
Завқларга тұлмоқ учун!
Бораман, қайтадан мен
Бир гұдак бұлмоқ учун!

* * *

От минсам, йигитлардек
Елдиргум ур-ҳо солиб.
Айтишсам йигинларда,
Бұлурман, шаксиз, голиб.

Ингичка йүл қадамим
Хадикка топширмасман.
Хазилда бұз боланинг
Оғзини очирмасман.

Тортинма, шүрлик бола,
Мен бир қызы, баҳсга шайман!
Күй чалсам дүмбираада,
Дина¹ ни тирилтгайман.

Излайман ботир миқти —
Күз солиб умидларга:
Мендаги ботирликни
Бермапти йигитларга!

* * *

Бу шеърлар ёзилмас эди ҳеч,
Мен қайғу ютмаган бўлсан.
Бу юрак топинмас эди ҳеч,
Сен кўпга ўхшаган бўлсанг.

Назарга илмас эдим мен,
Чиқа олар жойим бўлсанг гар.
Тавозени билмас эдим мен,
Хар кун хокпойим бўлсанг гар.

¹ Дина Нурнеисова — Жамбулга замондош таниқли ҳалқ оқини.

Мен бундоқ юрмас эдим ҳеч,
Умримда бўлмаган бўлсанг.
Севгини билмас эдим ҳеч,
Қалбимни хўрлаган бўлсанг.

* * *

Олтин зарин сочганда тонг нурланиб,
Кўклам ҳар ён ёйганида ажиб гилам.
Қучоғим — гул. Келаман мэн лов-лов ёниб,
Мен ёшлиқ суруриман.

Дилни ўртар, шубҳасиз, учкур йиллар,
Ширин туйғу юракда, кўзларда ҳам.
Олам тутиб турганда менга гуллар,
Масрурлар масруриман.

Ёшлигимга вақтнинг ўзи ошиқ,
Етаклайди боғларга қийғос, кўркам.
Севгим дилда ёнали нурин сочиб,
Жонимда ўзинг, эркам.

... Түғёни мўл, ҳар они тўла сирга,
Қалбга ҳасрат-қувончлар олиб кирган...
Бош эгамиз ҳар вақт биз бу асрга —
Иккимизни таништирган.

* * *

Юрак мудом мойиллир ўйга эзгу,
Олқишлиарни кўрди бисёр, титрамас у.
Нетай, сендан қолмади қалбимда из:
На бир қувонч, на қайғу — ҳеч бир туйғу.

Гўёки мен юрар эдим ишқинг-ла шан,
Лекин юрак бу туйғуга бермасди тан.
Зинҳор севги саналмаскан яккаш ҳурмат.
У жуда кам учрайдиган бир дард экан.

Бу кун келиб бундоқ ҳурмат келар малол,
Эр йигитга номус бўлар бундай иқбол.
Суйдирмасанг, сүёлмасанг куйиб-ёниб,
Туйғуларинг топар завол.





Марфуға АЙТХҮЖА

(1936)

Фарбий Хитойнинг Синжон ўлкасидағи Фулжа шаҳрида дунёга келган. Қозоқ тилида ўрта мактабни, қизлар гимназиясини битириб, сўнг икки йил мобайнода шу гимназияда муаллимлик қилган. 1958 йил ота юрти – Қозогистонга қайтиб келиб, "Қозоқ адабиёти", "Қозогистон муаллими" газеталарида хизмат қилган. 1962 йилда илк шеърий тўплами – "Болқуроқ" нашр этилган. Шу йилларда Қозогистон Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган.

Унинг "Қоядаги ёзув" (1968), "Оққувим менинг" (1971), "Коракўз ойим" (1973), "Кўзимнинг қораси" (1975), "Оқ бешигим" (1980), "Парда" (1981), "Қирон етган" (1985) сингари шеърий китоблари ўқувчилар зътиборини қозонган.

Марфуға Айтхўжа – XX аср қозоқ шеъриятига оловли сатрлари ила ҳисса қўша олган шоира саналади. Унинг халқона оҳанглардаги, миллий туйғуларга бой шеърлари аёллар орасида жуда машхур.

У Абай номидаги Қозогистон Давлат мукофоти совриндори.



* * *

Ет қалъалар қалб очмасин қанча санга,
Етмагай ҳеч туққан еринг, тош қўрангга.
Олис кетиб қолганингда соғинч ўти,
Ўртамасми юрагингни ҳар бир дамда?
Умр йўлинг ўз кулбангдан бошланмасми,
Уни кўмсаб кўзинг энди ёшланмасми!
Ахир, шунда эшигтансан илк марта сен,
Дунёдаги “алла” деган ширин сасни.
Қанча кезма ўзга ерлар гулбогини,
Кўмсагайсан туққан еринг тупроғини.

ОВУЛГА БОРГАНДА

Ҳамон бунда сойлар тиниқ, тинч оқар,
Чўққилардан тоңг мўралаб зар сочар.
Жамланмишdir овул бўлиб бу жойда
Бир-бирига ҳазилкаш, шўх овсинлар.

Ҳаммаси ҳам куюнчагу нози чин,
Ор-номусли, юрагида йўқдир кин.
Парвонадир янгам ўчоқбошида
Барра гўштга қўша солиб қазисин.

Ўртададир ҳамон ҳазил, сўз, ўйин,
Кузатаман одамларнинг ранг-рўйин.
Кора саба¹ остоноада лим-лимдир,
Оширап у оддий кулба обрўйин.

Барин қалбга жуда яқин оласан,
Юрагингга ширин ўйлар соласан.
Кечаги бир жимиттина қизчанинг
Бўй етганин сезмайин ҳам қоласан.

¹ Саба — қимиз солиш учун от терисидан қилинган улкан меш.

Чўғ ахтариб энди қайтмас дамлардан,
Беихтиёр кўзларингни намларсан.
Қўриб сендан кейин ўсган ёшларни,
Ўзингнинг ҳам улғайганинг англарсан.

УМР СЎҚМОФИ

Умр деган эмасдир отлиқ қиши,
Тўлиб ётар ҳар қайда фам-ташвиши.
Жилмайса гоҳ хуш кўклам қиздек майин,
Аччиқ қаҳрин сочар гоҳ қаттиқ қиши.

Гоҳи жонга тирноғин ботиради.
Гоҳ олдингда аллалаб ўтиради.
Ҳар мақоми оқартиб бошда сочим,
Синовларга отмоқни хуш кўради.

Борар умрим сўқмоғи баланд-пастдан,
Еудранади ғанимлар алам-қасддан.
Йиқилганга йўярлар сал суриксам,
Менинг асли кимлигим англамасдан.

* * *

Қизил гулдек товланарман қошингда,
Қўшиқ бўлиб қоларман мен эсингда.
Сени севган қалбимга доғ туширсам,
Туққан элим, кечирма!

Армоним не, бир корингга ярасам,
Армоним не, менга кулиб қарасант.
Армоним не, тўлқин урган сочимни
Кўкламингнинг еллари-ла тарасант.

Сен буюргин, жабҳаларга мен борай,
Уммонлардан дуру гавҳар ахтарай.
Билмаганим бу умрда кўп ҳали,
Не сабабдан кибрланай, мақтанай!

Қизил гулдек товланарман қошингда,
Қўшиқ бўлиб қоларман мен эсингда.
Сени севган қалбимга доғ туширсам,
Туққан элим, кечирма!





Мұхтор ШОХОНОВ

(1942)

Чимкент вилояты, Ләнгер тумани Қашқасув қишлоғида таваллуд топған. Етти йиллик мектебни тамомлагач, "Юлдуз" колхозида тракторчига ёрдамчи, кейин вилоят газетасыда адабий ходим, Қозғистон радиосыда катта мұхаррир, Бөш мұхаррир бўлиб ишлади.

Чимкент Давлат педагогика институтида таҳсил олди. Кейинчалик "Жалын" журналида Бөш мұхаррир, Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқармасыда котиб вазифаларида фаолият кўрсатди.

Мустакиллик йилларида Қозғистоннинг Қирғизистондаги элчиси лавозимида хизмат қилди.

Қозғистон ҳалқ шоири. Унинг шеърий ва драматик асарлари эл орасыда катта шуҳрат қозонган.



ОЙША

Ойша янгам суйган ёрин кузатди жант майдонга...
Сүнг сиғиниб яшади аҳд-паймонга.
Уруш битди.
Шунқори, эх, қайтмади.
Уч йил кутди,
Беш йил кутди...
У бирорвга ноумид гап айтмади.
Ҳасратини ўз қалбига беркитди,
Шу орада тағин тўрт-беш йил ўтди.
Нурсиз умид оғушида дил қонаб,
Кутаверди у кун санаб, ой санаб.
Қисматидан унсиз аччиқ нола бўп,
Кўкрагида милтиради совуқ ўт.
Жилла қурса,
Жилла қурса, худой-ов,
Ҳовурини босмоқликка фарзанд йўқ.
Умид пайваст вужудини эзди ғам.
Ёлғиз жонга ёқмас лекин кулгу ҳам.
Йўқ, бўлмади.
Йиллар ўтиб, ахийри
Турмуш курди у бир қари чол билан.
Илк кеча у тинч ухлади
Ва бағридан гўёки
Аригандек бўлди заққум ғам-дарди...
Лекин тонгда... Эвоҳ, марҳум қуёви
Деразани чертарди.
Ойша шўрлик куйди тамом бу хўрликдан ёзғириб,
Тошдек қотди,
Кўрқув тилин лол қилди,
Кейин илкис сочин ёйиб юбориб,
Остонага йиқилди.
Йиқилдию хўнграб-хўнграб йиғлади,
Юрак-бағрин тиғлади,
Ўз-ўзини қора ерга булғади.

...Асил севги — шунақадир, турланмайди лаҳзада,
Хижронлардан, азоблардан куйса-да...
Шу он Ойша ўрнидан бот турди-да,
Бир фикр-ла чирмаб ақлу шуурни,
Тоғ тубида сапчиб ётган ғазабнок
Оқсув ёққа жон ҳалпида югурди.
Шунақадир асл севги камоли,
Шунақадир асл севги заволи...
Оқарганча ётар эди қирғоқда
У шўрликнинг тушиб қолган рўмоли...

ДИЙДОРЛАШУВ

Болалигим лавҳаларин эслаб шан,
Қашқасувнинг ёқасида турдим ман.
Гоҳи унсиз, гоҳ кўпирисиб сергулу —
Олдимизда оқарди у мовий сув.
Биз ҳам шундоқ асов, шаддод эдик, ҳа,
Бир маҳаллар онамизнинг бағрида.
Кунларимиз ўтарди шўх суронда,
Жанжаллашсак, ярашардик бир онда.
Биз бегона бўлиб фараз-кинларга,
Етиб келдик шу муборак кунларга
Ўшал онлар ёдингдами, эй нигор,
Ё қалбингда қолмиш фақат гард-губор?
Тонг каби соғ кулгунг билан сен ширин —
Кўксимда ўт ёқар эдинг яширин.
Қани ўша тотли хаёл, тотли сир,
Бари юлдуз ёғдусидек сўнмишдир.
Нечун сўнмиш? Айтольмайман мен аён.
Сўнг сочилиб кетдик бизлар ҳар қаён.
Жўшқин эди у чоғ орзу-тилаклар,
Қолди фақат хотиралар юракда.
...Болалигим лавҳаларин эслаб шан,
Қашқасувнинг ёқасида турдим ман.
Асов дарё ювиб қирғоқ бетини,
Қайларгадир ошиқарди бетиним.
Гоҳ дафъатан энтикарди тортиб оҳ,
Йиллар ёдин эслагандек баногоҳ.
Ул нигорнинг қўлларида ушбу он —
Тек турмайин бижирларди митти жон.
Мен гўдакни сўймоқ бўлдим эгиб бош,
Лекин нигор мижжасида кўрдим ёш.
Ва у томчи томди биллур мавжларга,
Видолашган янглиғ қайтмас дамлар-ла.
Нимадир деб хўрсинди у ўша дам,
Бироқ буни англай олмай қолдим ман.

МЕН ҲАҚИМДА ЎЙЛАДИНГМИ?..

Энтиқдингми боғлар
Чечак таққанда,
Күшлар наво гулханини ёққанда?
Ҳаприқдингми — мени келиб қолди деб,
Бир йўловчи эшигингни қоққанда?

Оқ булуллар кезса қўкда саргардон,
Кокилингни силаб ўтса ел шодон,
Турдингми сен қора йўлга термилиб,
Ширин умид оғушида лол-ҳайрон.

Кечмиш йиллар гирдобида бўлиб хун,
Чекдингми сен ҳажр дардин туну кун?
Қирмиз оқшом қирга чиқиб жимгина
Тердингми ё гул-чечаклар мен учун?

Сабринг тугаб, дилингни қон этдингми?
Раҳм этса гар келар-да, деб кутдингми?
Хилватларда сен янгангдан яшириб,
Менга атаб рўмолчалар тикдингми?

Ёлвораман, соғ бўл, қайда юрма сен,
Ўйларингни ишқим нури безасин.
Менга атаб тиккан бўлсанг рўмолча,
Хатга солиб жўнатмадинг нега сен?

Йўлга қараб сарғайдингми, сўлдингми?
Қаттиқ ўксисб, гиналарга тўлдингми?
Ёки мендан умид узиб, ёт-ўзга —
Бирорларга суюмли ёр бўлдингми?

Асл севсанг, фироқ тоғин йиқарсан,
Ожиз эрсанг, ҳасратларда биқарсан.
Билгим келар — ўйладингми мен ҳақда,
Балки сира ўйламаган чиқарсан?

Ҳаёлингдан ҳайдалганим наҳот чин,
Йўқ эди-ку юрагингда зарра кин.
Қадрим менинг паст бўлдими шунчалар,
Аёвлигим, унотолдинг қандоқ сен?

Бари мумкин.
Ишқ киприкни қилас нам.
Айри кетмоқ мумкин кўнгил бериб ҳам.
Бари мумкин, фақат менинг ҳақимда
Ўйламадим дер бўлсанг, ҳеч ишонмам!

OFA

Рост, биз туғилмадик битта онадан,
Менга туғишиңдан аълосиз бирок.
Не тонг, юксакларни күзлар ҳар одам,
Мен Сизга таассуб қиласман ҳар чоқ.

Кўрдим, имонингиз бегард, бегубор,
Зотан мунаввардир диёнат йўли.
Ofa, заминдаги эзгу инсонлар
Кўринади менга худди Сиз бўлиб.

БАХТЛИ БЎЛ

Мағрур кўнглим талпингани-суйгани,
Кўшиқ эдинг мен-чун — шомлар қўнганда.
Туриб-туриб қайтар эдим уйга мен,
Деразангнинг ёғдулари сўнганда.

Қаролмасдим ботиниб ҳеч кўзингга,
Лекин кўнглинг энтикишин илғардим.
Сени ҳамроҳ этолмадим ўзимга,
Ёнса ҳамки юрагимда ишқ-дардим.

Балки шундан кетдинг ортга қарамай,
Кетдинг учиб, о бахт қушим, айт, қаён?
Каптари-ла хайрлашган боладай
Толе тилаб қолавердим мен нолон.

* * *

Айтсан дейман дилдаги бор сўзимни,
Бегона ҳам пешвоз кулиб келган он.
Ҳақманки, мен қадрлайман ўзимни
Ва шу боис мағурурдирман ҳар қачон.

Умр ҳақда кўп ўйладим, тўлғандим,
Дўстлар, дўстлар, мендан умид узманглар.
Мени ҳар чоғ ҳақиқат деб куюнган
Фидойилар қаторидан изланглар.





Нурлан ЎРАЗАЛИН

(1947)

Олмаота вилоятининг Уйғур туманидаги Улкандинхан (ҳозирги Кўкбостов) овулида таваллуд топган. Қозоғистон Давлат университети (ҳозирги Ал-Форобий номидаги Миллий университет)нинг филология факультетида таҳсил олган.

Йигирмадан зиёд шеърий тўпламлар, драмалар, эссе ва публицистик китобларнинг муаллифи. Кўплаб драмалари театр саҳналарида қўйилган. Шеърлари ўзбек, рус, украин, болгар, турк, молдаван, қирғиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. У қозоқ ўқувчиларини кўплаб жаҳон шеърияти ва драматургияси намуналари билан таништириб келаётган забардаст таржимон.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқармасининг Раиси. Қозоғистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори.



ЙИЛГА ТИЛАК

360...

Кундуз ўтди, тун ўтди.
Юксалтирди, гоҳи мени унуди.

360...

Тонг бўзарид уйғонди,
Не-не юрак янги кунга юз тутди.
Иил қуондай тез ўтди!

Суйдик.

Куйдик.

Фамлар чекдик. Уртандик.

Пушмон қилдик.

Нимагадир ўргандик...

Юртимизга яхши кунлар ярашди,
Гарчи не бир жафоларни кўргандик.
Шу юрт учун ўртандик!

Кўкимизга мовий, кўм-кўк түғ илдик.

Кўк Туркдан биз гёё қайта туғилдик.

Уй ҳам,

Кир ҳам,

Бутун борлиқ яшарди,

Озодликнинг сурурига йўғрилдик!

Кўкка кўм-кўк түғ илдик!

Менга бардош ҳавас эмас — аҳддир бу,
Ўткинчимас ҳурлик — энди нақддир бу,
Юрагимда — асрларнинг нидоси,

Теран ўйи,

Чўнг фурури — баҳтдир бу...

Саодатим — нақддир бу!

Даврим келди — чаман бўлди боғим, ҳа,
Қад ростлади “Қозоқ” деган тоғим, ҳа.

Ажгоддларнинг шукуҳи бор қалбимда,

Унумасман

Асрларнинг доғин, ҳа...

Келди яшнар чоғим, ҳа!

Юрагимда — яратгандан ээгу ун,
Гарчи рұхим ғамларга эш туну күн.
Қачон?
Кимга?
Теккан, ахир, оп-осон
Озодликнинг ихтиёри бус-бутун?!
Юрагимда ээгу ун!

Эрк йўлида ким оҳ тортмас,
Демас “ух!”
Ҳур замон бу, тугар энди ғам-андуҳ.
Үтди бир йил. Диёнат бор. Ионгум.
Юрагимда — янги илҳом, янги руҳ.
Муқаррардир бу шукуҳ!

Олдинда бор не-не довон,
Дашту чўл...
Жаннат эмас ҳали сенга ўнгу сўл.
Халқим, бир бўл, бир-бирингга узат қўл!
Истиқолим — сенга эса донғил йўл,
Сен мангу бўл, мангу бўл!

ТЕПАЛИК ЁНИДАГИ ЎЙЛАР

Далалардаги эски тепаликларни курган сайин эсимга Геродотнинг: “Саклар юрт ҳудудига ёвлар бостириб кирганлиги ҳақда тепаликлар устига олов ёқиб, бир-бираига хабарлаганлар”, деган гаплари тушиади.

Жировларнинг сўзларида ёдланган,
жуда кўхна замонлардан сақланган,
ўқилмаган китобидир бу Тепалик,
қолган қадим хунлар билан саклардан.

Олис-олис мозийлардан ун солган,
байроқ ушлаб, Олтой ошиб, йўл олган —
бу Тепалик кўзими ё Кўк Туркнинг,
тақимида талай тулпор — от толган?

Бедовларин қичаб уфқни чоғлаган,
ёвларини аламларда доғлаган,
хазарлардан қолган сўзми бу элда,
замонларни замонларга боғлаган?

Үйсинглар ва түркешларнинг кўзими?
қумонлар ва қипчоқларнинг ўзими?
Эл бирлигин кўрғай юриб, қолдирган
аждодларнинг келажакка сўзими?

Гоҳ мен мозий қалбилаги мунгдайман,
тарих сасин тинглаб кўзим юмгайман,
мўр-малаҳдай мўғулларнинг дупури
эшитилар кузғайдан-да, кунгайдан.

Дилда ғамим
чўнг ҳасратлар гардими?
Шаҳид кетган одамларнинг мардими?
Бу тепалик — Аспаранинг азаси,
Нўғайлининг ташлаб кетган дардими?

Килич сермаб тирикликнинг қасдида,
яширинганча даштнинг пана-пастида,
хокитуроб бўлиб бир ҳалқ тарихи
ётгандайин шу тепалик остида.

Чархи дуннинг оҳи дилда лиммо-лим,
айтолмайин уни рўйи-рост, балким
ётгандайин Ипак йўлин тизгинлаб,
жўмард бобом кўзимиздан четда, жим.

Эр йигитлар суреб жангга отларни,
ўзин йўқлик уммонига отарми?
Йўқ, ётарлар — мисли Дала соҳиби,
туташтириб Кунчиқар Кунботарни.

Журъатидан ёвлар қўрқув туйган чин,
түғенидан титраб турган Чин-Мочин;
боқий элнинг шон-шавкати ётгандай,
теран кечмиш қучогида олиб тин.

У замондан
айлар мени ким огоҳ:
қайси мақсад — улуғ чўққи, қайси — чоҳ?
Куюнаман... Хўрсинаман... Юрагим
оташ узра ётгандайин тортиб оҳ.

У замоннинг аён на куз, баҳори,
кўнглимнинг ҳам йўқдир қурч бир қарори.
Тунд Тепалик узра маҳзун тураркан,
вужудимни чирмар ўйлар шарори.

О, бобожон...
Гуруридан тонмаган,
ўз юртинг толеига қонмаган,
тепаликнинг — қўл чўзгудек яқиндан
авлодларга, афсус, ўти ёнмаган.

Манзил етиб, чўқтирилган туяси —
қай даврнинг, қай замоннинг эгаси?
Кўзин ишқаб,
зулмат тундан ўтаркан
қайда унинг ёрқин тонги, эртаси —
бу тепалик қай давроннинг эгаси?

Қай асрга эгайнин мен бошимни?
Қай асрга тўқайин мен ёшимни?
Қай асрга олқишимни айтайнин?
Қай замонга очай — отиб лошимни,
қалбдаги қуёшимни?

Қай даврни кўйлар билан ўрайин?
Қай давр-чун эзгу сўзлар терайин?
Қай даврнинг қаршисида тиз чўкиб,
қай қалб ўтин лов ёндириб берайин?

Эй дил, даврон шакарию болина —
ўч бўлма ҳеч! Алданма! Ва нолима!
Қай замонни томиримда чийратиб,
тармашайин қай замоннинг ёлина?

Гарчи мозий кўйларида бағрим хун,
лекин тингла, кўкрагимдан тошар ун?
Минг-минг йиллик умрим эзгу меҳроби,
хузурингда таъзимдаман мен бу кун.

ОТАМ ЁДИ

Рұҳим сўнган...
Қонда сурур оқмайди.
(“Хоксор уйнинг эгаси бор...” Сақлайди.)
Отам кеттан, энди менинг фамхўрим
келиб сира эшигимни қоқмайди.

Ҳазил-хузул қилмас энди кўнгли чоғ,
отланмайди шаҳар сари кўкси тоғ.
Келмас энди учиб-елиб, жонсарак,
юрибдими ўғлим, дея, омон-соғ.

“Чиқмади-я бир китобинг салмоқли”,
деб кўймайди ва кутмас ҳам йўлим зор.
Уруш кўрган оқсоқолнинг пандини
қизарганча эшилтмайди эл такор.

Шу қайгулар
ич-этимни тузлайди
ғамгин юрак жимиirlайди, музлайди.
Қатағонлар жабрин чеккан қалб энди
лоқайд дўстнинг кайфиятин бузмайди.

Мижжасида ялтирамас энди ғам,
юрт олдида кўкрагига урмас ҳам,
дўст-ёрони соғинади кўп ҳали,
номин тилдан қўймагай эл ҳеч бир дам.

Менга энди мартабаю мол ғамми —
булар улуф қилмас экан одамни.
“Отанг шундоқ деганди...” деб одамлар
ҳали-ҳануз эслашарлар отамни.

На чорам бор?
Кеч англадим, куйиндим,
файзи кетган — тўри бўшдир уйимнинг;
гарчи ёниқ кўзлар боқар суратдан,
машқи пастир энди кўнгил куйимнинг.

Юрагимни мунглар ўртар пинҳон, зор,
кунлар қани — менга берган авж виқор?
Илҳом сўнса... Қайта ёзгай қанотин,
чин соғинсанг, жўш ургай у қайта бор.

Илҳом қайтар... дунё бўлар чаманим,
Оҳ, отам-чи! Армонимдир, оҳ, маним.
Келмас энди, эшигимни қоқмайди,
Шулар ҳақда тўлиб ёз-чи, ўланим!

Бир тўкилгин!
Танингда ўт ёнсин, о!
Эзтуликни юрагингта айла жо!
Нурин тўккай йўлларингта самолар,
Отанг руҳи бўлар сендан кўп ризо!

ОТАШИН ҚАЛБ

(Оқин түйидағы сұз)

Яратганның ўзи унга мададкор,
оқин учун қайғы — уят, ҳасрат — ор,
ер устининг азобида ўртанар,
ҳаммасининг бирдек ўжар феъли бор.

Оқин учун қадрсизdir сийму зар,
эзгуликка хиэмат қилмас бўлса гар;
ишқ йўлида аямас ҳеч жонини,
севгани-ла шеър тилида гаплашар.

Сал нарсадан у масур ва бийрон тил,
сал нарсадан гоҳи ичдан кетар зил,
бир ота ва бир онадан яралган —
шоир деган бу ғалат қавм шундай, бил.

Йўлин кесссанг яширмайди “ёвлигин”,
эли билар оқин кўкси тоғлигин;
тумор янтиғ юрагида сақлайди
у ўз халқин саодатин, соғлигин.

Оқин аҳли чиқишимас кўп таҳт ила,
шундан менгзар эли уни баҳт ила!
Она — осмон, отаси — ер одамга
сұз бўлурми ўлан ёзиш шаҳд ила?

Ўлан унинг бор борлиғи ажойиб,
(ўтли шеърга тақилдими оз айб?!)
Кувла-кувла қилинса ҳам, оқинлар,
қаторлари қолганми ҳеч озайиб?

Кўрқитолмас уни сира дову дўқ.
ношудларга айтган сұзи мисли ўқ;
юрт фурури, эл сурури учун у
жонин тиккан, бундан кўнглинг бўлсин тўқ.

Яша!
Бор бўл!
Оқин отли зўр юрак,
оташин қалб — бу заминда тенги йўқ!

ОНА ЮРТ

Онамдай азизсан сен, юртим маним,
мехрингга бахшидадир жону таним.
Бир замон мургак дилда жүшди ҳислар,
парвозин топди сенда илк ўланим.

Умр бу — ошиб ўтиб қирдан-сойдан,
ризқимни топмайин мен қайси жойдан,
бари бир сенинг ўрнинг бўлак менга,
сен менга дастурхонсан онам ёйган.

Мен сенинг илҳоминг-ла ғарқ юраман,
сен билан юксаламан, барқ ураман.
Турмушнинг уммонида қолсам ожиз,
кўйингда чағалайдек чарх ураман.

Қамишлар кўл мавжида титраган он,
оқкувлар учар тўп-тўп уфқа томон.
Қўмсаган дамларим мен сулувликни,
сен сари талпинаман ҳануз-ҳамон.

Армонлар,
юрагимни қийнаманг, бас...
Тунлар мен юлдузлардан тинглайман сас.
Зориқкан пайтларимда ҳақиқатга,
дилда шеър туғён урап, тинчлик бермас.

Кўкларга
қанотимни ёзиб бир қур,
юксалсам тонгларингда туюб сурур,
уйғонар тоғлардаги шаршарадек
вужудим туб-тубида теран фурур.

Қайгули дамларимда — ўзингдайман,
орзули дамларимда — кўзингдайман.
Мен ушбу кенг жаҳонни, ахир, нетай,
ўзингсиз кўролмайман, туёлмайман.

О, сенсан — чин толеим, эзгу шаъним,
мадҳингни куйлаб ўттай шеърим маним.
Юрагим... Бор вужудим...
Она юртим,
Ўзингсан бу дунёда суянганим!

МАНГУЛИК

Таңалар отмай ўтмишга,
зарда қилмай, ушбу кунга ҳам —
ошиқиши керак!
Йўл қисқа,
умр дегани — бир тутам.

Юракнинг курир мадори,
гар уни асраб-аярсан;
сезилиб ғамнинг залвори,
бир куни ҳолдан тоярсан...

Чўққипараастдайин бир вақт сен
куларсан яланг муз узра,
қалбинг тубидаги энг ичкин
сўнгти умид ҳам узилар;

ой ботиб кетар сен учун,
отмайди тонглар энди ҳеч,
таратмас кўлда мавжлар ун,
қораяр уфқлар эрта-кеч;

йўллар тўзони босилар,
янграмас қирлар кулгуси,
уфқларни тўсиб осилар
номаълум кунлар тур-туси;

қораяр осмон зангори,
туйгулар тўзар, куй сўнар,
ортиб юраклар оҳ-зори,
ҳар бир умрга мунг қўнап...

Тоғ ҳам, тўқай ҳам яланғоч
қоплади қорлар ҳар ёнин,
сочганда кўклам нур қийғоч,
ташлайди қирлар чакмонин.

Ўзандан мутлақ қочар сув,
қудуқлар туви сим-сиёҳ,
лекин яна кўклам келару
уради белга гул-гиёҳ.

Соғинган кўнгил юпанар,
севинган кўздан ёш томар,
чўққилар узра нур ёнар,
янги бир давр бошланар...

Юраклар қалқиб жим, беун,
түйғулар тұяр ажиб tot.
Завқланар бізсиз дала, тун,
куйлагай унда ёш авлод!

Болалар келиб бошқа бир,
ер билан күкни баҳолар,
хабар берганча тош қабр,
уфқларга интиқ қадалар...

Мангалик шудир — бир лаҳза,
ўртаниб, ёниб, куйганинг,
толе, баҳт тилаб бошқага,
уни ўзингча суйганинг.


Мангалик шудир — бир лаҳза,
қийналиб терлар тўқканинг,
илҳоминг жўшиб юракда
кулганинг, азоб чекканинг.

Мангалик шудир — бир лаҳза,
андармон бўлиб вақтга —
унуттанинг ўлим борин, ҳа,
алданиб ёлғон баҳтга.

Мангалик шудир — бир лаҳза,
эшик ва меҳроб ораси.
Оҳинг мавжланар фалакда,
топилмас дардинг чораси.

Мангалик шудир — бир лаҳза!
Орзунинг қаноти синмайди!
Завол топару боғ-боғча,
Юракнинг қўшиғи тинмайди.

Шу боис, дўстим, алданма,
гина қилиб бугун, ўтмишга,
даврни ёндириб туғён-ла,
курашиш керак!
Ошиқиш керак!
Йўл — қисқа...





Какимбек САЛИҚОВ

(1932)

Кўкчатор вилоятидаги Володар туманида дунёга келган. 1953 йили Москвадаги Рангли металлар институтини битирган. Болаликдан шеърлар машқ қила бошлаган. 60-йиллардан бўён матбуотда асарлари чоп этилади.

Унинг "Сир" (1970), "Жез кийик" (1973), "Нурли айём" (1976), "Шудрингили қунлар" (1981), "Тафаккур сири" (1980), "Чин юракдан" (1981) номли шеърий мажмуалари нашр этилган.

Шоир хукуматнинг бир қатор орден ва нишонлари билан тақдирланган.



ДИЛИМ ТИТРАБ КЕТАР...

Кўнглимга яқиндир кузак дамлари,
Унинг бағри тўла шукуҳ ва ашъор,
Унда мужассамдир тароват бари,
Унда саховатнинг нашидаси бор.

Ҳаволари сарин — толиқмас юрак,
Ўтган кунларимга ясайман якун.
Учиб келаётган қушларга қараб,
Кўшиқларим ато этаман мамнун.

Кузнинг рухсорига ахтариб ташбеҳ,
Сатрлар битаман сержилва, теран.
Узилган баргларга кўзим тушса лек,
Дилим титраб кетар бехосдан, бирдан...

КЎПРИКЛАР

Айрилиқ. Фуссалар. Ташвиш-ғам.
Ва лекин тоабад,
Муқаррар
Йўллар боғлангандир кўприклар билан,
Кўприк-ла боғлиқдир юраклар.

Кўприклар қурдик биз кўркам, муҳташам,
Туташтириб не-не соҳил-сарҳадни.
Бизлар мамлакатлар аро мустаҳкам
Ишонч кўприкларин ўрнатдик.

Йил сайин кўрк очиб борар она ер,
Наслимиз лойиқдир ҳамду санога.
Уларнинг толеи бутун, нақд бўлур,
Кўприк қуражаклар улар самога.

Уфқларда оташ ловиллаб у кез,
Кўрган-билганимиз бўлганда кулфат.
Портлатиб кетгандик кўприкларни биз,
Лекин улар тағин тикладилар қад.

Қундузлар қорайиб,
Кечалар милт-милт
Чорлайдилар улар дўстдек вафодор.
Фақат юракларнинг орасидаги
Кўприкларни қайта тикламоқ душвор.

* * *

Баҳор эпкинлари эсдилар эрта,
Лекин эримасдан ялтирап музлар.
Ажабсиниб боқар қайинлар менга,
Ажабсинганидек овулда қизлар...
“Уйланди! Ёр топди олис шаҳардан!” —
Уни таъна билан этарлар мулзам.
Менинг кўнглим ўсар бу гап-сўзлардан,
Ажаб, эсларкан у мени ҳали ҳам.

* * *

Ўз баҳорим этгай сарафroz,
Хар ён йўлим бурмасман ҳаргиз.
Бошланса-да умримизда ёз,
Эндинина қирқдан ошдик биз.

Ўтар экан йиллар қўйнидан,
Юз тутмаймиз биз йўқлик сари,
Зеро бу кун она бўлишган
Сенга синфдош қизларнинг бари.

Ўзгаларнинг баҳорига мен
Соя солмам, ўзни тутиб ёш.
Мен ҳар қачон ўз авлодимнинг
Тақдирига қолгум тақдирдош.

ОҚ ТУРНАЛАР

Ўхшаб бамисоли садаф маржонга,
Жимиirlаб қўринар кўкда турналар,
Улар сингиб борар мовий осмонга,
Улар олисларга йўл олар.

Балки у күринган турналар эмас,
Эшилган арқоғыдир нибуларлардан?
Балки улар овул қизлари — қушмас,
Оқариб, олислаб борарлар бу дам?

Хайрлашар улар дашт билан ғамгин,
Гарчи ўзларини тутарлар кувноқ.
Уларнинг шаън, ёрқин парвозини жим
Кузатар безовта юрагим шу чоқ.

* * *

Куйидай қайтган қушларнинг
Мунглими менинг бу куйим,
Юрагим туюб хуморлик
Ўйланиб гоҳ-гоҳ... қолгум жим.

Тўкилса янгроқ куй билан
Тил битиб, сўйлаб ҳисларинг.
Кўз олдимга менинг ушбу дам
Келар болалик кезларим.

Билдирап гоҳо шаън товуш
Армонли, мунгли тилакни.
Оппоқ қанотин қоқди қуш
Ўйғотиб ўйчан юракни.

Муҳаббат, умид, ҳаяжон
Тўкилса уйғун, топишиб,
Ожизлик, кураш ва исён
Жонимда кезгай олишиб.

Маломат, ҳасрат ва ўқинч
Ўзини четга олмасин.
Оқкушим, учсанг баланд уч,
Армонинг ичда қолмасин.

Дўмбирам, янгра безавол,
Икковимиз олис кетармиз.
Бир куни ҳориб, эҳтимол
Манзилимизга етармиз.





Жарасқан АБДИРАШЕВ

(1948 — 2001)

1948 йилда 7 март куни Қизил Ўрда вилоятининг Орол тумани, "Омон ўткел" овулида дунёга келган. 1963 — 1965 йилларда Қазали Қишлоқ хўжалиги техникумидаги ўқиган. 1965 — 1969 йилларда Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиган. "Қозок адабиёти" газетасида, "Жалын" баёзи таҳририятида, "Жулдуз" журналида хизмат қилган.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида адабиёт майдонига кириб келган ёш Жарасқан қозоқ шеъриятида ўзига хос овози, таржимонлик маҳорати, ҳалқчил шеърияти ила донг қозонди.

Унинг таржимасида қозоқ ўқувчилари Р. Тагор, П. Элюар, М. Бисису, Я. Купала, Е. Евтушенко, Р. Рождественский, Н. Доризо, Б. Окужава сингари таникли шоирларнинг шеърлари билан танишганлар.



ОҚ БУЛОҚЛАР

Оқ булоқлар.

Ошиққан оқ булоқлар.

Хозир Күклам.

Олдда Ѓз.

Чопқиллаб қол.

Зилол сувинг кутар ташна үйғонган боғ,
Куртаклару гул ҳидидан

яйрар димоғ.

Түлқинларинг шоирларни соғинтириди,
Сени эслаб қалбларига түлқин кирди.
Кумуш күлгинг тараптадылар шеърлар билан,
Йүлларингга пешвоз улар қирда бу дам...
Кутмоқдадир сәэзлашган күллар сени.
Кутмоқдадир илҳақ тақыр чүллар сени,
Бош күтариб термилади бойчечаклар —
Қызилқумнинг ташна бағри сени кутар.
Хаёл сурған чүңг нуроний боққан мисол,
Қуриб қолган минг-минг жилға кутар висол.
Ташна улар.

Ошиққан оқ булоқлар.

Хозир Күклам.

Олдда Ѓз.

Чопқиллаб қол.

Күргинг келса қозоқнинг кенг даласин
Ва фарзанди саналмоқни истасанг сен,
Үтгинг келса қүш учолмас сахросидан,
Үпгинг келса қирғоқларни — ўпилмаган,
Армонингни күммоқ бўлсанг йироқларга,
Қўшилмоқни истасанг оқ саробларга,
Оқ булоқлар.

Ошиққан оқ булоқлар.

Хозир Күклам.

Олдда Ѓз.

Чопқиллаб қол.

Уфқ ортига беркинади Офтоб ҳозир,
Қизаргани унинг — хайр деганидир...
Шундай ўтиб боради вақт, қайтмайди.
Сени мангу ўз эркинг-ла ўйнатмайди.
Куз ҳам келар, мавжинг сўниб, сен толарсан,
Қиши ҳам келар, муз остида йўқоларсан.
Оқ булоқлар.

Ошиққан оқ булоқлар.

Хозир Кўклам.

Олдда Ёз.

Чопқиллаб қол.

ТУҚҚАН ОВУЛ ТУТУНИ

Ватан — менинг тўқислагим, бутуним!
Мен биламан: юртим бахти, қути ким?!
Эрта наҳор туриб элдан эртароқ,
Эслайман мен овулимнинг тутунин!..

У бамисли жимирилаган кўлдайдир!..
(Ҳамон мени ўз ёнига кел дейдир!..)
Оқ уйларда кўк рўмоддай еловагай,
Сарин елда ҳилпирашин кўрсанг бир!..

Ҷўққиларга олтин офтоб қўнган он,
Шабнамга нур чайиб ютгум мен чандон!
Ўхшатаман шунда мовий тутунни
Байробига тирикликтининг бегумон!

Кут-файзини қўшиб эзгу тилакка,
Шеърларим-ла қўтардим мен юксакка.
Узоқларда ўраламан то мудом —
Шу ёқларга олиб учган юракка!

Сўзларимга мовий осмон кафил, тан,
Шу тутуннинг иси менга ажиб, шаън.
Кенгликларда қўзин очган мен учун —
Шу тутундан бошланади чўнг Ватан!

ОХИРГИ ЎЛАН

Охирги,
энг охирги,
сўнгти ўлан,
бунча нохуш,
бунча совуқ номинг недан?!

Барибир ҳеч кўрқмайин,
титрамай ҳеч,
мен сенга яқинлашиб бормоқдаман.
Тақдирнинг азал-азал нози маълум,
тоқати йўқ бунга ҳеч баъзиларнинг...
Сирларим — дил тубида гарчи борсан,
маълуммас лекин қачон ёзиларинг.

Сен мени бехос бир кун топармисан,
тепамда чақмоқ бўлиб қотармисан?
Чирқираб қолармисан бош устимда,
сен ўзинг кўзларимни ёпармисан?
Ва ёки етказгали шум хабарни
халқимга қора кийиб чопармисан?!

Баҳслашиб табиатнинг зонги¹ ила,
ёзгайдир асл оқин қони ила.
Хўшлашмоқ ҳаёт билан осон эмас,
ўлурман мен чин ўлим шони ила.
Ишонч-ла чиқдимми, бас, йўлга дадил,
келажак кўзига мен боққум адил!

Гоҳ бўлар мисли чаман ўнгу сўлим,
ўйларим чечак очар,
куйга тўлиб...
эслатар лек эртамни беихтиёр
ҳар ўлан — худди сўнгти ўлан бўлиб.
Сўнгги он қай манзилда топар мени,
бу сўнгги ўланимда ёзгум нени?

То мудом соф тутдимки имонимни,
солгайман мен унга бор имконимни,
Билмадим, кўтарарми дуч келган кас,
кетсам гар орқалатиб армонимни!..

Қаршингда бош эгарлар, олганча тин,
танқидчи тош отмагай сенга, тайин.
Юарсан Уюшмала, давраларда,
“Дўстингиз қадрин билинг!” дегандайин.

¹ Зонг — қонун.

Күз ёши вужудидан оқиб сим-сим,
ёрим ҳам ўқир ўкраб ҳар бир байтим.
Мунғаяр дўстлар тугул, ёвларим ҳам
фараздан қуюб-ёнган — тирик пайтим.

Сен ўжар сууримга доим ёрсан,
демайман, номим мангү қолдиарсан.
Дафъатан кўзи тушган лоқайд қалбни,
чорасиз теран ўйга толдиарсан.

Ҳисларим мангү қайнаб-тошар сенда,
Дардини туйгай балки башар сенда.
“Ҳаёт!” деб ёниб ўтган юрагимнинг
Сўнмас бир ҳайқириги яшар сенда!





Кенгшилик МИРЗАБЕК

(1946)

1946 йил 6 июнда Түргай вилояты, Жанкелди туманининг Ақчиганоқ овулида дунёга келган. Илк ижоди мактаб даврида бошланган. Кейинчалик шеърлари вилоят ва республика газета-журналларида чоп этилган. Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Давлат Миллий университетини тамомлагандан сўнг "Жетису", "Қозок адабиёти" газеталарида хизмат қилди.

Унинг "Ажаб дунё" (1972), "Сурурли даврон" (1976), "Хуморли нигоҳ" (1985) каби салмоқли тўпламлари чоп этилган.

Кенгшилик Мирзабек ҳозирги замон қозоқ шеъриятида ўз ўрнига эга шоирлардан бири.



БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Туққан ер, қайтдим яна қошингга мен ғамгин,
Эңтиккан ғоздай таъмини түйдим мунг-ғамнинг.
Күнгир тепамнинг устида маҳзун турарман,
Қабрини күриб ўтган йил кеттан оғамнинг.
Күнгир тепадан бир сиқим тупроқ оларман,
Күз ёшимга ийлаб, қабрингга бориб соларман.
Наҳотки! — дейман ўқиниб, — ҳоли шу бўлса
Мен учун умрин бахшида қилган одамнинг!
Туйгуларимдан бамисли маъво тузарман
Күз ёши ила кўнгилни бир зум бузарман.
Барчаси ўтмиш. Елдайн ўтган умрнинг
Уммондай чексиз ғамида қалқиб сузарман.
Хаёлларимга кўрган тушдайин қонарман.
Танамга ўтлар туташиб, ичдан ёнарман.
Ой муҳри тушган қабр тошининг олдида
Майда ғамлардан, майда ҳасратдан тонарман.
Туққан ер, қайтдим яна қошингга мен ғамгин
Бошига бордим ўтган йили ўтган оғамнинг.
Сизлади ўрни ярамнинг,
Тупроққа тупроқ соларман,
Соларману унсиз қоларман.
Айрилган ушбу тупроқдан
Аввал бошда бирга яралдим,
Тупроқ дегани — туққан ер,
Иси бу — туққан онангнинг.

* * *

Ўзга бир ерда кўклам билан бугун тўқнашдим,
Иккимизгина... кўрмади бизни ўзга ҳеч ким.
Мен талай кўклам ёғдуларини кўрсам-да,
Кўҳлигин бундоқ авваллари ҳеч сезмасдим.

Биргина лаҳза — бутоғим гулга чулғанди,
Биргина лаҳза — булоғим эриб, уйғонди.
Биргина лаҳза — ёзилди юрак хумори,
Биргина лаҳза — тарқади кўнгил губори.

Бир ондан кейин совиди буткул ўт-танам,
Булоғим қани, бутоғим қани күклаган.
Шу бир лаҳзада капалак бўлдим, ўлдим мен!
Нетайин ўлсам...
“Ёзмишдан ўзмиш йўқ” деган!

ЭСКИ КИНОТЕАТРДА

Турибди кинотеатр —
Қайси бир замон қурилган.
Эшиги устига бир вақтлар
Қора қоплама сирилган.

Поллари кўп бор бўялиб,
Томи ёпилган неча бор.
Ёнидаги ариқ йўқолиб,
Бир уйча тушган нақшинкор.

Ўша-ўша қизил гиштлар ҳам,
Қизили кетиб, унниққан...
Чириллар тўрғай дам-бадам,
Пана ахтариб иссиқдан.

Саҳна ўшадир...
бурундан
Сирли сехрини қўймаган.
Экран ҳам ўша — ўрнида,
Турфа шуълалар ўйнаган.

Кўринди
қиз-йигит шу дамда,
Келар бир-бирига қўл бериб.
Билмаслар
менинг танамда
Кетганин бирдан муз эриб.





УЛУҒБЕК ЕСДАВЛАТ

(1954)

Шарқий Қозоғистон вилоятининг Зайсан туманидаги Улкан Коратол қишлоғида туғилган. 1977 йилда Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини битирган.

1974 йилда ёш шоирларнинг шеърларидан тузилган "Қанот чиқди" түпламида илк шеърлари зълон қилинди. Халқаро "Алаш" мукофоти совриндори. 2001 йилда чол этилган "Кигиз китоби" номли түплами учун Абай номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Улугбек Есдавлат – замонавий қозоқ шеъриягининг кўзга кўринган йирик вакилларидан ҳисобланади.



БУЛУТЛАР ВА ЙИЛҚИЛАР

Онамга

Йиллар худди йилқиларга ўхшарлар,
Тошлари бор — нақ тепанғдан учарлар.
Түёқ тегиб кетмасми деб бехосдан,
Онанг сени минг ҳадикда қучарлар.

...Болалигим — эндигина эс кирган.
Сиртга чиқдим,
Ташқарида кеч кирган.
Осмондаги лов-лов ёнған булутлар
Огоҳ этмоқ бўлар эди бир сирдан.

Уфқларга ташна, хумор чоқда мен,
Билолмадим булутни ким ёққанин.
Кўрдим бир пайт — йилқиларнинг уюрин
Кўча тўлиб менга томон чопганин.

Йўқ, қочмадим!
Кўркув ҳам йўқ ўйимда,
Туравердим караҳт қотган кўйимда.
Куюн каби келар эди йилқилар,
Тушмоқчидек менинг-ла нақ ўйинга.

Бир тўп тулпор четлаб ўтди қошимдан,
Қолганлари сакрайверди бошимдан.
Қараб қолдим сафрисига отларнинг,
Осмондаги булутларим яширган.

Дупур-дупур...
Титрар эди замин зир.
Теварагим зўр талотум эди гир.
Тош туёқлар учар экан тепамдан.
Кулогимга ўткир нидо келди бир!..

Ялт қарадим —
Қўлин чўзиб ушбу он
Туарар онам чеҳрасидан қочиб қон.
Куюндейин кўчар эди йилқилар,
Түёқларнинг орасида — мен омон!..

Йиллар худди йилқиларга ўхшарлар,
Тошлари бор — нақ телангдан учарлар.
Туёқ тегиб кетмасми деб бехосдан,
Онанг сени минг ҳадикда кучарлар.

Ўшандада уч ёш эканман мен, ёҳу!
Ўттизданман бу кун —
Дилда ғам-қайғу...
Кечада тағин Онам кирди тушимга,
Туарарди мен томон қўлин чўзиб у...

ОЛТОЙ АЁЗИ

Қизил ой ўй босқонини босганда,
Қоялар нақ тунукадай қизарар.
Бамисли ўқ илондайин осмонда
Думли юлдуз оғиб борар!

Чакмонини кийган чолдай индамай
Юлдузларга термилади тун карахт.
Қизилқанот изгиринга чидамай,
Чақмоқдайин қарсилайди дов-даражат.

Кенгликларда, қадам етмас жойларда
Яхлаган қор узра шуъла жим инар.
Қават-қават муз боғлаган сойларда
Қасир-қусур муз синар.

Тунд тоғларнинг тинч авзойи бузилди,
Улиб қолди оч қашқирлар бағрида.
Ва бу улиш титраб-титраб узилди,
Сингиб йитди қир-адирлар қаърига.

Изғиринда тўнган итлар ушбу он
Фингшиганча эшикларни қучарди.
Чўпонларнинг болалари хуш-хандон,
Ой нурида яхмалаклар учарди.

ТУФИЛГАН КУН

Дастурхонда ҳамма нарса бор, тайин...
Бироқ кампир юрагини дам сайин —
Хавотирлар босар, күнглин қилас ғаш
Меҳмонларнинг бирортаси келмайин.

Туғилган кун.
Бирортаси келмади...
Кекса дилга изтироблар томади.
Бир ўтириб, бир турганча аланглаб,
Тор кулбага ўз-ўзини қамади.

Бу ёлғизлик етса-да ёшга талай,
Бу кун ёлғиз ўлтиролсин у қалай?!
“Кел-май-ди!” деб соат чиқ-чиқ қиласди,
Турап эди телефон тошбақадай.

Ташга чиқди...
Ой берар кўкка пардоз.
Гир айланиб ифор еллар айтар роз.
Бирам майин эди кўклам оқшоми —
Кушлар сайрап, ҳаво илиқ, бирам соз!

Изҳорини дуркун шохда этиб жам,
Олма гулин тутар унга ушбу дам.
“Қутлуғ бўлсин, бувижон!..” деб бамисли,
Бир томонда бидирларди чашма ҳам.

Юлдузлар ҳам ушбу дам жим турмайин,
Ўпаверди кампирнинг нур манглайин.
Кекса она қучогин очди аста,
Меҳмонларин қаршилаб олгандайин.





Кулаш АХМЕТОВА

(1946)

Кирғизистоннинг Кировка қишлоғида туғилган: 1968 — 1973 йилларда Қозоғистон Давлат университетида ўқиган. "Жалын" нашриётида шеърият бўлими мудири бўлиб ишлади.

Шеърлари қатор қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Анна Ахматова, Александр Межиров, Саломея Нерис, Назрул Ислом, Эдуардас Межелайтис шеърларини қозоқ тилига таржима қилган. "Мөхнатда фидокорлик кўрсатгани учун" нишони билан мукофотланган.

Унинг "Оқ гулим менинг"(1975), "Сен менинг баҳтимсан"(1977), "Япроқ — ёзнинг юраги"(1979), "Мұхаббат иили"(1980), "Мехр"(1981), "Булоқдаги юлдузлар"(1982), "Яшил яйлов"(1984), "Лайлаклар қайтиб келгандა"(1985) каби тўпламлари чоп этилган.



РОСТ СҮЙЛАР ДАМЛАР

Давр келиб, жақон бизга қарар энди,
Ялтоқилар ундан узр сўтар энди.
Қалбингдаги айтар гапинг кўрқмайин айт,
Янги замон шаън-ғуруринг кўрап энди!

Вақт дегани умр учун синовдир энг,
Тирикларга бағри унинг доимо кенг.
Ўкинаман, шу кунларга етмади деб
Оташ қалбли Муқағали ва Жумекен.

Фам кўп эди, йўқчилик ҳам ошқинди хўб.
Қаттол замон не бир зотни айлади чўп.
Ҳа, ёзилди оддий сўзлар, улуғ ўйлар,
Лек, ҳар қалай, айтилмади чин сўзлар кўп.

Шеър-ла улар элга зиё, нур сочдилар,
Эрк, ҳурликка янги, ёрқин уфқ очдилар.
Улар қалбин қандоқ куйлай олиш мумкин,
Эсламасанг Илёс, Сакен тақдирин гар!

Илғор эди улар доим — ҳар қандай дам,
Юртнинг эрки дея улар чекдилар фам.
Ҳурлик даври келган маҳал бизлар дадил,
Рост сўз сўйлай олармизми улар-чун ҳам?

Юрт илҳақдир — қайда туйғу ўтлию чин,
Озод фикр чўққиларга кенг тўш урсин.
Юксакларга чорлаб дилни доим, ҳар вақт,
Рост сўз бугун томирларда, ҳа, жўш урсин!

* * *

Яшнаган тулдай — жамоли гўзал кентимсан,
Кўклам тағин кўксингга зийнат келтирсин.
Бинолар бўй чўзиб, қанотин уфқа керган,
Диёrim эркасисан сен, эркинсан.

Олмаотам менинг, шодлигим, туйғулар наҳрим,
Сулув тонгларингни кўриб очилар баҳрим.
Ёзда — гулларга, қишида қорларга чулғаниб,
Шоҳи булултардан рўмол боғлаган, шаҳрим!

Фавворадан кумуш учқун сўлу соғларда,
Йигит-қиз терар нақшин олмалар боғларда.
Наволи оқшомлар япроқлар сир айтар тинмай,
Булоқ саслари тинмас бу ажиб чоғларда.

Кўнглимни рафторинг-ла сарафroz этдигим,
Дўсту қадрдонларга очиқдир эшигинг.
Харир еллар сени чулғарлар ҳар ёқдан,
Табиат — онанг, Олатов — сенинг бешигинг.

Бошига чиққайман агар чақирса Кўктепанг,
Кўктепа ёқдан кўрингайсан сен кўп тўман¹.
Зангор ҳаволарда қалқан чеҳрангга боқиб,
Чўмгум хаёллар, ажиб ўйларга мен теран.

Гуллагум бирга, гулдайин бўлсанг агар сан,
Кўкаргум бирга, кўкламда сен ҳам кўкарсанг.
Сен билан бирга селга ҳам қарши тургум мен,
Сен билан бирга кўргайман сенки не кўрсанг!

* * *

Юрагимни мен ҳамиша кенг айлаб,
Сўз сўзладим одамларга авайлаб.
Керак эмас асло енгил-елпи бахт,
Юрмагайман уни қалбга мен жойлаб.

Бўлмаса-да гарчи мен суянарим,
Кўпчиликка манзур ижод-шеърларим.
Яхши деган одамнинг ҳам ёнида
Нимагадир қум бўп турап жигарим.

Неки ишга мен астойдил киришдим,
Кимлардандир ранжиб, ким-ла суришдим.
Бир мақсаднинг этагини тутган дам
Бахтли бўлиб кўринмоққа тиришдим.

Бахт нимадир — борми бу ё бекор гап?
Тулки бўла олмадим мен биланглаб.
Тулкилар ҳам кулки бўлар бир кезда,
Пайқайдиган одам бўлса — жим англаб.


¹ Пастликда маъносида.

Чин оқинга илинж, таъма азал ёт,
Асл одам қалбинг туяр шу заҳот.
Рўйхатларга тиркалганда ким — мамнун,
Шундайларнинг қаторида мен наҳот?

Балки орзу йўлида мен тўзарман,
Лекин ҳали кўп ўланлар ёзарман.
Асрлардек пойдор бўлган бу элни
Одамларга англатмоқлик — зўр армон.

* * *

О, менинг сатрларим, жажжи қушчалар!
Қайларда учдингиз — куйламоқ учун?
Сизни қандай қисмат кутмоқда бу кун?
Қийнар тушларимда бир орзу яккаш —
Сиздан хайриҳоҳ дўст топгайми хабар?
Афв этинг, олисларга учирдим сизни...
Энди мен кузата олмасман сира
Бу кун бориб етган манзилингизни.
Бироқ ишонаман, сизлар юракка —
Қаҳр ва қайғу ёт, ишқдан мунаvvар
Юракка беҳадик қургайсиз ошён,
О, шеър сатрлари, маъсум қушчалар!
Машаққатли йўлнинг азобларига
Чайир қанотингиз дош беролдими?
Ёхуд тиришқоқлар, баҳил ва зўрлар
Сафида беимкон, ожиз қолдими?
Ё шубҳа-гумоннинг бадкор шамоли
Кўндиридими сизни аросат жойта?
Муяссарсиз балки сиз аллақачон
Зангор боғлар қўйни, тансиқ чиройга.
Ва унда, ложувард осмон остида
Юрак сатрларим ўзгалар учун
Тирилтиргандирсиз, улар қатида
Ниҳон эди сўзлар —
Қувноқ ва маҳзун!
Қушларим, чўчиманг, ҳадиксираманг,
Куйчининг қисмати — ўртаниб куйлаш.
Парвозингиз йироқ уфқларни қуссин!
Қўшиқ юксаклардан қуласа агар,
Инсон юрагин нақ устига тушсин!





Ақуштап БАҚТИГЕРЕЕВА

(1944)

Үрол вилоятидаги Оқёйиқ туманида таваллуд топган. 1961 — 1966 йилларда Қозоғистон Давлат Қызлар Педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган.

Вилоят ва Республика миқёсида ўтказилган оқинлар айтишувида бир неча марта ғолиб чиқкан. Шеърлари Москва-даги "Детская литература" нашриётида чоп этилган.

Унинг "Үримтол"(1967), "Ноз"(1959), "Кувончим, инкорим"(1971), "Сени ўйлайман"(1973), "Оққанот"(1975), "Баҳт күшиғи"(1978), "Ёйик қизи"(1980) ва бошқа тұпламлари әълон килинган.



БУЛБУЛ

Боғ қўйнида булбул сайрар дамо-дам,
Кўйлар оқиб келар тонгги ҳаводан.
Сайрайди у тўлиб-тошиб тинмасдан.
Бутун борлиқ масрур ажиб наводан.

Наво керак қирга айни кўкламда,
Наво керак оқ чўққига бу дамда.
Нима етсин ажойиб. шаън умрда
Бир булбулдай масрур сайраб ўтганга!

КЎНГЛИМ МЕНИНГ

Кўнглим менинг бегараздир — англа, бил,
Қошимга сен ҳар қандайин пайтда ел.
Сўраб келгин кунда минг бор суюнчи,
Яхши гапдан, эзгуликдан айтиб кел.

Уйкум, майли, бузилса ҳам ярим тун,
Дарвозамни қоқавергин бериб ун.
Кўйлагимнинг асилини сен учун
Суюнчига мамнун бериб юборгум.

БИЛМАДИНГМИ?

Сен мени кўп кўргансан
Бувимнинг орқасида.
Сен мени кўп кўргансан,
Мактабнинг партасида.

Кўргансан кўклам кези
Оқ Ёйик ёқасида.
Кир-адирда гул терган
Қизларнинг орасида.

Боғларда кўрдинг мени,
Чаманларда кўрдинг шаън.
Эдинг сен ўша пайтлар
Содда йигит, уятчан.

Ҳар сўзингга кулардим,
Келган чоғлар рўпара.
Энди сени қўмсайман,
Дийдор учун йўқ чора.

Софиниб сезмай қобман,
Умрнинг ўтганини.
Билмадингми ўша қиз
Сени кўп кутганини?

ҚИЗҒАЛДОҚ

Кўкка беланган қирларнинг
Чечакларини кўп тердим.
Чўғдек товланган қизғалдоқ,
Совғасимисан кўкламнинг?

Кўкдай яшнадим кулиб мен,
Қувондим гулни юлиб мен.
Кўкламни суйган қизғалдоқ,
Зоримидинг бўз йигитнинг?

Муждаси бўлиб баҳорнинг,
Бағрида ундинг қиш-қорнинг.
Айта қол менга, қизғалдоқ,
Сирдошимидинг қизларнинг?

* * *

Кузда кетгум оралаб боғлар ичин,
Мафтун айлар кўкламнинг гулзори чин.
Сахий ёзин хуш кўргум кенг даланинг.
Қишини эса суюман оқ қори-чун.

Бу диёрга маҳлиё бўлиб чиндан,
Сув ичаман Йртиш ва Ёйигиндан.
Титраб кетар юрагим барг узилса,
Бемаврид бу кенгликлар қайининдан.

ОҒАЛАР

Сизлар осмон бўлсангиз,
Бизлар хумор қараймиз.
Сизлар достон бўлсангиз,
Ёдламоққа яраймиз.

Сизлар чиққан чўққига
Маҳлиёмиз биз ҳар чоғ.
Сизлар тиккан байроққа
Туширмасмиз асло доғ.



Қанипа БУҒИБАЕВА

(1942 — 2004)

Толдиқұрғон вилояти, Оқсув туманида туғилған. 1983 йили Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Бир қанча шеърлари қозоқ шоирларининг рус тилида чоп этилған "Чудесный сад" түпламида зълон килинганды.

"Алаш" номидаги Халқаро адабий мұкофот совриндори.

Унинг "Тұңғич китоб" (1963), "Иккінчи дафтар" (1965), "Оқсут" (1968), "Қоратұрғай" (1970), "Она туя" (1973), "Она қүшиғи" (1974), "Киздәврон" (1979), "Күк булутлар" (1982), "Менниңг овозим" (1984), "Гуллар күзини очғанда" (1985) сингари түпламлари чоп этилған.



УМР КУЙИ

Онасиман – ўғилу қыз боланинг,
Шеър ёзишдан тұхтамас ҳеч қаламим.
Тинглаганим, тинимсиз умр күйи,
Бу күй эрур суури кенг даланинг.

Илҳом берган шу далам, нечун тонгум!
Хар тонг туриб мөхрига дилдан қонгум!
Толе тиляб мен унга, зафар тиляб,
Юрагимнинг ўтида лов-лов ёнгум!

Айландик биз юксак бир эманга чин,
Нари бўлсин қалблардан адоват-кин.
Саҳардаги тошбулоқ мавжидайин
Гўдакларим кулгиси узилмасин!

* * *

Гулларимни кўкламга билдирайин, деб келдим,
Кўкламимни кўрмоқقا улгурайин, деб келдим.
Туйгуларим гул очиб – гуркурайин, деб келдим,
Қарамасант қайрилиб, жим турайин, деб келдим.

Дилдан ёниб суймасант, ялинмайман, ёмон кўр,
Ёшлигимнинг гул чоғин фироқларда қилдим хўр.
Мунгинг айтиб юракнинг ялинмайин, деб келдим,
Ўзинг борсан, ўзгани соғинмайин, деб келдим.

Куз келса-да, суурин туйиб қолай кўкламнинг,
Менинг учун зиндонда бўлмоқ сенсиз ўтган кун.
Мен кўнглингнинг боғида гул терайин, деб келдим,
Кўзларингнинг тубида кун кўрайин, деб келдим.

Қўриб кўклам кўркини “уҳ”ламайин, деб келдим,
Ўзинг лов-лов ёнмасант, пуфламайин, деб келдим.
Қўлимдаги гулимдан гул тутайин, деб келдим,
Орадаги гинани унутайин, деб келдим,
Кўй-чи барин, ўзингни бир кўрайин, деб келдим!..

ТУНГИ ЁМФИР

Тунги ёмғир — мунгли ёмғир томчилар,
Томчилардан ошган қандай анчи¹ бор?
Деразамни чертиб турган саслари —
Менинг маъсум юрагимни қамчилар...


Эй сокин тун, оғушингни сўйдим кўп,
Туйғуларнинг ёлқинида кўйдим кўп.
Овлоқларда гўзаллари осмоннинг
Гул-фунчалар ила рақсга тушар хўб.

Черт-чи тағин юрак торин, ёмғирим,
Фақат сенга ишонгайман қалб сирим,
Тун ёмғири эсга солар гоҳ масрур —
Тўрғайларнинг саси тўлган дашт-қирим...


Кўзи ёшли булат сочин тараб соз,
Теваракка шафақ берар заб пардоз.
Ёдлаб олиб тунги ёмғир қўшиғин,
Кушлар уни айтар тонгга такрор, боз...

Бунча қисқа шаън умрнинг эртаги,
(Йўқ, биламан, якунига эртадир!)

Ювиб-чайиб тун ёмғирин саслари
Туйғуларим ойнакларин чертадир...



¹ Куйчи, қўшиқчи.



Хонбиби ЕСЕНҚОРАЕВА

(1949)

Жанубий Қозогистон вилояти Сариоғоч туманида туғилған. 1972 йилда Чимкент Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. У "Қозогистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонига эга.

Хонбилининг "Илк тұплам", "Юлдуз", "Мұхаббатим мангу", "Ҳақиқат томон суздим мен", "Күшиқларим – сирларим" каби шеърий китоблари ўқувчилар меҳрини қозонган.



ЙИГИТЛАР

Сиз — элим юксак тоғи,
Сиз — күнглиминг ардоғи.
Сулув-ку күп даламда,
Йигитсизми, қозоғим?!

“Элим-ов” деб куйладик,
Ажыб ўйлар ўйладик.
Мүмін бўлиб ўсдик биз,
Қал кермадик мағрур, тик.

Дашт-далада чўлладик,
Дашт-далада ўрладик.
Қай товондан топталиб,
Кимдан хўрлик кўрмадик!

Гоҳ мурғак жон сўлганда,
Қалъя кулга тўлганда,
Боболар кўзига ёш —
Келган онлар бўлганми?!

Гўдак ғамин еганлар,
Айлангандай әманга —
Кўз юмар лаҳзада ҳам,
Биз енгилдик, деганми?!

Совут бўлди қийгани,
Ёвга бошин эгмади.
Қоқилди не тулпорлар.
Не ўтовлар куймади?!

Тарих чангин қоқмайлик
Ва нуқул айб тақмайлик.
Мард қозоқ йигитларин
Ардоқлайлик, сақлайлик!

УЛУФ ДАЛАМ

Яшил олам, уфқа етган, далам,
Юрагимга илҳом бахш этган, далам.
Хаёлларинг, исмисиз сўқмоқларинг
Менинг кўнглим қаърига кетган, далам.

Кўйлак қилдим ложувард кўкламингни,
Куёшингдан кўзларимга нурлар инди.
Кенгликларга тўниб-тўниб боқдим баъзан,
Ёш жисмимга боболарим руҳи сингди.

Не бир зотлар — мижжасида соғинч ёши,
Келар улар сени йўқлаб, тўлиб-тошиб.
Бари ошиқ ўзингга, Улуг Далам.
Наслларинг, зурёдларинг бари ошиқ.

Меҳрим сенга бахшидадир, дилда титроқ,
Майли, учқур орзуларим учсин йироқ.
Алвон шафақ оғушингга олгин, далам,
Офтоб энди юрагимнинг тўрида нақ.

Қайда юрсам юрадирман бахтинг кўзлаб,
Йироқларда юпанаман сендан сўзлаб.
Қалдирғочдай сингайин-ей уфқларингга,
Турналардай талпинайин бўзлаб-бўзлаб...

УМР ЎТИБ БОРАЁТИР

“Оқ кўнгил”, — деб, бирорлар, “кеқкайган”, — деб,
Умр ўтиб бораётири, умр ўтиб...
Кимдир кетса юз кўрмасдек буткул мендан,
Кимдир юрар изларимни тавоғ этиб.

Кимларнингдир ўз суюнчи — “тоғи” бўлар,
Шундан ўзин зўр санайди ҳар дам улар.
Ўзгартолмас дидинг сенинг ҳеч кимни, бас,
Одамларнинг разили бор, асили бор.

Бирор дейди, омал қуши қўнсин менга,
Тахтинг борки, бирорлар дўст бўлар сенга,
Кечирардим мен барчасин бехижолат,
Имонлари нур сололса юрагимга.

Дилни тошдек эзар завол аҳду паймон,
Юрагимда орзудан ҳам күпдир армон.
Кечирадим тоғдек улкан хатоликни,
Бўлмасайди агар унда риё, ёлғон.

Умр оқар, деманг менга мақтov, ёрлиқ,
Менга гоҳи ойдин, гоҳи жумбоқ борлиқ.
Кўп нарсани хуши кўрмайди кўнглим, дўстлар,
Ки шулардан — маккорлигу фитнакорлик.

Шунданмикин ношудликдан қўрқаман мен,
Аммо гумон қоясини йиқаман мен.
Минг ўйларга кўксимни мен минг бор уриб,
Минг ўйлардан минг бор омон чиқаман мен.

ЧАҚМОҚЛИ ТУН

Дириллатиб, гумбурлатиб ҳар ённи,
Наврўз келди бошлаб селу суронни.
Уфқ осмони кўклай бошлар ошиғич —
Олтин ип-ла тўзган, жуллур чакмонни.

Қора булат — худди чакмон минг қуроқ,
Тўзган барин илди тоққа у шу чоқ.
Онда-сонда тун зулматин бағрида
Ярқиллайди сойга чопган оқ сўқмоқ.

Тун чақмоғин тоғ бағрига сермади —
Олмос тиғдан дашту дара яшнади.
Шунда дир-дир титраб қирда оқ бия,
Саман айғир ер тепиниб кишинади.

Тун далалар майсаларга чулғанди
Ва адирлар яшил-яшил тўлғанди.
О, қанча гул бош кўтарди қоқ ердан,
Қанча умид чечаклардек уйғонди!

ҚАЙГА КЕТДИНГ?..

Кўпдан бери бир азобда, оҳ, дилим,
Дардларимнинг изҳорига гунг, тилим,
Дердим, ўтли юрагимни от, майли,
Ёнмаса у сени дея, севгилим!

Дала — туман, дилда — ғашлик, тун — оғу,
Интиламан, ахтараман мен ёғду.
Азоб берар, азоб берар, нетайин —
Хеч кимсага ёролмаган дардим бу.

Мудом менинг юрагимда ўшал дард,
Олис ёшлиқ құшиқлари — гүзәл дард.
Қайга кетдинг, муҳаббатим сиймоси,
Йүқлаб келгин ҳузуримга, бўлсанг мард.

Қани энди у лаҳзалар — гул сайли,
Неки бордир йитар, мангу турмайди.
Аммо, нетай, соғинч отлиғ бир ҳасрат
Оч бўридай юрак-бағрим тирнайди.

Кўклам кезар теваракда — сен йўқсан,
Хазон тўзар боғчаларда — сен йўқсан.
Кўмсайсанми мени бир бор, билмадим,
Сен ноласан, кўнглим аро андуҳсан.

Маҳзун-маҳзун ўйлаб ҳолим харобдир,
Армон деган оғули май, шаробдир.
Ичдим уни, қониб ичдим — ўлмадим.
Ичтан сайин, ичган сайин — чўлладим.

* * *

Олчалар ғарқ пишган боғ,
Индамай турдинг, бегим.
Увол кетар бари, оҳ,
Наҳотки келмас егинг?!


Ўриклар-чи — олтин-ол,
Шоҳларин тутар арант.
Турсами тентак шамол,
Кучар барин тўзон-чанг.

Қара, кузги олма бу,
Севгимиздек бизнинг ёўр.
Уни ҳеч ким узмаса,
Қор ёққанда бўлар хўр.

Майса эди — күкалам,
Ажиб сирлар қалбингда.
Чит күйлак кийиб бу дам
Қиз турарди олдингда.

Сулувлик — биллур томчи,
Ташламадинг бир нигоҳ.
Үзи ұтинган он бу,
Кейин қилма аттанғ, ох.

Бу он қайтиб келмайди,
Учиб кетар изи ҳам.
Кунлар гүзәл — эртанги,
Кечаги — солар алам...





Турсуной ЎРАЗБОЕВА

(1948)

Турсуной Ўразбоева Чимкент вилоятининг Сайрам туманида таваллуд топган. Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. 1980 йилдан бошлаб Қозоғистон радиосининг адабий-драматик Баш таҳририятида фаолият кўрсатди.

Т. Ўразбоева айтишув оқини сифатида ҳам танилиб, вилоят ва Республика миқёсидаги бир қанча нуфузли мусобақаларда голиблар сафида бўлди. Унинг шеърлари "Тонг шафаги" (1977), "Юрак оҳанглари" (1981), "Сен менинг баҳоримсан", (1986) номли тўпламлари орқали кенг ўкувчилар оммасига етиб борган.

МОСКВА ДАФТАРИДАН

Дегандайин — қулоқ тут розим тинглаб.
Йиғлоқи куз, турибсан тағин йиғлаб.
Сени англар ўзим бор, дардинг сўйла,
Кетди кўклам йироққа бағрим тиғлаб.

Нафаси-ла музлатиб хуш дамимни,
Олиб кетди қайтмас вақт — кўкламимни.
Ажиб кўшиқ сурурин унугандай
Қўбиз — вужуд чертади мунгли унни.

Таскин берар юпатиб озурда тун.
(Киши аёзин кутади энтикиб ким?!)
Естиғимнинг ифори кетган йироқ.
Ташқарида хун ёмғир йиғлар сим-сим.

Шукуҳсиз куз шуурдан ҳеч жилмайди,
Қалбингта ғам тўшашин вақт билмайди.
Қучоги гул кўкламнинг меҳрин қўмсаб,
Тунд осмоннинг қовоги очилмайди.

Куз ёмғири руҳим банд этган чоғи
Ёдга тушар севгининг армон-доғи.
Мени тунлар уйғотиб дилгир этар,
Йироқ кетган кўкламнинг янгироғи.

* * *

Бирор тўқ ва секирап исинмоқ-чун,
Бирор не бир ҳасратдан юраги хун.
Кўзин артар енги-ла қариялар,
Руҳи сўнган ҳайкалга боқиб беун.

Турфа хил кас тўргайдек тизилади,
(Кишдан дарак беради кузнинг ранги).
Бармоғини нуқийди бир чорасиз,
Ўчи бордай дунёдан, ғижинади.

Умид ўлди, хор буткул — недир сабаб,
Бой ва гадой замони бўлди-ку заб.
Тўқ-бисёрлар керилиб “қадр” топса,
Юрар кўплар тўрваю қоп орқалаб.

Нарху наво этмоқда дилни зада,
Мискин ранглар илашди шуълагана.
Кимга — жаннат, ким учун дўзахдир нақ
Издиҳомга айланган бу чўнг қалъя.

* * *

Кузги осмон хўрсиниб, мунгли ёғар,
Фамли умр ҳасрати кимга ёқар?!
Кимсаларнинг оҳ-воҳи, дардларидан
Мағрур Пушкин ҳайкали маҳзун боқар.


Тундлашади кўчалар,
 Қизил майдон,
Кетгандайин ундан файз, викор, бу он.
Дўстлик сўзи янграган бу маъвода
Фудранади кимлардир ёқавайрон.

Гижбанг куйдан чарчайди асаб-мия,
(Йигит қизга осилар — суя-суя...)
Эл қўргаган эрларим бош қўшган ер
Бўлмиш бу кун иблису жинга уя...

Масту аласт — юзига сочгандек кул,
Сулув қизлар тортинмай сўрайди пул.
Гўдак ила сирлашар жон топмайсан,
Оқ каптарлар ўрнида зоғлар нуқул.

Кузга боқиб жунжикар қайин ҳаргиз,
Унда кўклам рангидан қолмаган из.
Бахт қўшиғи куйланган бу майдонда
Хайр-садақа сўрайди турфа бахтсиз.

Билди кўплар қисмати шўрлигини.
— Ким босар, — деб, — кўнгилнинг хўрлигини, —
Кўча кезган хоксорлар хўрсинади,
Бахтим дея айттолмай хўрлигини.





Сакен ИМАНАСОВ

(1938)

Толдиқүрғон вилояти Олакүл туманида туғилған. Халқаро "Алаш" мукофотининг совриндори.

Унинг "Она қишлоқ" (1966), "Оқ-ойдин" (1969), "Ақдариға" (1973), "Жайдарман" (1975), "Ошиқ дунё" (1976), "Давр күшиғи" (1978), "Ошиқман сенга" (1981), "Олтин аймок" (1982), "Кир-адирлар" (1985) сингари шеърий тұпламлари чоп этилған.



ОВУЛ ЁҚҚА БОРСАМ ДЕРДИ...

Олмаотага сиғмай қолса дил дарди,
оқин ўзин доим йўлга қистарди —
арғумоқда елдек учиб, энтикиб,
овулинни тезроқ кўрмоқ истарди.

Юрагида ажиб соғинч жўшган дам,
кетиб шаҳар шовқини, қий-чувидан,
етиб олсам азиз туққан еримга,
дерди, қониб ичгум унинг сувидан.

Гоҳ чорасиз қолганда ғам-қайғуда,
узлатларни истар эди дил жуда;
ҳангомалар тинглаб ётсан дерди у.
ётган кўйи ям-яшил қир устида.

... Лек овули энди файзсиз — тунд яшар,
аввалгидай самимиыймас — диллашар.
Бирор кимса кўринмайди қир узра.
бирор кас йўқ унинг билан тиллашар!

Тикиларкан тубсиз жарлик, ўнгирга,
беихтиёр ях-муз тўлар кўнгилга.
Сўзлашиб йўқ аввалгидек жайдари,
кўшиқлар ҳам эмас энди у билган!

Ўзгардими ёки осмон, кўхна ер,
қолмадими тұяда куч, отда бел —
кўринмайди сира чиндан соғиниб.
күчогини катта очиб чиққан эл!

Ҳали ўзи ёшу бир дам бўлса-да,
гоҳ сиқилиб, кўнгли ғамга тўлса-да,
аввалгидек — овул қайда, дейдиган
жунбуш феълин қўйган энди оқин, ҳа.

У доим тунд, камгап ҳамда кулмайди,
соғинчини назарига илмайди.
Бўз тулпорин минмоқ бўлар ва лекин
қай узлатга қочишини...
бilmайдi.

НЕГА САМАРҚАНДГА БОРМАДИНГ СЕН, АЙТ?

Фақат сени дедим ҳар қачон, ҳар пайт,
мудом ўзгаларга бўлдим мен лоқайд.
Лекин ваъда бериб, эргаша туриб,
нега Самарқандга бормадинг сен, айт?

Яшнаганинг кўриб сўзимдан гул-гул,
ваъдангга ишонган эдим мен буткул,
оёқости қилдинг ишончим нега,
армон қилиб юрсин дедингми нуқул?

Шаштингдан тушсанг-да — гар боргинг келмай,
нега талпинмадинг изимдан елдай?
Биз ҳам бирга-бирга юрмасми эдик,
Самарқандни тавоф айлаган элдай!

Дардимни кимга ҳам айтардим, жоним,
юрагим тубига силқиди қоним,
ваъда бериб қўйиб, эргаша туриб,
айниб қолганингни пайқаган оним.

Не бир сабаб сени, айт, маълул этди,
Кўнглингта ёки бир шум гумон етди?
Самарқанд сафарига сақлаб қўйганим —
Кўп сўзлар
кўқайимда
қолиб кетди!..


Фақат сени дейман ҳар қачон, ҳар пайт,
ўзга бўсаларга мен мудом лоқайд!
Ахир, ваъда бериб,
эргаша туриб,
нега Самарқандга бормадинг сен, айт?

КҮЗ ОЛДИМДА

Яширувчи сирим йүқ элдан менинг,
турмуш тарзим меңнатдан, тердан менинг.
Күрганларим ўланга күчар бир-бир —
күнглим ҳаргиз яйрагай
шөрден менинг...

Үзгаларнинг ғамидан шодланмадим,
мағурларга тик боқдим,
пастланмадим,
озми-кўпми қайғумни элдан кўриб,
алам ютиб,
бировга қасдланмадим.

Ғуборланган бўлса гар жиндак дилим,
айтмасам-да буни мен, билган элим.
Хўрламадим кимсани.
Кўз олдимда:
йироқ бўлди ношуддан доим йўлим...
Юраги-ла
юрагим бирга урган
элдан айро бўлмоқлик менга ўлим!





Асқар ЎРАЗАҚИН

(1935)

Шарқий Туркистан үлкасининг Или музофотига қарашли Мукеј-Қоратош қишлоғида туғилган.

Дастлаб Сари-булоқ мактабида таълим олиб, Фулжа шахридаги гимназияда ўқиган.

Иш фаолиятини "Шинжон рўзномаси" да бошлаган. Илк шеърлари "Шуъла" журнали саҳифаларида эълон қилинган.

1955 йилда ота юрти Қозогистонга келиб, Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган.

Кейинги иш фаолияти Ч.Валихонов номидаги Тарих, этнография ва археология институтида, Қозогистон Ёзувчилар ўюшмасида, Республика Китоб палатасида, «Жалын» журналида турли лавозимларда давом этган.

Унинг кўплаб китоблари, «Танланган асарлар»и, «Сайланма»лари чоп қилинган.



ҮЛАН

Үлан деса жон борми алангламас,
Уни тинглаб уйғонар қалбимда сас.
Үлан юксак қояда битган гулдир,
Үзинг чиқиб термасанг, түманламас¹.

Сўз санъатин камоли чексиздир, бил,
Ҳар ўланда товланиб, кўрк топар тил.
Тафтсиз, саёз сўз учун титрамас ҳеч
Пушкин, Абай шеърига ўрганган дил.

Мақом топиб ҳар йўлда чўнг маънидан,
Туғилар зўр ўлан эл армонидан.
Ундай шеърнинг қоғози қалбдай оқдири,
Унинг ўчмас сиёҳи ер қонидан.

Бўлай десанг ўланда мағрур, ғолиб,
Ултиргагин арзимас ғамдан нолиб.
Титраб турсин сатрингда ҳар бир туйфу,
Үтли қалбнинг тақдирин эсга солиб.

Бўлсин ўлан оқинга боласидай,
Яшнаб турсин қирларнинг лоласидай.
Англаганга ҳар бир шеър титроқ берсин —
Ишқ деб оққан кўзингнинг жоласидай.

Илҳом гоҳи юракка зўр ўт солар.
Истиқболдан жўш уриб гоҳ тил толар.
Ўшианда кўр — ўланнинг юксак забтин,
Нима бўпти Асқар тоғ — пастда қолар!

УРУШ ВА ТИНЧЛИК

Уруш — найза ўйлаб топди илк бор, албат,
Ва қошига тўплайверди хатар қат-қат.
Тинчлик — қалқон ясаб олди ҳимояга,
Тўхтамасин дея ерда шодон меҳнат.

¹ Пастга тушмайди, маъносида.

Уруш — найза ўқталди, сүнг тортди камон,
Тинчлик эса — совут кийиб, қолди омон.
Уруш чиқди — замбараклар, танклар ясаб,
Тинчлик — омоч қилди, барин айлаб гумдон.

Уруш — атом бомбам бор, деб сурон солди
Ва қилмиши тарихда дөг бўлиб қолди.
Тинчлик — атом билан ёрди муз бағрини,
У зулматни нури билан енгиб олди.

— Уй эгасин маҳв этиб, уйин олгум, —
Дейди Уруш, — кийимин ҳам кийиб олгум.
Тинчлик дейди: — Бу қилганинг қароқчилик,
Жаҳон аҳли билан сени тийиб олгум!

ТАЪТИЛ ПАЙТИДАГИ МАКТАБ

Мен таътил пайтида мактаб бордим,
Ахир, бунда шўх сурон тарапларди.
Сукунатли ва жимжит йўлаклардан
Кулгисини изладим болаларнинг.

Танаффусга худди вақт жиндек бордай,
Ҳализамон қўнгироқ чалинардай —
Ўқувчилар ўтсин-чун сиртлаб юрдим,
Токи бехос бирорин туртиб олмай.


Бирдан барча эшикни ланг-ланг очиб
Ҳамма бола чиқардай тепалашиб.
Бир шумтака дафъатан кўрингайдек,
Қиз қувару олдда у борар қочиб.

Кейин бир пайт синфга кирдим ўзим.
Бўшлигига ишонсин дея қўзим.
Нигоҳимни топ-тоза тахта тортди,
Гўё қўмсар ёзувга тўла кезин.

Бир саф бўлиб тизилган парта — ўнг-сўл,
Аланглайман харита томон бирйўл.
Қайдадир деб елевгай шоввозларим,
Этагимдан тортади сирланган пол.

Деразадан қарайман хомуш, сүлиб,
Улар балки югурар майдон тўлиб?
Киарми ё еликиб бир ўқувчи,
Девордаги кемшикка — ғиштдек бўлиб.

Ўқувчи тут қулоқ гап сирасига,
Мактабингнинг ошиқсан нимасига?
Денгизчиси ҳар ёққа сузид кетган,
Ўхшаб турар у билим кемасига.





Исройл САПАРБОЙ

(1941)

Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти, Қўшработ туманида туғилган. Чимкент Педагогика институтини битирган. Чимкент вилоят ёзувчилар бўлимида адабий маслаҳатчи, "Жалын" нашриётида катта муҳаррир, "Қозоқ адабиёти" газетасининг шеърият бўлими мудири, 1998 — 1999 йилларда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчинонасида матбуот атташеси вазифаларида ишлади.

Унинг "Оқкуш армони"(1976), "Ёруғ умр"(1978), "Юрагимга уя қурган қалдирғоч"(1986), "Бармоқдайгина баҳт"(1999), "Амир Темур" (драматик достон, 1998) каби китоблари эълон қилинган.

"Тарлон" мукофотининг соҳиби.



ҚАТЫЙ СҮЗЛИ ҚАЙСАРЛАРИМ

(“Желтүксан сурuri”)

Кулундай эрка бўлиб ўсдингизлар,
Хар ғамни кўкрак билан тўсдингизлар.
Энсаси ҳақсизликдан энкаймаган,
Мардсизлар, бугун қўрқмас ботир — сизлар!

Ҳайиқиб қайтмадингиз ортингизга,
Эрк учун жондан азоб тортдингиз, ҳа.
Ичимда изтиробим бисёр эди,
Корилдим мен ҳам сизнинг қайғунгизга!

Мен учун туғишгандан азиз бари,
Ўзини отди қўрқмай олов сари.
Кув дунё қуюнида қолди-ку, оҳ,
Кийилиб қирчинидан орзулари!

Ўрфеъл, ўжарларим, ўткирларим,
Ўксук-ла ўтди, аттанг, кўп кунларинг.
Доф қолди бўсағамда ўчмайдиган,
Топталди тош майдонда чўғ гулларим...

Қони бир, ҳасрати бир туққанларим,
Айланди азаларга хурсанд даминг.
Ёдимдан ётсам-турсам кетмас сира
Гуноҳсиз оқ бетингни ювган қонинг...

Жони бир, яроғи бир қурдошларим,
Тегмади қора ерга ёнбошларинг.
Чидангиз душманликнинг фирибиға,
Зафар они тўкилсин кўз ёшларинг!

Эрк учун бошин тиккан бовурларим,
Енгиллат бу замоннинг оғирларин.
Афсуски, юрт қайфуси, миллат ғамин
Туймайин, мудрар мудом овулларинг...

* * *

Адолатни тан олмай замонамиз,
Барчамиз — юраклари ғамхонамиз.
Яратгандан марҳамат бўларми деб,
Кўзларни мўлтиратиб, жим ёнамиз.

Топмассан жўмард зотни бундай онлар,
Кибрдадир “худосин унугтганлар”.
Хоксорларнинг кўзида ёшлар милт-милт,
Кунботарнинг уфқидай титрар тонглар...

Қора қисмат дастидан зор айладик,
Юракларга ҳасрату ғам жойладик.
Фира-шира мақсадга дилни бериб,
Белгисиз бир сафарга бел бойладик.

Кимки тўқдир — ўзини олдирмайди,
Қашшоқ одам ҳар дамла довдираиди.
Кўганидан бўшалган улокдайин
Бани инсон аланглаб жавдираиди.

Сўндуми кун нурларин шомга қориб,
Кўринар ё олисдан тонг оқариб?
Адашганинг ҳолига бир қарагин,
Тегмасми бошларимиз тошга бориб?

Олдинда ҳали толе, орзу гўё,
Ушбу кунда арзандадир шуъла, зиё.
Не тонгки, оч қашқирдай бўзласам гар.
Қовурғам қайиштири бу тор дунё!

* * *

Кўклам кечиб, кўнгилга куз энади.
Куз рангидан юрагим муз эмади.
Гуноҳ, нола, тухматдан зада бўлган
Манов замон қай куни тузалади?

Мен меҳнатта ишқимни канда қилмам,
Лекин замон раъи не — аён билмам.
Ялтираган ёши бор япрогида —
Аёзларда титраган мен бир гулман.

Хўрлар ҳаргиз изфирин гулнинг шаънин,
Қайда бугун оллиги гул-ғунчанинг?
Кўкайимда — кўз ёши есирларнинг,
Ўзагимда — ўксиги етимчанинг.

Мени бахтмас, қайғулар чирмаб олган,
Томиримда орзулар түнгіб қолған.
Қароқчидай қошимдан кетмай нари,
Үз күланкам — дилимга қутку солған.

Ҳар ким қилар дунёни ҳар хил талқин...
Үз-үзим-ла хүшлашар күн ҳам яқин.
Қандай мудраб, қандайин ором олар
Эрта күнни олдиндан билса оқин?!

Ҳар ким толе тақдириң ҳар хил йүйгән,
Мен диёнат ҳақида толдим ўйга.
Ұралиб Момо Ҳаво этагига,
Замоннинг “дийдиё”син солдим қуйга.

Гарчи теграм хазонрез, аёз елар,
Кўклам йитмас, у яна қайтиб келар.
Ўзагимни тилкалар ўлан бор-ку,
Мен кўнглимни юпатай ўзга не-ла?..

ЙЎЛ ОЛДИ ДУОСИ

Худо йўлинг ўнгласин,
Хизир бўлсин йўлдошинг.
Арвоҳлар ҳам қўлласин,
Қирқ чилтон қўрғасин.

Чорлаганда чор тараф,
Дилингга ол ўт қалаб,
Юрсин доим фаришта
Қаноти-ла қалқалаб.

Яратгандан сўрайин:
Ёруғ бўлсйн Кун, Ойинг.
Илашмасин жонингга
Иблису жин, илойим.

Олис йўллар босар он
Кўлигинг бўлсин омон,
Ишончингни йўқотиб,
Ранг-рўйинг қилма сомон.

Ризқинг бутун бўлсин, айт,
Тортилмасин ҳеч бир пайт.
Кўришайлик тинчликда
Ой боргину омон қайт.
Омин!!!



Жаркен БҮДЕШОВ

(1944)

Хитой Халқ Республикасининг Синжон ўлкаси Тарбағатай аймоғига қарашли Тўлангит овулида дехқон оиласида туғилган. 1969 йили отамакон Қозоғистонга келди ва 1974 — 1980 йиллари Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олди.

Илк шеърлари 1962 йилдан бошлаб "Шинжон газети", "Или рўзномаси", "Шинжон адабиёти ва санъати" каби қатор газета-журналларда чоп қилинган. Дастрлабки шеърий туркумлари 1975 йилда "Жазушы" нашриёти ва "Кўклам жамоли" номли ёш шоирлар тўпламида чоп қилинган. 1976 — 1984 йилларда Қозоғистон Давлат китоб палатасида катта мухаррир бўлиб ишлаган.

Унинг "Кўниш қуроқ"(1979), "Қўш қанот"(1982), "Осмон товуши"(1985), "Нурли бўёклар"(1988), "Зехн"(1989), "Юлдузга ўрнини ой бермас"(1990) каби шеърий тўпламлари зълон қилинган.



ҚУШЛАР УЧИБ КЕЛГАНДА

Замин узра янгратар күклам найин,
Бир фарағта чулғанар борлиқ майин.
Учиб келар чайқалиб ғоз-турналар,
Биқинидан муз сиққан кемадайин.

Узоқ йўлдан келарлар тоғлар ошиб,
Ўз қадрдан ўлкасига меҳри тошиб,
Жўражон, аёз кунлар тамбалантган
Эшигу деразани қўй-чи очиб.

Суриб қўй пардани-да ушбу он сен,
Кушларнинг чуғурига юрак қонсин.
Чиройли қанотларнинг эпкинидан
Димиқиб кетгандар тозалансин.

Ёшликнинг оташлари ўхшар тушга,
Сурури чулғанади руҳга, хушга.
Сен тонгда чорлаб чиқ-чи болаларнинг,
Айланиб кетсан зора биз ҳам қушта.

ОЛАҚЎЛГА АЙТАР СЎЗ

Бўйингда босиб қалбим тафтларини
Кезганман суриб ўйлар авжларини.
Ундоқ сузиб, гоҳида бундоқ сузиб,
Үпдим мен сувинг майин мавжларини.

Эсингга, Олакўлим, олгин такрор,
Мен сенинг боланг эдим шўхлиги бор.
Қирғоқда қармоқ ташлаб ўлтирадим,
Шомларинт шафағита боқиб хумор.

Сархушман ёдга олиб энди барин
(Алвон уфқ нафаслари бирам сарин).
Ўйнашар эди сенда юлдузлар-ла
Кумуш тўш ёқут кўзли балиқларинг.

Гар бутун бўлса эди менда толе,
Кезарми эдим сенда ёлғиз қолиб.
Ойдин тун чағалайинг маъсум ойни
Ўйнарди қанотига илиб олиб.

Эпкиниң йўллаганда тоғлар мағур,
Бағрингта тўлар эди оҳанглар хур.
Бамисли лочиндейин — адил учган,
Қўзғалган тўлқинингдан эдим масур.

Калбимни илҳом мавжи чулғатан дам,
Шу мавжга ўхшаб кетгум гоҳ ўзим ҳам.
Хаёлчан ўтирганим соҳилингда —
Ўтди-ку болалигим кўз ўнгимдан.

* * *

Тарғил тошни түёғи-ла тарашиб,
Тоғ оҳуси тик сўқмоқлар ясар заб.


Хавф-хатарга кўкрагини тутиб, ҳа,
Чиқиб борар нақ чақмоқли булатга.

Курқмай дара, қоялардан сакрар у,
Қандай юксак,
Қандай қийин
Шахддир бу!

Бу йўлларда аччиқ теринг томчилар,
“Архар йўли” дейди буни овчилар.

Пойимгамас, чирмашгандек бўйимга,
Юрар ҳаргиз бу сўқмоқлар ўйимда.

Кимга керак яшаб, умр сурмоғим,
Бўлмаса агар менинг ўз сўқмоғим!





Шўмишбой САРИЕВ

(1946)

Қизил Ўрда вилоятининг Орол туманидаги Шўмиш станциясида таваллуд топган. 1966 — 1971 йилларда Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиган, 1970—74 йилларда "Қозоғистон" нашриётида муҳаррир, 1974 йилдан бошлаб "Жулдыз" журналида бўлим мудири вазифасида ишлаб келди.

Қозоқ ўкувчилари унинг таржимасида Г.Гулиа, О.Берггольц, И.Абашидзе, С.Викулов, А.Дементьев, Ф.Алиёва ва бошқа шоирларнинг шеърлари билан танишган.

Унинг "Ширин чоғлар"(1974), "Гўзал баҳор"(1974), "Денгиздан эсган ел"(1975), "Тақдир"(1976), "Уч, тулпор Вакт!"(1979), "Туш ва ўнг" (1980), "Уч ўлчов"(1982), "Тақдир кўшиғи"(1984) каби шеърий тўпламлари чоп этилган.



ОҚИН КҮНГЛИ

Шеър битсанг титроқ-ла қалам йўниб
Ва ўқисанг – юрт тингласа сирга тўниб.
Тамакингга ўт олсанг чақмоқлардан,
Нақ сел бўлсанг – қалбингга булат қўниб.

Яхши ўлан мангуликка даҳлдор,
Күёшга ҳам етгудай авж шаҳдинг бор.
Юлдузлардай – кўк бетида товланган,
Халқинг сени алқаб, туйса ифтихор.

Асл шеърлар яшар мангу исёндай,
Асрларнинг юрагида у жондай.
Бор заминни чирмаб, ушлаб томирин,
Ер юзида чайқалсанг чўнг ўрмондай.

Кор этса ҳам сенга қисмат озори,
Тошиб турса юрагингнинг виқори.
Улус сенга эҳтиром-ла йўл берса,
Кириб борсанг издиҳомни қоқ ёриб.

Сен умрингнинг қадрин англаб дафъатан,
Ҳаётингнинг маъносини уқсанг шан.
Абай, Пушкин тирилиб келишса-ю,
Ўланинг-чун табриклишса чин дилдан.

Бу дунёнинг ойи, куни – сен ўзинг,
Чунки ноёб, илоҳийдир ҳар сўзинг.
Кўнглингда бир шеър туғилмиш бу замон,
Демак, кўқда чараклар баҳт юлдузинг...

* * *

Кенг даламдан кийикдайин келаман,
Кўрқиб хавфдан шамолдан тез ёламан.
Вақт мерган овчиидир – мени лойлар,
Тегмасмикин ўқи деб, сесканаман.

Зиёлилар аҳлининг имдодиман,
Ўлан уққан ҳар дилнинг фарёдиман.
Мен – далам уфқларида омон кезган
Бобомнинг чақнаб турган зурёдиман.

Келаман бу дунёни куйлаб шоён,
Кўринар кўзга гўзал юртда ҳар ён.
Кўрқмасман, чўчимасман мен заррача,
Чиқса ҳам шақирлатиб жагин арслон!


Ҳисларим қанотида – теран фикрат,
Не ишни орзу этсам қилдим журъат.
Сариорқа қирларин кийигиман,
Вужудим – бамисли сел, тошқин қудрат.


Инсон деб мен ўзимни ургум дардга,
Эзгулик шукухини солиб қалбга.
Мендан сўнг бир мангалик қолмаса-да,
Умидим етаклайди мени олдта.

Хаёлим учар кўкда мисли шунқор,
Руҳимга тимсол қирда ўсган чинор.
Лекин сен елдай чопиб борар эрсанг,
Кўзингга ёш тўларкан беихтиёр.

Кун сайин шон-довруғи бийиклаган,
Заҳматкаш қозогимни сўйдим дилдан.
Миллатим деб ўртанган шоирларнинг
Тақдири тақдирдошdir кийик билан.

Кўнглимга бир шавқ кирап ажид, мастур.
Истиқбол уфқларига боқдим мағур.
Келажак! Куюнганга куюб оққан
Кийикдай – мен даламнинг куйиман ҳур!





Есенғали РАВШАН

(1957)

Қарақалпогистоннинг Хўжайли шаҳрида туғилган.
Қозоғистон Давлат университетининг журналистика
факультетида таҳсил олган.

Шеърлари 1980 йиллардан зълон қилиниб келади. 1983
йилда "Бекдавлат ва Жўломан" номли достони қозоқ
шеъриятида катта воқеа бўлди ва қатор адабий мукофотларга
лойик топилди.

Бугунги кунда "Жазушы" номли нашриётнинг директори
лавозимида фаолият кўрсатмоқда.



ОҚ ЅМФИР

Яшил қўкламнинг жарчиларими,
Сузади буултлар тепамда.
Манглайим тутдим томчиларига,
Суяниб турибман эманга.

Түғёнлар ила қонимга битган,
Ўтказдим тунларни мен бедор.
Ажиб бу дамларни энтикиб кутган,
Бир юракман — сендеқ интизор.

Тўколсам эди қалбимнинг нурин
Сендейин, тунги Ой мисол.
Жами одамга тиладим бугун
Рўшнолик ҳамда баҳт-иқбол.

Тозарап кўнгил ёққанинг сари,
Фарофат қўнгай уйларга.
Гўзал шеърларни ёзарсан ҳали,
Дардларинг қўшиб куйларга.

Овозим балки самоларга етмас,
Сендей покликни лек хуш билдим.
Ўлжас ҳам эмас, Тўлаган ҳам эмас,
Есанғали бўлиб термилдим.

Хайр, деб энди қор-қировга,
Яшнаса, не тонг дашт-қирим.
Жала, дўлсан балки бировга
Эй, менинг ифор ёмтириш.

КЎКЛАМ. ЯНГИҚЎРГОН

Хут ойида унниқар кўп қиши хусни,
Энди наврўз кириб келар хуш исли.
Бўғотлардан тирс-тирс томган томчилар,
Қолган кунинг санаётир бамисли.

Юрагидан тошиб ҳасрат-мунглари,
Таралади қирдан жилға унлари.
Ипак еллар қайтар бот-бот изига,
“Күклам-ов”нинг нақорати сингари.

Яңгиқүргон, янги ўйлар күп манда,
Осмон бирам чиройли, ер күркам, ҳа!
Катта йўлу ёлғиз оёқ сўқмоқ ҳам
Борар эниб яшил ўтов — кўкламга.

Тулпорлардан шаҳди аён билинди,
Туйгуларим чақин чақар дилимда.
Кўклам бу кун тонг-саҳардан уйғониб,
Сайраб турар кумри қушнинг тилинда.

Жон овулим, баҳордир бу — кул, ясан,
Қўлинг силкиб, сен жим ўйлар сурасан.
Қозоқнинг бир оддий чоли рамзида
Эзгуликка йўл кўрсатиб турасан.

ҚОРА БОВУР ҚАШҚАЛДОҚ

Қора бовур қашқалдоқ, қайга учдинг бу замон?
Мунгли сасинг кулоғим остидан кетмас ҳамон.

Қора бовур қашқалдоқ, қайт ортингта, қайта қол,
Фамга ботган тўқайнинг ҳолин сўра, кўнглин ол!

Уя қолса эгасиз ойдин тунга зулмат жо,
Адашиб келган чурра бўлолмас сендак асло.

Ўзингники бу ернинг тоғи, қири, тепаси,
Ўз уйини ўзгага ташлаб кетмоқ, нимаси?
Қашқалдоғим, ортга қайт!..

* * *

Яңги очилган кичик
сайёralарнинг бирига
C. Есенин номи берилди.

Газетадан.

Сайёра бўп Есенин айланади,
Есенғали овулида қўй боқади.
Есенғали овулида қўй боқади,
Есениндай бўлсам деб ўйланади.

Үйланади,
Кетсам дея түлғанади.
Жуда оғир, жуда узоқ кечди бу йил.
Мирзачұлға шеър битсам дер масрур құнгли,
Мирзачұлдан тез кетсам дер аразли дил.

Пойтахтга ҳам қиймай ҳуши-эси толди,
Ёпираин, қиймайдиган неси қолди?!
Есенғали кентга күча олмай сарсон,
Есенин нақ самоларга чиқиб олди.

Йигит эди у омадга ҳамиша ёр,
Күчиш жуда ғалва экан
Ва қилас ор...
Мирзачұлға зүр бир достон ёzsам дейди,
Юрагида ўз юртидан бор-да виқор.

Бу виқорни таъкидламоқ күп осон гап,
Лек чигал ўй қуршар уни ҳар ёндан заб.
Фарзанд тилаб тенги-тұши гирён юрар,
Хаприқади бошқа кимдир уруш тилаб...

Фалакларга шеър-ла очди Есенин йүл,
Есенғали учун манзил эрүр бу чүл.
Осмонларни ҳозирча у құя туар,
Чунки унинг бу заминда ташвиши мүл.

ҚОЗОҚ ҚИССАСИ

Мен кеча “халқ душмани” боласи эдим,
Тенгқурларим тенги, лекин “ола”си эдим.
Үпкаласа биздайлар үпкаласин,
Сталинга не додинг бор, оға, сенинг?!

Биздайлар кам эдими, зотан —
Юрагида ғусса, юрагида мотам.
“Беломорканал”ни сен чекдинг,
Беломор канални қазди отам.

Оқимиз кимга етди экан,
Кимни безовта этди экан?
Айланиб сақна,
Үринлар
Қалай алмашиб кетди экан?

Ғам-қайғуга ҳаёт бунча ҳотам,
Юракда гусса, юракда мотам.
Тишни тишга босиб сен юрдинг,
Тиш ёрмай сенга ўтди отам.

Тиш ёрмай ўтди неликдан,
Дейман бугунга келиб ман.
У учун ўлик эдинг сен,
Үч олсин нетиб ўликдан?!

Замона қўпни хор этди,
Ҳатто кафандга зор этди.
“Халқнинг душмани” — сариқ чол
“Халқ осмон бўлсин” деб кетди.

Боғларга нурлар инди, ҳа.
Тош қотган музлар синди, ҳа.
Айланиб вақтнинг саҳнаси,
Алмашди ўринлар энди, ҳа.

Давр эди-ку кўп қора,
Гинадан, оға, йўқ чора.
Саҳнадан тушиб борябсан,
Юзлашсак девдим бир бора.

Ёш авлод бу — янги олам,
Эмасман энди кўзлари нам.
Саҳнадан тушиб борябсан.
Узоқлар соянг мисли ғам.

Кўкракка оташ, ўт солиб,
Боқамиз магрур ва ғолиб.
Юрамиз кейин... бояги
Саҳна томонга йўл олиб.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

...Шундок, дўстим, гап рости — не десак-да,
Тарихга ўз ҳисобини беражак, ҳа:
Икки ярим миллион юрак шаҳди ила
Тошкент дадил бормоқда келажакка.

Иффатли қиз одоб-ла түхтаб, ана,
Ниманидир сүрашга чөгланади.
Дамланган ош устида майиздайин
Қора холи юзида чүгланади.

Үша кеч юрагимга түлиб ўлан,
Борардим мен "Хамза" нинг йўли билан.
Чўпон ота масжидин тепасида
Чўлпон юлдуз товланди нур тараб шаън.

Бамисоли ол баркаш кўкдаги ой —
Оғиб борар маҳали кўлга қарай,
Кўлига илиб олмоқ бўлиб уни,
Югурди кўча бўйлаб чўнг қарағай.

Ютоқиб кузатаман шафақ нурин,
Нимага менгзаш мумкин дил сурурин.
Аския айтган чоллар бир зум тўхтанг,
Гўзаллик ҳақида ҳам баҳслар қуринг.

Зийнатлар ўйнатади бунда кўзни,
Тинглайсан ҳар қадамда ширин сўзни.
Не изласанг — Тошкентда топилади,
Йўқотиб кўймасанг бас бунда ўзни.

...Шундоқ, дўстим, гап рости — не десак-да,
Тарихга ўз ҳисобин беражак, ҳа:
Икки ярим миллион юрак шаҳд ила
Тошкент дадил бормоқда келажакка.





Насиббек АЙТҮГЛИ

(1950)

Насиббек Айтүгли Шарқий Туркистоннинг Тарбағатай аймогидаги Шауешек туманида таваллуд топган. 1955 йилда оиласи билан отамакон — Қозоғистонга келиб яшай бошлаган. Семей вилояти Шубартов туманидаги Баршатас қишлоғида ўрта мактабни тамомлаган.

Илк машқлари Шубартов туманидаги "Янги ҳаёт" газетасида чоп қилинган. 1974 йили Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлагач, "Болдирган" журналида шеърият бўлими мудири бўлиб ишлади. Муқағали Мақатоев номидаги адабий мукофот совриндори.

Унинг "Боғчага борар йўлда"(1974), "Кўзи кўч"(1975), "Отам хақида қўшиқ"(1977), "Юрак ҳайқириқлари"(1978), "Ёмғир қўшиғи"(1982), "Тунда учган турналар"(1986) каби бир қатор шеърий тўпламлари чоп этилган.



О Р З У

Ҳамма ҳам бир текисда бахтиёрми,
Дунёда орзуси йўқ киши борми?
Катта гап – ўз-ўзингни англатанинг,
Ҳамма ҳам тушунарми жон сирингни?!

Орзууда – қисматингнинг мазмани жам
Ва тинмай курашмоғинт боиси ҳам.
Туар, ахир, орзунинг ўзагида
Энг теран ўрганишлар – қувонч-алам.

Орзу деб узун тунлар
Бедор бўлгунг,
Чарх уриб югурасан,
Фамга тўлгунг.
Орзунг-чун – керакми гар –
Юз яшайсан!
Орзунг-чун – керакми гар –
Эрта ўлгунг...

Қўмсайсан
Гоҳ қошингдан кетганни ҳам,
Қўмсайсан
Гоҳ бошингдан ўтганни ҳам.
Ёз кунларин бетоқат қўмсар онинг,
Қўмсайсангоҳ бултурги қўкламни ҳам.

Талпинасан эртанги уфқа кенг,
Чорлар орзу чўққисин юксаги энг.
Орзусизлар – яроқсиз аскар мисли,
Орзусизлар – қанотсиз қуш билан тент.

Орзуни деб яшарлар, елкада юк,
Орзуни деб яшарлар, жонлар куюб.
Агар билсанг,
Орзунинг бари юксак;

Агар билсанг,
Орзунинг бари буюк.

Юрагингда қулф урсин орзу гули,
Сўнмасидан қонингда сурур уни.
Кумда ётган қайиққа ўшар одам
Орзусидан буткул воз кечган куни.

БУЛУТ ОҚИБ БОРАДИ

Ташқарига чиқдим мен
Дилгир бўлиб,
Оқар эди булатлар осмон тўлиб.
Етарманми –
Басма-бас қувсам бирин?
Кетармикин –
Кўнглимнинг ювсам кирин?
Кўз ўнгимда кўндаланг туриб олди
Зангори тоғ,
Кўк адир,
Нозли қирим.

Оқар эди булатлар чалқиб кунга,
Бор табиат алданиб боқар унга.
Уфқларга қарайман хуморланиб,
Кўринмайди бироқ у туманланиб.
Туманланиб тургани-ей манов тонгнинг,
Боқмоқчийдим юзига мен бир қониб!

Уфқлар узра боқар тоғ бамисли сир,
Яна кўзим ўнгига яшнади қир.
Зангор чўққи кўксини мўлжал олиб,
Булатлар оқ маржонин осди бир-бир.

Ундан яна борарлар олис қалқиб,
Қирдаги тулпорлардай шавқи ортиб.
Ғазабта минса, чақмоқ қамчиси-ла
Бетига қора тошнинг чарс-чурс тортиб.

Гоҳида кўз ёш тўкиб йиғлаб қолар,
Йиғламаса булатларга айб бўлар.
Бир-бирини қоқ даштда жилға қувлар –

Мавжланиб, эркаланиб оқар сувлар,
Булутларни юпатолмас бироқ улар...

Тунд осмон шуълалардан лиbos кийди,
Йиғласа, булутдан ҳам мунг арийди.
Дунёда ҳар нарсанинг ўз гашти бор,
Мунг ариган юракка баҳт дорийди...

Булутлар оқиб борар солланиб шаън,
Уларнинг шукуҳига ким бермас тан!
Уларга ерда туриб етолмадим,
Бирининг иши йўқдир, эҳ, мен билан!

ЁМФИР КУЙИ

Тақдир ҳали ғамлардан тондиради,
Осмоним сокин чақмоқ ёндиради.
Ёндиради –
Тутамас ёмфир куйи,
Ёмфир куйи – жонимга булоқ суви.

Дурлар ёғса булутлар аро дуркун,
Ёмфир куйим тинглаб мен тонг оттиргум.
Ёмфир куйи кун бўйи тинмаса гар,
Юмушдан ҳам ҳаттоки қолиб тургум.
Бир сония томчига айлангум-да,
Дунё ҳақда ёмфир-ла суҳбат қургум.

Юрагимни чулғаркан ажиб оҳанг,
Томчидайин тип-тиниқ тозараман.
Хеч бир жонни
Озурда этгим келмас,
Яшамогин тилайман омон-омон.
Эшитгим келмас энди менинг қайтиб
Ажалнинг қадим куйин ҳатто бир он.

Инжуларга айланиб дил сиримдан,
Ёмфир куйи тўкилар томиримдан.
Биламан мен, бир куни тушунарсан
Қалбимни – йиглай билган,
Кула билган...
Толиққанда чанг ютиб йўлда бир кун,

Соғинарсан созимни шунда мумкин,
Энтикарсан ўшанда,
Инонарсан,
Йўқдир менинг созимдан бошқа мулким.

Тақдир ҳали ғамлардан тондиради,
Ажиб сурур қонда ўт ёндиради.
Ёндиради –
Тутамас ёмғир куйи,
Ёмғир куйи – жонимга булоқ суви,
Ташналигим утина қондиради.





Қосимхон БЕГМАНОВ

(1958)

Жанубий Қозогистон вилоятининг Кентов шаҳрида туғилган. 1975 — 1980 йилларда Қозогистон Политехника институтида таҳсил олган. Ҳалқаро Туркий ҳалқлар шеърияти фестивалининг иштирокчиси.

“Ёмғирли тун”, “Илк китоб”, “Бешикдан қабргача”, “Софинч” сингари шеърий тўпламлар муаллифи.

Ёшлар шеъриятида унинг овози ўз ҳарорати ва самимияти билан алоҳида ажralиб туради.



О, ТУРКИСТОН

О, Туркистон!
Мұхаббат бер, сабр бер,
Жабрдийда юртни сийла, она-ер.
Күз ўнгимда ўркач-ўркач адирлар,
Чўкиб ётар унда не-не қабрлар.

Ул қабрлар — кўҳна мозий, тарихдир,
Ул қабрлар — бизга баъзан жумбоқ, сир.
Бор вужудим билан шуни сездим ман,
Ул қабрлар чўкиб қолган чўнг Ватан.

Фуссаларга чулғар мени адирлар,
Ва битаман мунгли-мунгли сатрлар.
Мозий сари ўзни уриб, тифлайман,
Кенг далада тўйиб-тўйиб йиғлайман.

О, Туркистон!
Диёнат бер, сабр бер,
Бахт излаган юртни сийла, она-ер.
Күз ўнгимда ўркач-ўркач адирлар,
Чўкиб ётар унда не-не қабрлар...

* * *

Машаққатлар гирдобида мен ҳамон,
Тақдир синар шоир қалбим беомон.
Босиб ўтган эгри-бугри йўлларим
Менинг нозик умр йўлим, бегумон.

Фиску фужур давралардан бездим мен,
Гаванала дентиз мунгин сездим мен.
Урумчидаги қизга байт айтдим,
Истамбулнинг кўчасида кездим мен.

Дил изҳорим эшит, гулим, тингла жим,
Ҳар қайда мен дийдорингга кўз тикдим.
Олис юртда ёлғиз қолган дамларим
Сени эслаб, элни эслаб энтикдим.

Йиллар ўтди — бир-бирини суришган,
Бўшамадим мен шеър излаб юришдан.
“Хеч бўлмаса чорвадор ҳам бўлмадинг”, —
Дея бир пайт отам мени уришган.

Нима ўзи шоир қалбнинг илинжи?
Ижоддами, оромдами дил тинчи?
Мен ўландай самимий дўст топмадим,
Қолган бари ёлғон экан... ўткинчи.

ҚОРАЧИҚ

Не бир ёвшан, алафлар қувраб-сўлиб.
Мунғаяди дашт-дала яйдоқ бўлиб.
Ўтмишдаги армонлар ўзани бўп,
Оқмоқладир Қорачиқ тўлиб-тўлиб.

Оқади у мавж уриб, эркаланиб,
Теваракни гоҳи пайт бўлмас таниб.
Оқ денгизга айланса пахтазорлар,
Кузги буғдой ниш урар яшилланиб.

Юрагимга туйғулар сола чиқдим,
Дўумбирачи дўстимни ола чиқдим.
Достонимга завқ берган шу шўх сойдир,
Қирғоғида турибман Қорачиқнинг.

Түққан юртга дил меҳрим бисёр бирам,
Ўзга туйғу томирим ўртамаган.
Туркистон кўзин мисли қорачифи,
Гўзал қирғоқ мавжларин эркалаган.

Армону мунг саҳрода зорлаб турсин,
Салқин соҳил ўзига чорлаб турсин.
Қўшни қизга ишқ берган бўзболанинг
Толе нури кўзида порлаб турсин.

Қорачиғим, мунисим, оқа бергин,
Ёш қалбларда завқ-сурур ёқа бергин.
Сен етмаган ерларга мен етайин,
Қирғоғинга чечаклар тақа бергин.

Достонимга жило бер шавқинг билан,
Тиник-тиниқ тұлғаниш авжинг билан.
Илк севгимни ёдимга туширдинг сен,
Оҳудай шүх ўйнаган мавжинг билан.

Сен қалбимга адирдай, даштдай яқин,
Күйга тұлдир замину күкнинг тоқин.
Сенинг жүшиб оққанынг таърифлаш-чун
Шояд келса қошингга Қодир оқин.

Шамолдай дунёни мен кездим елиб,
Термилдим оқ булатта — учгим келиб.
Нозланиб оқасан сен эрка қиздай,
Мен эса энтикаман құчгим келиб.

Дов-даражатлар бамисли хаёл сурар,
Үт-үланлар шивирлаб суҳбат қуарар.
Олистан Яссавийнинг мақбараси
Қорачиққа күз қириң солиб турар.

Үланым бор юракда — тахтлиман,
Эзгуликни қуйламоққа ақдлиман.
Сирдарёning синглиси Қорачиқда
Мен дунёга келганимдан баҳтлиман.

Келажакдан нур ёғар тонгларимга,
Даврон сурмоқ мумкинми ёнмайин гар.
Қора йўлда машина саф-саф ўтар,
Ёнбағирда сузади комбайнлар.

Тангри бизни бекорга сийламаган,
Тупроғимиз зар билан ийламаган.
Кумушланган Қорачиқ тўлқинларин
Айбергенов, о, бежиз қуйламаган.





Абдулла АЙМОҚ

(1954)

Жанубий Қозогистоннинг Ўрдабоши туманида туғилган.
Мухтор Аvezov номидаги вилоят Педагогика институти-
нинг филология факультетидаги таҳсил олган. Матбуотда 80-
йилларнинг бошидан шеърлари билан кўрина бошлади.

Айни пайтда Республика Ёзувчилар уюшмасининг Жану-
бий Қозогистон вилояти бўлимида масъул котиб вазифаси-
да фаолият кўрсатмоқда.

Унинг "Лайлo"(1993), "Дўмалоқ она"(1997), "Юрагим-
да"(1998), "Олтин бешик"(1999) каби шеърий тўпламлари чоп
этилган.



ОТИНГНИ ЁЗДИМ ОҚ ҚОРГА

Отингни ёздим оқ қорга,
Уйингдан чиққаң күрсін деб.
Шошилиб бораётганды.
Менда ҳам күнглинг бўлсин деб.

Оқ қорга сени менгзадим —
Самодан келиб құнувчи.
Сен эса севгим сезмадинг —
Қалбимда шамдек ёнувчи.

Билмадим, күрдинг-күрмадинг,
Руҳландым ажыб күйдан мен.
Қошимга бироқ келмадинг,
Боришга мен ҳам иймандим.

У пайлар парво этмабман,
Бу дамлар тезда ўтарин.
Исмингни ҳам мен сезмабман —
Оқ қор-ла эриб кетарин.

* * *

Хар юракдан чиқади армон саси,
Кетар унга ҳар битта дил ҳаваси:
Ҳовли узра кир ёяр бир келинчак,
Чиройда нақ Винчининг мадоннаси.

Титради дил — ҳеч куйи чалинмаган,
Ишқ бобида ҳеч кимга ялинмаган.
Эрка еллар кўйлагин юлқиларди,
Энг охирги тутмаси солинмаган.

Кун овора булутлар гирдин ёқиб,
Ахён-аҳён бораркан күкда оқиб.
Ел овора келинчак этаги-ла,
Овораман мен эса унга боқиб.

ИЗЛА МЕНИ

Айрилиқ азобидан бўлиб саранг,
Ўзимни йифидан мен тутдим аранг.
Қарадим қора-қўнғир булутларга
Сўраб кўр улардан, гар ишонмасант.

Сўрагин калтарлардан — улар англар,
Юракка ўтганини не аламлар.
Ортимга кўп бор боқдим — надир чора,
Қошингдан видо айтиб кетар дамлар.

Шудрингдан сирға таққан чангальзор, о,
Сен келган маҳалларда эди зебо.
Термилдим уларга-да сирим айтиб,
Билмадим: уқдими ё, уқмади ё.

* * *

Севгимизнинг энг мурғак — илк маҳали
Қўлимиздан келмасди журъат ҳали.
Капалакдай қиз эдинг, қанотингда
Куч йўқ эди ҳатто сўз кўтаргали.

Ўтавердик тоҳ ғамгин, тоҳи кулиб,
Бир-биримиз тоҳ яқин, тоҳ ёт билиб.
Осмонгина бизларга паноҳ бўлди,
Кечалари бўйнига маржон илиб.

Гоҳ англамай ишқни, тоҳ англағб етдик,
Гоҳ умиддан юракни мамнун этдик.
Қўл ушлашиб очунни кездик-да бир,
Кейин мовий уфқа сингиб кетдик.

* * *

Күргим келар мен сени күрган сайин,
Хисга тұлар юрагим бирам майин,
Букилдим-ку мен сұроқ белгисидай,
Кувват бергин, қаддимни күтарайин.

Сенга қараб, эртамни чамалайман,
Яшамоққа сени деб доим шайман.
Сени күрсам чиройли бўлгим келар,
Ўз-ўзимни тузайман, тарангайман.

Ҳар лаҳзада такрорлар номинг тилим,
Юракдаги севгимни англа, гулим.
Ўзинг бўлсанг қошимда яшнагайман,
Бўлмасант-чи, ёмғирдай йиғлар дилим.



МУНДАРИЖА

<i>O. Шарафиддинов. Дўмбирага жўр бўлган ўланлар</i>	3
Абай	
Куз	7
Киш	8
“Ўйғотар дилда ишқни...”	8
“Ўлсам, умрим қордаги из бўлмасми?”	9
Маҳамбет Ўтемис ўғли	
Ёлғон дунё	12
Арғумоқча ўқ тегди	12
Ёйикнинг бўйи кўк майса	13
Қизғиш қуш	13
Жамбул Жабаев	
Олатов	15
Болаларга	16
Сарибойга	16
Шокарим Худойбердиев	
Безавол аскар	19
“Дўст сенга зор...”	20
“Судим мен азалдан турк тилин...”	21
Султонмаҳмуд Тўрайгиров	
Қимиз	23
Қўчиш	25
Тукқан элимга	26
Аҳмет Бойтурсунов	
Оқин инимга	28
Қозоқ удуми	29
Ёзувчи таскини	30
Қозоқ одати	30
Магжан Жумабой	
Туркистон	32
Сакен Сейфуллин	
Мунг	36
Фамзада кўнгилга	37
Қирда	37

Илөс Жонсугуров

Бүронда	39
Ялов	39
Дүмбира	41
Ёмгирда	42

Қосым Омонжұлов

“Ошиқ әдим, нетайин...”	44
Устимда сур шинелим	44
Қизғалдоқ	45
Сенинг олма бөфингда	45
Түкқан ер	46

Абдулла Тожибоев

Шоирлик	48
Беткенбойга	48
Тилак	49
“Тун — мудраган қора бароқ мисоли...”	50
“Күкни күрдим, күкламга яна етдим...”	50
“Мен ҳам шу юрт күркінинг бир хумори...”	51
“Үй-хаёллар әргаштирса изидан бот...”	51
“Түкқан юртга ўтади эрқалигим...”	51

Жұмағали Саин

“Қарама-чи, қадама-чи күзингни!”	53
“Мен уйқуга айли чүмған дам әди...”	53

Тойир Жароков

Дутор билан дүмбира	56
Қантар	57
Үлан	59

Ғали Үрмөнов

Яңгиер гуллари	61
Дүст мадхияси	61

Дихан Абилов

Қорақалпоқ бовурларга	64
Тұқтагулға	65
“Келтириб яқын, бироқ...”	65
Күз бўлса-да	66

Қалижон Бекхожин

Софиндим	68
----------------	----

Ҳамид Эргалиев

Зарафшон бўйида	71
Тагиил келдим Тошкентга	71

Жубан Мұлдағалиев

Тошкент билан кўришганда	74
Нон	74
Куз	75
Чўпон	76

Сирбой Мавленов

Фафур Фулом	79
“Ёлқинланиб кун ботар...”	79
“Қизил гүлдек құлғ үриб...”	80
“Ялпроқлар ила ёз учиб...”	80
Қозоқларнинг вакили	81

Фафу Қайирбеков

Самарқанд	83
Улугбек	83

Мұқагали Мақатоев

Дастурхон устида	86
Хайр, оқкувлар!	86
Эй, ұлан!	87
Умр үзи не десам	87
Куйла, жоним	88

Турсунхон Абдураҳмонов

Халқым десам	90
“Эссыз күнгил — емаса гар үз ғамин...”	91
“Қанча молни йиққан билан эвин билиб...”	91
“Сүз сүзласанг, үзагига боқиб айт...”	91
“Сүзчанликни фазилатта биз йўйик...”	91

Музаффар Алимбоев

Оқин	93
“Хозирги бу чогимда...”	93
“Кўра олганин тун ичра...”	94

Ўлжас Сулаймонов

Аргумоқ	96
Кувиб ет	96
“Ёзда бир қиз келди...”	97
Болалик, боғлар, саратон..	98
Тунги таққослар	100
Хайрлашув	101
Сахро туни	102
Жавзо	102

Туманбой Мұлдағалиев

Ўзбегим — үз оғам	105
-------------------------	-----

Кодир Мирзалиев

Бухоро бозори	109
Хусайн Бойқаронинг вазирларига дегани	110
Танты юрак	111
Кусам ибн Аббос ҳақида ривоят	112

Жумакен Нажимеддинов

Дала манзараси	114
“Оқ бармоқ үйнайди, үйнайди...”	114
“Анов келган ким экан, билиб кел-чи, ким экан?”	115

Тұлеген Айбергенов

“Кирингдан отам йүргада...”	117
Юрак сүзи	117
Күл	118
Күкламда	118
“Шодликка тұла өгім эңг...”	118
Қизим менинг	119

Фариза Үнғарсинаева

Йүл	121
“Соғинч хатин йұлладим...”	121
“От минсам, йигитлардек...”	122
“Бу шеърлар ёзилмас әди ҳеч...”	122
“Олтін зарин сочганда тонг нурланиб...”	123
“Юрак мудом мойилдир үйга зэгу...”	123

Марфуға Айтхұжа

“Ет қалъалар қалб очмасин қанча санга...”	125
Овулға борғанда	125
Умр сүқмоғи	126
“Қызыл гүлдек товланарман қошингда...”	126

Мухтор Шохонов

Ойша	128
Дийдорлашув	129
Мен ҳақимда ўлладингми?	130
Ora	131
Бахти бұл	131
“Айтсам дейман дилдаги бор сұзимни...”	131

Нұрлан Үразалин

Иилга тилак	133
Тепалик ёнидаги үйлар	134
Оtam ёди	136
Оташин қалб	138
Она юрт	139
Мангулик	140

Қакимбек Салиқов

Дилим титраб кетар	143
Күпприклар	143
“Баҳор әлқинлари әсдилар әрта...”	144
“Үз баҳорим эттай сарафroz...”	144
Оқ турналар	144
“Күйидай қайтган күшларнинг...”	145

Жарасқан Абдирашев

Оқ булоқтар	147
Түққан овул тутуни	148
Охирги үлан	148

Кенгшилик Мирзабек	
Бир сиқим тупроқ	152
“Үзга бир ерда күклам билан бугун түқнашдим...”	152
Эски кинотеатрда	153
Улутбек Еславлат	
Булутлар ва Йилқилар	155
Олтой аёзи	156
Түғилган күн	157
Кулаш Ахметова	
Рост сўйлар дамлар	159
“Яшнаган гулдай — жамоли гўзал кентимсан...”	159
“Юрагимни мен ҳамиша кенг айлаб...”	160
“О, менинг сатрларим, жажжи қушчалар!”	161
Ақуштап Бақтигереева	
Булбул	163
Қўнглим менинг	163
Билмадингми?	163
Қизгалдоқ	164
“Кузда кетгум оралаб болгар ичин...”	164
Оғалар	164
Қанипа Буғибаева	
Умр куйи	166
“Гулларимни кўкламга билдирайин деб келдим...”	166
Тунги ёмғир	167
Хонбиби Есенқораева	
Йигитлар	169
Улуг далам	170
Умр ўтиб бораётир	170
Чақмоқли тун	171
Қайга кетдинг?..	171
“Олчалар гарқ пишган бог...”	172
Турсуной Ўразбоева	
Москва дафтаридан	175
“Бирор тўқ ва секирав исинмоқ-чун...”	175
“Кузги осмон хўрсиниб, мунгли ёғар...”	176
Сакен Иманасов	
Овул ёққа борсам дерди	178
Нега Самарқандга бормадинг сен, айт?	179
Кўз олдимда	180
Аскар Ўразақин	
Ўлан	182
Уруш ва тинчлик	182
Таътил пайтидаги мактаб	183

Исроил Сапарбай

Қатын сұзали қайсарапарим	186
“Адолатни тан олмай замонамиз...”	187
“Күклам кечиб, күнгилга күз энди...”	187
Йүл олди дуоси	188

Жаркен Бұдешов

Күшлар учеб келганды	190
Олакұлға айттар сүз	190
“Тарғил тошли туёғи-ла тарашлаб...”	191

Шұмишбай Сариев

Оқин күнгли	193
“Кенг даламдан кийикдайын келаман...”	193

Есенғали Равшан

Оқ ёмғир	196
Күклам. Яңиқұрғон	196
Кора бовур қашқалдоқ	197
“Сайёра бүп Есенин айланади...”	197
Қозоқ қиссаси	198
Тошкент оқшоми	199

Насиббек Айтұғли

Орзу	202
Бұлут оқиб боради	203
Әмғир күйи	204

Қосымхан Бегманов

О, Туркистан	207
“Машаққатлар гирдобида мен ҳамон...”	207
Корачик	208

Абдулла Аймоқ

Отилгни ёздим оқ қорға	211
“Хар юракдан чиқади армон саси...”	211
Изла мени	212
“Севгимизнинг энг мурғак — илк маҳали...”	212
“Күргим келар мен сени күрган сайн...”	213

Адабий-бадиий нашр
САЙРА, ДҮМБИРАМ!

Қозоқ шеърияты антологияси

Мұхаррир Ҳикоят Маҳмудова
Мусаввир Юлай Габзалиев
Техник мұхаррир Валентина Барсукова
Мусаҳих Дилдора Алиева

ИБ 4277

Босишга 20.01.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. 11,55 шартли босма тобоқ. 12,0 нашр тобоги. Жами 2000 нұсха. 55 рақамли буюртма. 6-2004 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент. Навоий күчаси, 30. 700128. Тошкент. Усмон Юсупов күчеси, 86.